

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт
вазирлиги
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти**

Муҳаббат Тўлахўжаева, Тўлқин Қозокбоев

Драма назарияси **(ўқув қўлланма)**

Тошкент-2013

Масъул муҳаррир:

Муқаддас Аҳмаджонова,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси доценти,
санъатшунослик фанлари номзоди.

Такризчилар:

Сарвиноз Қодирова,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти,
“Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси мудири,
санъатшунослик фанлари доктори.

Тешавой Баяндиев,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори,
санъатшунослик фанлари доктори.

Элдор Мухторов,
Санъатшунослик фанлари доктори, профессор.

Драма назарияси” санъатнинг шу соҳа йўналишида ўқиётган талабалар учун ёзилган бўлиб, унда драма назариясининг барча кўринишлари, бу ҳақда драматурглар ва бошқа санъаткорларнинг драма тўғрисидаги қарашлари таҳлил қилинган ва ҳар бир мавзу бошланишидан аввал унинг режаси, сўнгида рейтинг топшириқлари ва назорат саволлари ҳамда фойдаланиш зарур бўлган адабиётлар рўйхати берилган. Қўлланма матни сўнгида драматик атамаларнинг қисқача изоҳли луғати ҳамда тест саволлари илова қилинган.

“Драма назарияси” курсининг ўқитиш режаси

1. Кириш

1.1. “Драма назарияси” фанининг асосий йўналишлари ва вазифалари.

11. Асосий қисм

2.1. Драма ҳақидаги илмий-назарий ғоянинг вужудга келиши.

2.2. Арастунинг “Поэтика” (“Нафис санъатлар ҳақида”) асарида драма назариясининг асосий қоидалари.

2.3. Ҳаракатнинг асосий унсурлари.

2.4. Драматик асарда мазмун, сюжет, фабула.

2.5. Арастунинг драматик асар тузилишига бўлган асосий талаблари.

2.6. Драматик асар мавзуси ва ғояси.

2.7. Драма назариясини Арастудан кейинги ривож.

2.8. Лессинг ва драма.

2.9. Драмада бадиий образлар ва характерлар.

2.10. Драматургик конфликт. 1-қисм.

2.11. Драматургик конфликт. 2-қисм.

2.12. Драматургик конфликт. 3-қисм.

2.13. Драма композицияси.

2.14. Драматургия жанрлари.

2.15. Драма ва театрнинг ўзаро алоқаси.

2.16. Ўзбек маърифатпарварлик реализми драматургияси ва жанри шакллари.

2.17. Ўзбек драматургиясида жанрий таркибни шаклланиши ва ривож.

2.18. Мустақиллик даври ўзбек драматургиси ва унда янги услубий ва жанрий шаклларнинг пайдо бўлиши.

111. Хулоса

1V. Драматургик атамаларнинг изоҳли луғати

V. Тест саволлари

V1. Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

V11. Мундарижа

Драма назарияси (Ўқув қўлланма)

**Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан
ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш,
шарқона ҳаёт фалсафаси.
Ислом каримов**

1. Кириш

1. Фаннинг мақсади ва аҳамиятини таърифланг.
2. Фаннинг ривожланиш тарихи ва босқичлари.

“Драма назарияси” фани санъатнинг шу соҳа йўналишида яъни бакалаврият ва магистратура босқичларида ўқиётган талабаларга ва шу фан билан шуғулланаётган мутахассисларга мўлжалланган бўлиб, унда драма нималиги, драма назариясини ўргаганиш нима учун кераклиги, унинг барча элементлари тафсили, драманинг тур ва шакллари, фан сифатидаги мавқе, ривожланиш тарихи ва аҳамияти, бошқа фанлар билан боғлиқлиги, драматик асарларга баҳо бериш, уларни мутахассис сифатида тушуниш каби кўплаб масалаларни ўрганади ва ўргатади.

“Драма назарияси” фани бўйича яратилган кўлингиздаги “ўқув қўлланма” талабаларга “Драма назарияси” фани ҳақида муҳим маълумотлар бериши, махсус курс сифатида ўқитилиб, унинг нима эканлиги ҳақида тасаввурга эга қилади ва ушбу фанни ўрганишнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилганлиги билан муҳим.

1.1. ”Драма назарияси” фанининг асосий йўналишлари ва вазифалари

1. Фаннинг давлат таълим сиёсатида тутган ўрни.
2. Драма ва унинг назариясининг яратилиши босқичлари

Бу ўқув қўлланманинг “Кириш” қисмида ушбу фанни ўрганишнинг асосий йўналишлари кўрсатиб ўтилди. Демак фаннинг вазифаси энг аввало инсоният адабиёт ва санъатда, хусусан драматик ижодда тўплаган катта маънавий бойликларни талабалар томонидан чуқур мутолаа қилишга ва уларни умуминсоний қадриятларга ошно этишдан иборат. Бу олий ва ўрта таълим педагогларининг Ўзбекистон Республикаси демократик мустақил давлатини барпо этишдаги энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади ва шунинг учун ушбу фанни ўрганиш давлатимизнинг таълим сиёсати талабларига тўла жавоб беради.

Фанга киришда қуйидаги уч саволга жавоб бериш зарур:

1. Драма ва драма назарияси нима?
2. Драма ва унинг назарияси инсоният жамиятида қандай ривжланиш босқичларини босиб ўтди?
3. Драма ва драма назарияси драматик санъатда қандай аҳамиятга эга?

Драма нима, драматик асар-чи, уларнинг моҳияти нимада, драма шаклларининг ўзига хослиги, уларнинг ижтимоий аҳамияти нималарда кўринади, сингари биринчи саволга драма назариясидан жавоб ахтарамиз.

У ёки бу мамлакат ва умуман кишилик жамиятининг тарихий тараққиёти умумий жараёнида драма ва драма назарияси ҳақидаги назарий таълимот қандай ривожланди, деган иккинчи саволга эса драма назарияси тарихидан жавоб излаймиз.

У ёки бу драматик асарни қандай баҳолаш, унинг онги ва шуурига қандай таъсир кўрсатаётган драматик ижод аҳамиятини тўғри белгилашдан иборат учунчи саволга жавобни театр танқидига мурожаат қилиб билиб оламиз.

Бу драма ва драма назариясига оид бўлган барча масалалар ўзаро бири-бирига боғлиқ ва таълим жараёнида улар яхлит муаммо сифатида кўрилади ва уларнинг якуний жавобини “Драма назарияси” фани беради.

Тарихий билимларсиз, жаҳон драматургиясини чуқур ўрганмай, драманинг меъёрий қонунлари ҳақидаги энг сара драматурглар, тарихчилар, назариётчилар, файласуфлар яратган дурдоналарни билмай туриб, драма назарияси ҳақида аниқ тасаввур ва тўла билимга эга бўлиш мушкул. Шу билан бирга драма назарияси ва драма назарияси тарихи агар драматик асарларни замон нуқтаи назаридан баҳоланилмаса жамиятимиз талаблари ва манфаатлари нуқтаи назаридан драматурглар ижодини баҳоловчи танқид билан боғлиқ бўлмаса, ундай баҳоланиш тўқис бўлмайди.

Драма назарияси драманинг ривожланиш хусусияти, қонунияти ва ижтимоий ролини ўрганади, драматик асарни кўриб чиқиш ва баҳолаш мезонларини белгилайди. Драмани теран тушуниш ва ўрганиш учун асос яратиш, унинг ўзига хос хусусиятларини англаш, драма соҳаси, предмети ва мақсадини белгилаш, ғоя, мавзу, конфликт, характер, композиция, жанр сингари тушунчаларни идрок этиш “драма назарияси” фанининг мазмуни ва вазифаси ҳисобланади.

Антик (лот. сўз бўлиб, қадимги деган маънони англатади. Қадимги юнон (Греция) ёки Рим ижтимоий тузумига, маданиятига, санъатига оид ёки хос бўлган) даврдан бошлаб, ҳозирги кунларимизгача яратилган кўплаб тадқиқотлар драма назарияси муаммоларига бағишланади.

Арасту(Аристотель) – мил.ав. 384-322й, қадимги юнон файласуфи)нинг фалсафий қарашларида драматик поэзия асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Классицизм ҳам драматургия муаммоларини биринчи планда ўрганди. Маърифатчилик эса анчайин театр эстетикаси бўлиб қолди.

Гегель (Георг Вильгельм Фридрих Гегель (1770-1831йй) немис файласуфи) нинг эстетик тизими драматик санъат ҳақидаги фикрлардан иборат бўлди. Унинг “Эстетика бўйича маърузалар” асарининг биринчи жилдида коллизия ва ҳаракатга катта эътибор берилган бўлса, учинчи жилд эса драмани кўриб чиқиш билан якунланди. Файласуфнинг фикрига кўра, драма “санъатлар энг такомиллашгани ҳисобланган поэзиянинг гултожиси”.

Ўтган юз йилликлар давомида йиғилган драма назариясига оид билимлар – эстетик тафаккурнинг ниҳоятда катта ютуғи бўлди.

Драма – томошабинлар кўз ўнгида, сахнада актёрлар томонидан ижро этилаётган, ҳаракат ва диалоглар ёрдамида ифодаланаётган ва воқеликни акс эттирувчи ижтимоий онгнинг шаклларида биридир. Инсон тафаккури ва ҳиссиётларини жунбушга келтириш драманинг муҳим хусусияти ҳисобланса, инсоннинг ижтимоий ва шахсий ҳаёти акс этириладиган ҳаяжонли воқеаларни тасвирлаш унинг тарбиявий вазифасидир. Бир-бирига қарама-қарши бўлган қарашлар, интилишлар, дунёқарашларга эга кишиларнинг тўқнашувларидан иборат бўлган ижтимоий воқийлик драматиз манбаи ҳисобланади. Мураккаб ҳаётини қарама-қаршилиқлар олдида инсон онгида вужудга келадиган ички зиддиятларда драма моҳияти тўла намоён бўлади. Ўз ҳис-туйғуларини бевосита ифодаловчи лирик шоирлардан фарқли ўлароқ, драматик асар муаллифи ўз фикрини драматик жараёнда иштирок этувчи шахслар орқали ифодалайди. Табиат, маишат, қаҳрамоннинг ижтимоий ва психологик ҳолати кенг кўламда акс этириладиган романдан фарқли ўлароқ, драмадаги зиддиятлар персонажларнинг монолог –диалоглари ва асосан ҳаракат ўрнини тасвирлаш билан боғлиқ турли вазифаларни ўзида жамлаган ремарка кўринишида ривожлантирилади.

Драманинг асосий кўринишлари, унинг мақсад ва вазифалари, моҳияти ва унинг ўзигагина хос бўлган тарбиявий белгилар шулардан иборатдир.

Рейтинг топшириқлари

1. “Драма назарияси” фанининг вазифаси нима?
2. Фанни ўрганшда нималарга эътиборни қаратиш керак?
3. Драма назариясининг ривожланиш босқичлари.
4. Назарий таълимот қандай шаклланди?

Назорат саволлари

1. Драматик асарларга қандай усулда баҳо берилади?
2. Драма назарияси тарихи қачон бошланган?
3. Драмага Арасту қарашлари.
4. Драманинг тарбиявий белгиларини айтинг.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Умумий-услубий адабиётлар

1. И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Т.;Ўзбекистон, 1998.
2. Ислон Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. “Маънавият”, 2008.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Ҳ.Абдусаматов. Драма назарияси. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т.; 2000.
2. Волькенштейн С. Драматургия. М.; “Наука”, 1974.

Қўшимча адабиёт.

1. Тошпўлат Турсунов. Ўзбек театри тарихи. Т.; 2008.

11. Асосий қисм

2.1. Арастунинг “Поэтика” (“Нафис санъатлар ҳақида”) асарида драма назариясининг асосий қоидалари.

1. Санъатнинг хусусиятларини англашга бўлган интилишлар.
2. Ҳоргийнинг санъат ҳақидаги ҳикматли гапини айтинг.
3. Буюк Арастунинг “Поэтика” асарида драма назарияси.

Қадимий даврларданок драма ҳақидаги илмий-назарий фикр шакллана бошлади. Назариётчилар умуман санъатнинг ва хусусан адабиётнинг хусусиятини англашга мурожаат қилдилар. Биринчи бўлиб, бу масала милотдан аввалги I V асрда яшаб ижод қилган буюк файласуф Афлотун (Платон) – мил.ав. 428 – 347й. қадимги юнон файласуфи)нинг “диалогларида” тилга олинади. Юнонистонлик файласуф, нотик Ҳоргий (Горгий) мил.ав. 483 тахминан – 375й.)да санъатларни яратилишини уларнинг предметлари (“сўзсиз”) яратиш: рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва бошқалар) ёки эътиқод (нутқлар ёрдамида яратиш)) сингари тамойиллари асос қилиб олинади. Унинг: “Санъат одамларни бошқа ҳунарлардан кўра кўпроқ ишонтиради. Санъат мажбурлаш орқали эмас, балки ихтиёрий равишда ҳаммани ўз қулига айлантиради” деган ҳикмати, мана I6 аср вақт ўтибдики, ўз долбзарлигини йўқотмай келади. Машҳур қадимги юнон файласуфи Арасту (Аристотель) милотдан аввалги I V- асрда ёзган “Поэтика” асари драма назарияси бўйича биринчи улкан асар ҳисобланади.

Юқорида номлари зикр этилган файласуфлар, адабиётни “абадий ғоя” ни ифодаловчи ташқи ҳодисаларга тақлид сифатида талқин этдилар. Арастунинг кўрсатишича, поэзия шеърӣ, насрий ва драматик асарларни ўз ичига олади, ҳаққоний ҳаётни тасвирлайди, ундаги эҳтимоллик ва зарурийликни кўрсатади, унинг бош предмети-инсон, мақсади эса - катарсис, яъни инсонлар туйғусини ҳар қандай юксак эстетик баҳра улашадиган пасткашлик, ғаразликлардан тозалигидир.

Арасту одамларга хос бўлган ва уларни билим олишга қобилиятли қиладиган тақлидни бадиӣ ижоднинг асоси деб ҳисоблади, яъни санъатнинг билим аҳамиятини тан олди. Одамларнинг ҳаракати поэзиянинг (Арасту драмани поэзия деб атаган) тасвир объекти бўлиб хизмат қилган, бунда санъаткор ҳақиқатда бўлган воқеани эмас, балки бўлиши мумкин бўлган воқеани назарда тутди.

Арастунинг фикрича, “трагедия - бу муҳим ва тугал, маълум ҳажмга эга бўлган тақлид, ҳамдардлик ва қўрқитиш йўли билан амалга ошириладиган ҳикоя эмас, балки нутқ ёрдамида, ҳаракат орқали вужудга келадиган тақлиддир”. Ҳар бир трагедияда олти қисм: фабула, характер, фикр, сахна вазияти, матн, муסיқали композиция қабилар бўлиши шарт. Иккитаси талқин

воситаси, биттаси талқин усули, учтаси талқин предмети ҳисобланади. “Бу қисмлардан барча ижодкорлар тез-тез фойдаланиб туришади, негаки ҳар бир трагедияда юқоридагиларнинг барчаси бўлади”. Энг муҳими, трагедия қалбни қамраб олади-бу фабуладир.

“Комедия” тушунчасини Аристотел томонидан талқини. Комедиянинг фалл қўшиқларидан келиб чиқиши. Комедияларда мазмун ва характерлар тузилиши хусусиятлари. Комедия ҳам трагедия каби импровизациядан (импровизация-тайёргарликсиз яъни ижро пайтида яратилган асар) келиб чиққан. У одамларни кулгили тасвирлайди. Кулгилик - хунуклик қисми. Кулгилик - ҳеч қандай зарар ва уқибат келтирмайдиган қандайдир хато ёки камчиликдир.

Арасту фабула яъни – воқеалар таркибини трагедиянинг асоси деб ҳисоблади. Ҳаракатлар тасвири, характерлар тасвири трагедиянинг мақсади ҳисобланади. Фақат турли персонажларни ҳаракатда иштирок этиши билан уларнинг характери очиб берилади. Агар нутқ ёки ҳаракатда ироданинг бирор йўналиши маълум бўлса, иштирокчи шахс маълум характерга эга бўлади. Маълум персонаж нимага интилиши ёки нимадан ўзини олиб қочиши тушунарли бўлмаган иштирокчи шахс нутқи характерни тасвирлашга имкон бермайди.

“Ҳаракат” тушунчасининг ўзига ҳам Арасту муҳим аҳамият беради. “Поэтика”да бу тушинча икки хил маънода тушунилади. Драматик иштирок этувчи қаҳрамонлар ҳақида гапириб, Арасту уларнинг алоҳида турдаги хатти-ҳаракатини назарда тутди. Аммо унинг “ҳаракат” и нафақат иштирок этувчи шахснинг “индивидуал ҳаракати”. Арасту умуман бутун трагедиянинг жараёнини, яъни унда тасвирланган муаммо ва воқеалар барчасини, аниқроғи, фабулани ана шу сўз билан ифодалайди.

“Нутқ ёрдамида ҳаракатга тақлид қилиш” ҳақидаги сўзлар драмада мавжуд бўлган фабуланинг ўзига хос табиатидан дарак беради. Ундаги ҳаракат ўзгача ва уни нутқдан ажратиб бўлмайди. Арастунинг таъкидлашича, драмада ҳам, эпосда ҳам, лирикада ҳам “тақлид” қиладиган ҳаракатлар кишиларни кундалик ҳаётидаги ҳаракатларига ўхшаб қолмаслиги керак. Санъат асарида бўлиш эҳтимол бўлган ёки бўладиган ҳаракатларни тасвирлар экан, у ҳаққоний ҳаёт билан мураккаб муносабатда бўлиши зарур.

Рейтинг топшириқлари

1. ”Драма назарияси” курси талабаларга нимани ўргатади?
2. Бу фаннинг вазифаси ва моҳиятини қандай тушинасиз?
3. Драма назариясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақидаги билимингизни ифодаланг.
4. “Драма назарияси” фанининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни қандай?
5. Драма назариясига файласуфлар Афлатун (Платон), Ҳорги (Горги) қарашларини шарҳлаб беринг.

Назорат саволлари

1. “Драматургия назарияси”нинг зарурлигини шарҳлаб беринг.
2. Драма ҳақидаги таълимотнинг вужудга келиши ва ривожланиши.
3. Нега бу фан назариясини ижтимоий онгнинг шаклларида бири деймиз?
4. Драма моҳияти қандай пайдо бўлади?
5. “Нутқ ёрдамида ҳаракатга тақлид қилиш” деган иборани изоҳланг.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Умумий-услубий адабиётлар

1. И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Т.; Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари. Т.; “Ўзбекистон”, 1995.
3. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. “Маънавият”, 2008.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Ҳ.Абдусаматов. Драма назарияси. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т.; 2000.
2. Волькенштейн С. Драматургия. М.; “Наука”, 1974.

Қўшимча адабиётлар

1. И.А.Каримов. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. Т.; Ўзбекистон. 2011.
2. Тошпўлат Турсунов. Ўзбек театри тарихи. Т.; 2008.

2.2. Арасту фикрига кўра “ҳаракат” тушунчаси

1. “Поэтика” асарида “ҳаракат”га берилган таъриф.
2. Арастунинг “билиб қолиш” ҳақидаги фикрлари.

Арасту “Поэтика”да “ҳаракат”нинг антик трагедиядаги қатор муҳим хусусиятларини очиб берди. Энг аввало, бу ҳаракатнинг бош элементи, бош қисми бўлган ўзгариш, билиб қолиш, қаҳрамонлар томонидан содир қилинаётган ва уларнинг ўзлари билан рўй бераётган ҳаракатларни қайта баҳолаш, қайта англашга олиб келувчи фавқулотдаги моҳиятни қаҳрамонлар томонидан билиб қолиши ва англаниши кабиларни ҳам Арасту ҳаракат деб ҳисоблади. Арастунинг фикрига кўра “билиб қолиш” ва “азобланиш” ҳиссий изтироф, ғоявий-ахлоқий, этик ўзгаришлар ва трагик ҳаракатнинг асосини ташкил этувчи фаҳмлашдир. Ҳаракат – қилмишларига мурожаат этиб, трагедия энг аввало уларнинг сабаб ва оқибатларини тасвирлашга қаратилади ва шунинг учун воқеалар таркибининг алоҳида тури, яъни тегишли фабулани талаб қилади. Ниҳоятда антиқа воқеаларгина қаҳрамонлар ва томошабинларни ҳиссий-ахлоқий бўқронларга ва кўзғалишларга олиб келади.

Арасту фикрича, “билиб қолиш” таянч ҳолат ҳисобланади, уни драматик фабула ривожига катта рол ўйновчи тасодифий ҳолатлар рўй бериши чоғида вужудга келадиган ҳаракатлар ривожига алоҳида турдаги ўзгаришлар сифатида баҳолайди. Арасту “билиб қолиш” ҳақида гапирганда, у ташқаридан рўй берадиган тасодифийлик ҳолати билан боғланади. Унинг нуқтаи назарига кўра, бу турдаги фавқулодда ҳолатсиз, кутилмаган воқеалар оқимисиз ғожиавий фабула мавжуд бўлаолмайди. Арасту фабулага вазият киритадиган, “кутилмаганлик” зарурий элемент эканлигини таъкидлайди. Агар ҳаққоний воқеликда тасодифийлик инсон тақдири учун катта аҳамиятга эга бўлса, санъат вазиятга алоҳида вазифалар кўяди. Драматик фабула қаҳрамонларни шундай вазият ва ҳолатга олиб келадики, уларнинг тақдирига тасодиф катта таъсир ўтказди. Ҳаракатни янги оқимга солиб юборадиган, қаҳрамонлар ҳаётига таъсир қиладиган воқеаларни бирданига тасодифан содир бўлиши, тасодифийлик бор бўйи билан намоён бўладиган лаҳза – булар билиб қолиш деб юритилади. Арасту вазиятларни содир бўлиши, кутилмаган ҳодисалар ҳақида гапирар экан, уларни қаҳрамонлар ва уларнинг ҳаракатларининг фаоллигидан айрича тасаввур қилмайди. Унинг учун қаҳрамонлар кутилмаган таҳликали ҳолатга қандай муносабат билдириши, бунда ўзининг характерини чуқур намоён қилиб, қандай чора қўллашини билиш муҳимдир. Масалан, “Эдип”даги хабарчи Эдипни хурсанд қилиш ва онаси олдида кўрқувдан халос қилиши мақсадида келиб, у ким бўлганлигини тушунтиради ва бутунлай бошқа аҳволга тушириб кўяди. Бу Сафокл фожиасида перепития ҳисобланади.

Рейтинг топшириқлари

1. Арасту “ҳаракат” деганда нималарни ҳисобга олган?
2. Арасту “билиб қолиш” деган иборага қандай қарайди?
3. Фабулани “ривоят” десак бўладими?
4. Қаҳрамонлар ҳаётига таъсир қиладиган воқеалар.
5. Кескин бурилиш ёки кутилмаган ҳодисалар дегани нима?

Назорат саволлари

1. Ҳаракатнинг бош элементини айтинг.
2. Трагик ҳаракатнинг асосини изоҳлаб беринг.
3. Санъат асарларида вазиятнинг ўрни.
4. Қаҳрамонлар тақдирида тасодифнинг пайдо бўлиши.
5. Тасодифийликка муносабатингиз.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Умумий-услубий адабиётлар

1. И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Т.; Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари. Т.; “Ўзбекистон”, 1995.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. “Янги аср авлоди”, 2011.
2. Ҳ.Абдусаматов. Драма назарияси. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т.; 2000.
3. Волькенштейн С. Драматургия. М.; “Наука”, 1974.

Қўшимча адабиётлар

1. И.А.Каримов. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. Т.; Ўзбекистон. 2011.
2. Ҳақиқат манзаралари. Т.; “Янги аср авлоди”, 2011.

2.3. Ҳаракатнинг асосий унсурлари

1. Арасту қонуний деган уч ҳолат тафсили
2. Арастунинг драма тузилишига қўйган талаблари

Арасту “Поэтика” асарида, шоир ўз ижодида энг яхши натижаларга қандай усуллар билан эришиши ҳақида гапиради: “Шоир рассомга ўхшаб тақлидчи экан, қуйидаги уч ҳолатдан бирига тақлид қилиши, яъни ё у ҳодисаларни қандай бўлса, шундай ёки улар ҳақида нима дейилаётгани ва ўйланаётгандек, ёхуд улар қандай бўлиши лозимлиги ҳақида тасаввур юритиши лозим бўлади”.

Бу уччала ҳолатни Арасту қонуний деб ҳисоблайди. Санъатдаги ёлғон агар бундай тасвирга ҳалақит бермай, аксинча ёрдам берса, у буни маъқуллайди. Бу ҳолатда бадиий асар мантикий жиҳатдан ютқазади, аммо бадиий ҳақиқат ва бадиий таъсирдан ютади. Арасту характерларнинг ҳаққонийлигини, уларни ҳаракатда изчиллигини ёқлаб келди.

Арасту ташқи белгиларда эмас, балки эҳтимоллик ва зарурийлик талабларига кўра ҳаётий материални алоҳида ижодий ташкил қилишда поэтик асосни кўради. Файласуфнинг ёзишича, асар сюжет ёки фабула ривожини очиб бериши лозим бўлган, бошланиш, ўрта ва интиҳога эга бўлиши фабула эса ўз ривожи давомида ботиний бирликка эга бўлиши ва “бунда бир бутун ҳаракат тасвири бўлиши зарур бўлади. Поэтик (ижодий) тана воқеликнинг шунчаки таъкиди эмас, балки ижод маҳсули бўлиши керак”. Арастунинг таъкидлашича, “макондаги тартиб, мутаносиблик ва муқаррарлик” гўзалликнинг бош шакллари ҳисобланади.

Ботиний бирлик, сюжет, композиция, характерлар ривожига ҳаракат бирлиги талаби - Арастунинг драма тузилишига қўйган талабларидан, унинг поэтикасидаги бош масала ҳисобланади. Ҳаракат бирлиги драманинг ички яхлитлиги, ундаги ривожланиш изчиллигига ҳалақит берадиган барча жиҳатларни бартараф этишдан иборат бўлади.

Арастунинг “Поэтика” асари ниҳоятда қимматли назарий қоидалар тақдим этди ва драма назарияси соҳасида истиқболда самарали тадқиқотлар олиб боришга кенг йўл очди.

Рейтин топшириқлари

1. Арастунинг “тақлид” масаласидаги фикри.
2. Қайси ҳолатларни у қонуний ҳисоблайди?
3. “Гўзалликнинг бош шакли” деган иборани шарҳлаб беринг.
4. Арастунинг драмага қўйган талабларини сананг.

Назорат саволлари

1. “Ҳаракат бирлиги” жумласига муносабатингиз.

2. Драма тузилишидаги бош масала нима?
3. Ботиний бирлик, сюжет, композиция, характерлар ривождаги ҳаракат бирлиги нимага керак?
4. Арастунинг яратган назарий қоидаларнинг аҳамияти.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Умумий-услубий адабиётлар

1. И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Т.; Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари. Т.; “Ўзбекистон”, 1995.
3. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. “Маънавият”, 2008

Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. “Яни аср авлоди”, 2011.
2. Волькенштейн С. Драматургия. М.; “Наука”, 1974.
3. Н. Одилова. Драматургия асослари. Т.; 2008.

Қўшимча адабиётлар

1. И.А.Каримов. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. Т.; Ўзбекистон. 2011.
2. Тошпўлат Турсунов. Ўзбек театри тарихи. Т.; 2008.
3. Ҳақиқат манзаралари. Т.; “Янги аср авлоди”, 2011.

2.4. Драматик асарда мазмун, сюжет, фабула.

1. Драматик асар мазмунига шарҳ.
2. Сюжет ҳақида санъаткорлар таърифлари.
3. Асар коллизияси очиб берадиган “воқеалар таркиби”ни изоҳланг.

Драматик асар мазмуни – бу драматург томонидан англланган ва акс эттирилган ҳаётий материалдир. Бу иштирок этаётган шахслар муаммолари ва кечинмалари, уларнинг узвий ривождаги муаллиф тасвирлаган ҳаёт инъикоси занжиридир. Одамлар ривожланиб бораётган воқеалар иштирокчиси сифатида, маълум ҳаётий вазиятларда тасвирлайди.

Сюжет – бу драматург қўлга олган ҳаётий материалнинг ўзига хос ташкилий тизими. Максим Горкий (асл исми Алексей Максимович Пешков рус ёзувчиси 1868-1936й.) сюжет ҳақида гапирар экан, “алоқалар, қарама-қаршиликлар, ёқтириш, ёқтирмаслик ва умуман кишиларнинг ўзаро алоқаларини...” сюжет деб атайди. Бу демак, моҳиятига кўра характер ривожидир. Айни пайтда бу сюжет тушунчасининг фақат бир томони, бошқа томондан у аниқ воқеалар доирасидан иборат бўлади, негаки айнан маълум воқеаларда кишиларнинг ўзаро алоқаси аниқланиши мумкин. Шундай қилиб, сюжет пьесадаги воқеаларнинг аниқ тизимидан иборат бўлади, у мазкур характерларни ўзаро алоқада ва ўзаро муносабатда ифодалайди.

Сюжетнинг бу узвий боғлиқлигини Островский (Островский Александр Николаевич, 1823-1886й, рус драматири) ўз пьесаси мисолида жуда яхши очиб берган. “Островскийда инсон бизда ўз қалбини бахш этиши мумкин бўлган оилавий ва мулкый сингари муносабатларнинг икки тури ниҳоятда батафсил ва бўрттириб тасвирлаб берилган. Шунинг учун ҳам унинг пьесалари сюжети ва номлари ҳам оила, куёв, келин, бойлик ва камбағаллик атрофида айланиб юриши бежизга эмас.”

Островский пьесаларида драматик коллизия ва фожиаларнинг барчаси катталар ва кичиклар, бойлар ва камбағаллар, ўзбошимчалар ва масъулиятсизлар сингари икки тоифанинг конфликтлари оқибатида рўй беради. Табиийки, бундай конфликтлар натижаси моҳиятига кўра кескин характерга эга бўлиши ва тасадифийлик акс-садо бўлиб қолиши лозим. Шундай қилиб, сюжет асосини бундай ҳаётий ҳолатда одамлар ўртасидаги муносабатлар, унинг учун хос бўлган вазият ва ҳолатларни ифодаловчи конфликтлар ҳама муаллиф умумлашмаси ташкил этади.

Агар сюжет асосий конфликтларни ифодаласа, унда фабула – бу конфликтлар амалга ошириладиган воқеалар занжиридир, яъни Арастуниг – бу асар коллизияси очиб бериладиган “воқеалар таркибидир” деган фикри ўз тасдиғини топади.

Мазмун, сюжет, фабула бор эканлигини аниқлаб, бўлгач, драматик асарнинг “мавзуси” ва “ғояси” сингари мураккаб тушинчаларни кўриб чиқамиз.

Рейтин топшириқлари

1. Сюжет деган атамага изох беринг.
2. М.Горкийнинг сюжет ҳақидаги фикрини айтинг.
3. Сюжет пьесадаги воқеаларни қандай ифодалайди?
4. Сюжетнинг узвий боғлиқлиги ҳақида Островский фикри.

Назорат саволлари

1. Драматик коллизиянинг вужудга келиши.
2. Сюжетнинг асоси нималигини айтинг.
3. Фабулани нега тўқнашувлар амалга оширадиган воқеалар занжири деймиз?
4. Сюжет ҳақида Арасту фикри қандай?

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Умумий - услубий адабиётлар

1. Каримов И. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари. Т.; “Ўзбекистон”, 1995.
2. И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Т.; Ўзбекистон, 1998.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. “Яни аср авлоди”, 2011.
2. Волькенштейн С. Драматургия. М.; “Наука”, 1974.
3. Костелянец Б. Лекция по теории драмы. Л.; Искусство, 1976.

Қўшимча адабиётлар

1. И.А.Каримов. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. Т.; Ўзбекистон. 2011.
2. Тошпўлат Турсунов. Ўзбек театри тарихи. Т.; 2008.
3. Ҳақиқат манзаралари. Т.; “Янги аср авлоди”, 2011.

2.5. Драматик асар мавзуси ва ғояси

1. Гегелнинг драмада “ҳаракат” тўғрисидаги фикрлари.
2. “Мавзу” тушунчасининг иккала маъносига тўхталинг.
3. Ғоявий -мавзуий асос – бу асар ўзаги” иборасига шарҳ.

Ҳар бир драматик асар ҳаётнинг қандайдир яхлит кўринишидан иборат бўлади. Гегел ўзининг “Эстетика бўйича маърузалар” асарида шундай ёзади: “Драматик соҳада қандайдир ҳаракат мазмун ҳисобланади, драма бу ҳаракатни қандай амалга ошишини тасвирлаши керак. Аммо одамлар кўплаб ҳаракат, ҳодисаларни амалга оширади. Улар бир-бири билан гаплашадилар, еб-ичадилар, кийинадилар, ухлайдилар ва ҳоказо. Инсон амалга ошираётган ҳаракатлардан драманинг ўзига тегишли бўлган ҳаракат билан бевосита боғлиқ бўлмаганлари олиб ташланиши лозим. Бу ҳаракатга нисбатан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган бирортаси ҳам қолмаслиги керак. Демак, драматик асарга айнан ушбу маълум мазмунни намоён қилиш ва ифодалашга хизмат қиладиганигина қиради, зеро ҳеч қандай ортиқчаси қолмаслиги зарур”. Демак биз мазмун, сюжетни аниқлаб олишимиз, асосий воқеалар занжирини, яъни “воқеалар қаторини” белгилашимиз ва “пъесада нималар бўлаётганлиги” ҳақидаги саволга моҳиятан жавоб беришимиз лозим бўлади.

“Мавзу” тушунчаси икки хил маънода қўлланади. “Пъеса нима ҳақида” қабилидаги саволга жавоб бериб, биз тўла жавоб ололмаймиз. Пъесада драматург кўтарган, у маълум ҳаётӣй материалда ёритиб берган муаммолар доирасини очиш, бош қаҳрамон характериини белгилаш, ҳаракатлари моҳияти нимада эканлигини тушуниш зарур бўлади. Фақат шундагина биз асар мавзусини белгилай оламиз. Пушкин (Пушкин Александр Сергеевич, 1799-1837й, рус ёзувчиси, янги рус адабиётининг асосчиси) нинг таъкидлашича, “Отелло” мавзуси нафақат “алданган ишонч фожиаси”, яъни Маврнинг ҳаёти, унинг Дездемонага бўлган муҳаббати, Ягонинг макригина эмас, балки қаҳрамон моҳияти, унинг одамлар билан ўзаро алоқасини ҳам белгилайди.

“Мавзу” тушунчаси билан “ғоя” тушунчаси ҳам боғлиқ. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди, улар пьесанинг ғоявий - мавзуий асосини ташкил қилади. Ғоя асардан келиб чиқадиган бош фикр, у муаллиф томонидан асарни нима мақсадда ёзилганлиги, мазкур воқеалар ва қаҳрамонларни тасвирлаш билан нима демоқчи эканлигидир.

Мавзу – бу драматург томонидан пьесада қўйилган ва маълум ҳаётӣй материал асосида ёритилган муаммо бўлса, ғоя эса бу муаммога маълум жавоб ҳисобланади.

Моҳиятан, пьесада сўз юритилаётган ҳар бир образ, ҳар бир ҳаётӣй вазият маълум мавзу ва маълум баҳога эга бўлади. Шу маънода ҳар бир асар кўп жилдли ва кўп муаммоли. Шунинг учун драматургик асар сахнада турлича талқин этилади, зеро у режиссёр спектаклда нафақат ўз манфаатига

қараб, балки у ёки бу даврга боғлиқ бўлган муаммолар асосида пьесанинг қайси мавзусини очишни хоҳлаганлигига боғлиқ бўлди.

Моҳиятан пьесадаги ҳар бир образ, ҳар бир ҳаётий вазият маълум мавзу ва маълум баҳога эга бўлади. Шу маънода ҳар бир асар кўп мавзули ва кўп муаммоли. Шунинг учун драматургик асарлар турлича сахнавий талқин қилинади, негаки режиссёр ўз спектаклида қандай мавзунини очиш мақсадига боғлиқ, бунда у нафақат ўз манфаати, балки у ёки бу даврда мавжуд бўлган муаммоларга таянади.

Хусусан, ўзбек драматик театрида тожик режиссёри Барзу Абдураззоқов Шекспирнинг “Отелло” трагедиясини сахналаштирди. Режиссёр бу асарни сахналаштирар экан, пьесага ўзгача ёндошди. Матнни янгича ўқиб, режиссёр образлар ва интрига ортида трагедияни келтириб чиқарувчи ҳақиқий сабабни кўришни, характерларни ўзгача талқин қилишни хоҳлади. Режиссёрни алданган ишонч мавзусини ривожлантириш эмас, муаммонинг ёвузлик моҳияти, унинг инсонга нисбатан бузувчилик таъсирини асослаш қизиқтирди. Режиссёр Яғони асосий қаҳрамон қилиб олди. Айнан унинг хулқи сахна ҳаракатининг асоси бўлиб қолди. Яғо интрига қилади, уни ривожлантиради, кульминацияга эришгач, ўз қилмишининг пасткашлик эканлигини англаб уни тўхтатишга ҳаракат қилади. Спектаклда Яғо ўз яқинларини йўқотади, у яккамаҳов бўлиб қолади. Яғонинг ўз хатосини англаши уни ахлоқан йўқ қилади, жисмонан эзиб ташлайди. У ўзини идора қила олмай қолади. Ўлиб ётганларни кўриб Яғо эзилади. Оёғини зўрға судраб Эмилиянинг олдида келади, нимадир пичирлайди, сўнгра Дездемонага яқинлашиб уни аста ўпади. Отелло ёнига келиб, унинг танасини кўтариб бағрига босади. Бошини юқорига кўтариб ниманидир илтижо қилади, лекин уни ҳеч ким эшитмайди. Ўзбек театрида 90-йилларда сахналаштирилган трагедия шундай тугайди. Айбини тан олган ёвузлик-спектаклнинг етакчи мавзуси шу. Асар ғояси ўз-ўзидан келиб чиқади – ёвузлик қилмаслик керак, негаки у ўзингга қарши бош кўтаради.

Ғоявий-мавзуй асос – бу асар ўзаги. Мавзу бўлмаса, ғоя ҳам бўлмайди. Ҳаётдан олинган воқеалар ҳали бадиий асар эмас. Муаллиф муҳим мавзунини топа олиши керак. Муаллиф ва бошқа оммани ҳаяжонга солаётган муҳим мавзу топилганидан кейин асар ғояси ҳам шакллана бошлайди.

Рейтинг топшириқлари

1. Гегелнинг “Эстетика бўйича маърузалар” китобида асар мавзуси ҳақидаги фикри.
2. “Отелло” асарининг мавзуси ҳақида А.С. Пушкин таъкиди.
3. “Мавзу” билан “Ғоя” бирлиги ҳақидаги фикрингиз.
4. Режиссёрга қўйилган талаб нимадан иборат?

Назорат саволлари

1. Ғояни нега бош фикр деймиз?

2. “Мавзу” тушунчасини изоҳланг.
3. Нега “мавзуни муаммо деб олсак, ғояни бу муаммога маълум жавоб” деймиз?
4. Уйғониш даврида драмага қўйилган талаблар.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Умумий - услубий адабиётлар

1. И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Т.; Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари. Т.; “Ўзбекистон”, 1995.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. “Яни аср авлоди”, 2011.
2. Волькенштейн С. Драматургия. М.; “Наука”, 1974.
3. Костелянец Б. Лекция по теории драмы. Л.; Искусство, 1976.

Қўшимча адабиётлар

1. И.А.Каримов. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. Т.; Ўзбекистон. 2011.
2. Тошпўлат Турсунов. Ўзбек театри тарихи. Т.; 2008.
3. Ҳақиқат манзаралари. Т.; “Янги аср авлоди”, 2011.

2.6. Драма назариясини Арастудан кейинги ривож

1. Драманинг янги тараққиёт босқичига чиқиши.
2. Лопе де Веганинг “комедия ёзишга янгича ёндошув”ининг таърифи.
3. Шекспирнинг санъат асари яратиш ҳақидаги қарашлари.
4. Мольернинг “Тартюф” комедияси муқаддимасидаги фикрлари.

Фақат уйғониш даврига келиб, санъат ва адабиёт, улар билан бирга драма ҳам янги тараққиёт чўққиларини забт этади. Уйғониш даврининг илғор ёзувчилари санъатдан ҳаёт ҳақиқати, гуманизм, демократизм, халқчилликни тасвирлашга нисбатан кўпроқ ёндошувларни талаб қилдилар. Бу назарий хусусиятга эга бўлган “Комедия ёзишга янгича кўрсатма” асарини ёзган машҳур испан драматурги Лопе де Вега (Вега Карпьо Лопе Феликс де (1562-1635й, Уйғониш даврининг йирик вакили) га ҳам бадиий ижод вазифасини “Ҳамлет” асарида ҳал қилиб берган Шекспир (Шекспир Уильям, 1564-1616й, инглиз драматурги ва шоири) учун ҳам хос бўлди. Санъат асарини яратиш – бу **“табиат олдида кўзгуни ушлаб туриш, яъни унинг хусусиятлари, кибр-ҳавоси-қийёфасини очиб бериши, ҳар бир асрга эса тоифаси – ўхшашлиги ва аломатини намоён этишдан иборатдир”**.

Лопе де Вега Испанияда миллий театр асосчиси ҳисобланади. Унинг “комедия ёзиш янги санъати” ёки “ комедия ёзишга янгича ёндошув” назарий трактатида пьеса ёзиш бўйича қимматли тавсиялар берилган. Лопе де Вега воқеликни ҳаққоний акс эттиришни талаб қилди. У шундай ёзади: “санъат предмети ҳаққонийликдир”, бу “драматик асар учун фабуланинг бирлиги зарур, ҳаракат бирлиги эса ниҳоятда зарур, фикрга ҳеч нарса ҳалақит бермаслиги керак”.

“Бирликдаги ҳаракатда фабула бўлиши керак, у кўплаб алоҳида ходисаларга бўлиниб кетмаслиги ёки дастлабки ғояни нима биландир узилиб кетишига йўл қўймаслик зарур. Унда қисмлар бутунга боғланиб қолиши лозим”.

Лопе де Вега таъкидлаганидек, ҳаётда ҳамма нарса трагедик ёки кулгили бўлавермайди. Ҳаёт “олижаноблик ва кулгилилик”, “фожиавийлик ва эрмак қоришмасидан” иборат бўлиши керак. У саҳнавий интрига назариясини ишлаб чиқади (интрига лотинчадан алдаш деб таржима қилинади, бу кимнингдир яширин ҳаракати, бу муқаддимадир) Унинг сўзларига қараганда интрига – бу пьесанинг асаби, у томошабинни тарангликда ушлаб туради, у воқеалар тугунини боғлаши ва томошабинни перепития, коллизия чизигидан юргизиши зарур, томошабин ечим қандай бўлишини билмаслиги керак ва шу билан пьесанинг таранглиги таъминланади”. У шунингдек, “комедия тили соф, ёрқин, енгил бўлиши керак”, деб ёзади. Бадиий ижод вазифалари ҳақида Шекспир “Гамлет”да ёзди. Санъат асари яратиш – бу **“табиат олдида ойна**

ушлаб туриш, унинг хусусиятларини, қиёфасини акс эттириш, ҳар бир асар ва табақада из қолдириш деганидир” – хулоса ясайди Шекспир.

XV11-асрнинг иккинчи ярмида Арасту “Поэтика”си қоидаларини янги шароитларга мослаган ҳолда ривожлантиришда давом этишга интилиш сезилди. Француз классик назариётчиси Н. Буало (Буало Буало-Депрео Никола, 1636-1711й, француз шоири, танқидчи, классицизм назариётчиси) “Поэтик санъат” китобида (жонли, эпиграмма шаклида баён қилинган) асосан рим шоири Гораций (тўлиқ исми Квинт Гораций Флакк)нинг “Поэзия илми” китобига таяниб, ёзувчилар учун қўлланма вазифасини ўташи керак бўлган меъёрий поэтикани ишлаб чиқди. Классицизм (классицизм – нем.сўз бўлиб, намунали деган маънони англатади. XV11 аср – X1X аср бошларида Европа адабиёти ва санъатида антик адабиёт ва санъат намуналари ва шакллари мурожаат ва тақлид қилиш асосида шаклланган бадиий услуб ва (оқим) ҳаётга янги ижтимоий талабларни қўйди. У ўз вакиллари асарларида Антикликнинг энг яхши намуналарига эришганлиги учун шу номга сазовор бўлди. Антик намуналарга тақлид қилиш классицизм тарафдорларининг таянч тамойили (принципи) бўлиб қолди. Унга табиатга тақлид, онг овозига бўйсиниши сингари 2 та бошқа жиҳатлар ҳам қўшилди. Буларнинг барчаси маълум даражада Уйғониш даври адабиёти ишини давом эттирди, лекин классицизмнинг заиф томонлари ҳам маълум бўлиб қолди. Шекспирдаги каби характерларни ҳар томонлама, жонли ифодалаш ўрнига классицизм тарафдорлари асарларида бир томонлама, схематизм асосида кишиларни тасвирлаш тамойили пайдо бўлди. Драматургияда классицистлар вақт, ўрин ва ҳаракат уч бирлик принципи яъни тамойилини илгари сурдилар. Ҳаракат бирлигининг мақбуллигига шубҳа йўқ эди. Бошқалари ҳаётни тўлақонли тасвирлашга тўсқинлик қиладиган ромка бўлиб қолди. Вақтлар ўтиши билан классицизм ўзининг илғорлик хусусиятини йўқотди, кейинчалик эса бу усул (метод) таназулга учради.

“Тартюф” комедияси муқаддимасидаги Мольернинг фикрлари кизиқарли. Мольернинг ёзишича, “комедия - бу ўткир латифадир, у ҳикматлар орқали инсонларнинг нуқсонларини очиб ташлайди”. Кишиларни тарбиялаш комедиянинг бош вазифаси, кулдириш – иккинчисидир. Комедияда инсонлар нуқсонлари тасвирланади, уларни кулдириб тарбиялайди, давр нуқсонларини кулгили тасвирлайди”. Мольер “театр – бу жамият ойнаси”, деб ёзди.

XV111 асрга келиб драма назарияси ҳақидаги таълимотни чуқурлаштириб ривожлантирган маърифатпарварлар даврининг ажойиб арбоблари Дидро (Дидро Дени 1713-1784й, француз файласуфи, ёзувчиси, маърифатпарвари) ва Лессинг (Лессинг Готхольд Эфраим, 1729-1781й, немис драматурги, санъат назариётчиси, маърифатпарвар)нинг эстетика бўйича асарлари вужудга келди. Шу ўринда Дидронинг “Драматик поэзия ҳақида”, “Актёр ҳақида парадокс”, Лессингнинг “Лаокоон”, “Гамбург драматургияси” сингари асарлари эътибор қозонди. Бу асарларда буюк

маърифатпарварларга хос бўлган санъатга нисбатан илғор қарашлар ўз аксини топди. Улар бадиий асарлар олдига воқеликка нисбатан садоқат, у ёки бу давр ижтимоий ҳаётининг муҳим томонларини теран очиш кабилар билан боғлиқ талабларни қўйишди.

Дидро француз театрини янгилаш дастури билан чиқди. У театрни сиёсий минбар ва тарбия мактаби сифатида тушунди, классицизмни имкониятлари чекланганлиги ҳақидаги масалани ўртага ташлади. “Менгача нима бўлган бўлса бўлди, - деб ёзди Дидро, - улардан аста-секин очилиб борадиган ва фақат охирида ўз қувватини кўрсатадиган эҳтирос ёки характерни кўпроқ қадрлайман”.

Дидро биринчилардан бўлиб, классицизм жанрини табақаларга бўлинишига қарши чиқди, классицистик характерларнинг қотиб қолганлиги ва бир ёқламалигини қоралади. Дидро сахнада ҳаётнинг кўпқирралигини кўрсатишга интилди ва учунчи табақа одамларини ифодаловчи мешчанлик драмаси жанрини трагедия ва комедия ўртасидаги оралик жанр эканлигини таъкидлади. У ижтимоий аҳволни образ тавсифидаги дастлабки омил эканлигини эълон қилди, типик характерлар яратиш муаммосини кўтариб чиқди, муаллифлардан инсонни ўраб турган ижтимоий муҳит, ижтимоий, маиший аниқликни талаб қилди. Дидро пьеса яратишга “Ёрқин тасаввурга эга бўлиш, воқеалар тартиби ва алоқасига риоя қилиш, сахна қийинчиликларидан ҳам, узоқ ишлашдан ҳам кўрқмаслик, сюжет ичига чуқур кириб бориш, ҳаракат бошланиш пайтини аниқ белгилаш, нимани четга суриб қўйиш мумкинлигини билиш, қандай вазиятлар ҳаяжонлантираётганлигини англаш” сингари талабларни қўйди.

Ф.Шиллер драматик асарларининг тузилиши. Шиллер ўз драмаларида доим ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқди. Ўзининг “оддий ва сентиментал поэзия ҳақида” номли назарий мақоласида санъатнинг қадимги, антик, шунингдек уйғониш даври босқичларини кўрсатиб берди, уларни “содда” деб атади, ўз даври санъатини “сентиментал” деб номлади. Содда поэзияда идеал ва воқелик уйғунликда бўлади. Сентиментал поэзияда идеаллик ва уйғунлик бўлмайди, аксинча воқелик ва идеаллик орасидаги трагик қарама-қаршилиқ кузатилади. “Макр ва муҳаббат” мешчанлик трагедияси, “Мария Стюарт” тарихий трагедия ҳисобланади. “Макр ва муҳаббат” пьесасида ҳаётий тўқнашувлар ва характерларнинг реалистик тасвири бор. Икки олам - яъни дабдаба, бузуқлик, очкўзликни руҳий поклик ва юқори ахлоқийлик билан тўқнашуви эрксеварлик, инсоний ҳақсизлик, ўзбошимчалиқ кураши “Мария Стюарт” трагедиясининг ғоявий – тематик асоси.

Рейтинг топшириқлари

1. Уйғониш даврида драмага қўйилган талаблар.
2. Лопе де Вега асарининг моҳиятини айтинг.
3. Классицизм ҳаётга қандай янги талаблар қўйди?

4. Маърифатпарварлар даври драматургиясидаги янгилик нимадан иборат эди?

5. Дидронинг француз театрини янгилаш дастурини шарҳлаб беринг.

Назорат саволлари

1. Санъат асарини яратиш ҳақида илғор ёзувчилар фикрларини айтинг.

2. Классицизм тарафдорларининг қарашлари.

3. Дидро ва Лессинг эстетикаси ҳақида нималарни биласиз?

4. Дидронинг “мешчанлик драмаси трагедия билан комедия ўртасидаги оралиқ жанр” деган фикрини изоҳланг.

5. Маърифатпарварлардан ким театрни сиёсий минбар ва тарбия мактаби деб ҳисоблади?

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Умумий - услубий адабиётлар

1. И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Т.; Ўзбекистон, 1998.

2. Каримов И. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари. Т.; “Ўзбекистон”, 1995.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Дидро Д. Танланган асарлар. М-Л.; 1951.

2. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. “Яни аср авлоди”, 2011.

3. Волькенштейн С. Драматургия. М.; “Наука”, 1974.

4. Костелянец Б. Лекция по теории драмы. Л.; Искусство, 1976.

Қўшимча адабиётлар

1. И.А.Каримов. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. Т.; Ўзбекистон. 2011.

2. Тошпўлат Турсунов. Ўзбек театри тарихи. Т.; 2008.

3. Ҳақиқат манзаралари. Т.; “Янги аср авлоди”, 2011.

4. Сотимбой Турсунбоев. Хорижий театр тарихи (Хрестоматия) Т.; 2001.

2.7. Лессингнинг “Гамбург драматургияси”

1. Драма ҳақида Лессинг хулосаси.
2. Лессинг драматик ҳаракатни қандай тушунди?

Лессинг ҳам ўз қарашларида бир томондан, санъатни ҳаққоний ҳаётдан ажратиб қўювчи классик поэзиянинг немисча вариантини, бошқа томондан “табиатга садоқатни” айнан тушинадиган натурализм (фр.ва лот. сўз бўлиб, XIX асрнинг 60-йилларида Франция, XIX асрнинг сўнги чорагида Европа ва АҚШ адабиёти ва санъатида пайдо бўлган ва реал борлиқни объектив (ўз холича), аниқ ва ҳиссиз акс эттиришга интилган оқим ва ижодий усул) ғояларини енгиб ўтди.

“Драма, - Лессинг фикрига кўра, - ҳаётни ҳаракатда, уни ўсишда кўриши лозим. Шу билан поэзия ҳаётни маълум ҳолатда, у гўёки тўхтаб қолган ҳолатда кўрадиган рангтасвирдан фарқ қилади” ва “агар рангтасвир жисмни маконда тасвирлаб ўз мақсадига эришса, поэзия ўзида мавжуд бўлган сўз ва нутқ воситалари билан ҳаракатни вақт бирлигида тасвирлайди” – деган хулосага келади.

Лессинг драматик сахнани томошабин вақтини чоғ қилишга эмас, балки ҳамдардлик орқали ахлоқийликни тарбиялашга хизмат қилиши керак, деб ҳисоблади. “Гамбург драматургияси” асарида у ўзининг драманинг ҳақиқий “сахनावий” қаҳрамони ҳақидаги фикрини баён этади. “Сахнага, - дейди у, - жимгина муте ва хотиржам ювош қаҳрамон керак эмас. Сахнага азобноқлар, разил маҳлуқлар, гуноҳкор ваҳшийлар ҳам эмас, балки фаол – жўшқин одамларгина унга хос бўлган драматизмни олиб чиқади”.

Драманинг ўзига хос вазифаларини белгилаб берган Лессинг драматик шоир бизни қуйидагилар билан қизиқтириши мумкин деб ёзди: “драма унинг фабуласидан келиб чиқувчи алоҳида насихат қилишга даъвогар эмас”. “Драма ақлга юрак орқали мурожаат қилади. У инсон тақдиридаги ёлғонликни” тасвирлаб ё бизнинг эҳтиросимизни жунбушга келтиради ёки “эътиқод ва характерларни ҳаққоний ва жонли тасвирлаб”, бизга фароғат бағишлайди. Лессинг гарчи “характерларни ҳаққоний ва жонли тасвирлаш” ҳақида гапирса ҳам, аслида у инсон тақдиридаги бурилишни белгилаб берувчи алоҳида вазиятларда амалга ошириладиган ҳаракат орқали характерларни очиб беришни кутади.

Лессинг драматик қаҳрамон шахсияти ҳақида унинг ўз сўзлари ва бошқа шахслар фикрлари орқали эмас, балки унинг ҳаракатлари орқали хулоса чиқаради. Лессинг учун ҳам амалга оширилган омил ва маълум сабаблар туфайли амалга ошириладиган ҳаракат муҳим аҳамиятга эга бўлади. Лессинг фикрига кўра, манфаатлар тўқнашуви характерларни ўз сифатлари ва хусусиятларини кескин намоён этишга ундайди. Мақсадга келганда эса, мақсадли ҳаракат қилишни маъқуллайди - бу инсонни қуйи жонзодлардан ажратиб турувчи шарт эканлигини таъкидлайди.

Рейтинг топшириқлари

1. Лессингнинг драма ҳақидаги фикри.
2. Лессингнинг сахнавий қаҳрамон ҳақидаги қарашлари.
3. Драманинг ўзига хос вазифалари Лессинг таъбирида.
4. Характерлар ва ҳаракатлар хусусиятларини изоҳлаб беринг.

Назорат саволлари

1. Лессингнинг классик поэзияга ва натурализм ғояларига муносабати.
2. Поэзиянинг рангтасвирдан фарқини Лессинг қандай изоҳлаган?
3. “Драма ақлга юрак орқали мурожаат қилади” деган иборани шарҳланг.
4. Лессинг: манфаатлар тўқнашуви ҳақида.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Умумий - услубий адабиётлар

1. И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Т.; Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари. Т.; “Ўзбекистон”, 1995.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Лессинг. Гамбург драматургияси. М.- Л., 1936.
2. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. “Яни аср авлоди”, 2011.
3. Волькенштейн С. Драматургия. М.; “Наука”, 1974.
4. Костелянец Б. Лекция по теории драмы. Л.; Искусство, 1976.

Қўшимча адабиётлар

1. И.А.Каримов. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. Т.; Ўзбекистон. 2011.
2. Тошпўлат Турсунов. Ўзбек театри тарихи. Т.; 2008.
3. Ҳақиқат манзаралари. Т.; “Янги аср авлоди”, 2011.

2.8. Лессинг ва драма.

1. Лессингнинг трагедия ҳақидаги фикрлари.
2. Лессингда характер муаммоси.
3. Комедияга Лессинг қарашлари.

Трагедия ҳақидаги таълимот Лессинг драма назарияси асосини ташкил этади. Драма онг ва ҳиссиётларга таъсир қилади, ҳаётнинг носозликлари, унинг номутаносиблигини акс эттиради. Драмада кишилар, уларнинг интилишлари, манфаатлари тўқнашади. Драманинг мақсади тўқнашувларни юмшатиш йўли билан тинчлантириш эмас, балки ҳаётни зиддиятларда тушинишдан иборат. Лессинг драманинг бошқа поэзиялардан фарқини ҳаракатлар ва аниқликда кўради. Уларнинг тақомилини қаҳрамонлар характерида аниқлайди.

Лессинг этикодига кўра, характер, мазкур инсоннинг табиий хусусиятигина эмас, балки бу инсоннинг бирини бошқасидан ажратиб турувчи хусусиятидир. Характер бу нафақат воқеалар сабаби, балки кўпгина сабабларнинг оқибати ҳамдир. Лессингнинг тушунишича, “характер тушинчаси биргина маълум хусусиятининг тажассумигина эмас, балки инсондаги қатъийлик хусусиятидир. Лессинг характер муаммосини а) драматик образни индивидуаллаштириш, б) образни типиклаштириш нуқтаи назаридан ишлаб чиқди. Драма асоси “ҳаракат” ва “характер”дир. Трагедияда қаҳрамон характеридаги кескин ўзгаришлар, уларнинг сабаб, оқибатларини тасвирлаш аниқсиз муҳимдир. Лессингда “характернинг индивидуал хусусиятлари” билан ҳал қилувчи, кескин бузулиш (перепития) ҳолатларига қизиқиш кучли. Ёрқин портлашларда характернинг бу индивидуал хусусиятлари намоён бўлади. Индивидуаллик - бу конкрет, бетакрор, ўзига хос характердир. Лессингнинг фикрича, айнан индивидуал хусусиятлар характердаги асосий жиҳатлар ҳисобланади.

“Индивидуаллаштириш” тушинчаси - бу инсон характерининг ўзига хос хусусиятлари ва хислатларини тасвирлаш ёрдамида очиқ бера олиш қобилиятидир. “Типиклаштириш” – бу бадиий образларда инсон ва жамият ҳаёти, одамларнинг психологик кечинмаларидаги умумийлик, қонунийликни очиқ бериш усулидир.

Лессинг драма ҳақидаги ўз таълимотида Арастунинг трагик фабуласига мурожаат қилади. У Арасту поэтикасини қотиб қолган қоида тўпламига айлантириб олганларга қарши чиқади. У Арасту таълимотининг фабула, ҳаракат бирлиги, фожиавий қўрқув ва ҳамдардлик ҳақидаги уч асосий қисмини кўрсатиб берди. Арастунинг трагедия назариясининг бу барча қисмлари Лессингнинг драматик характер ҳақидаги таълимоти билан боғлиқ.

Лессинг ҳаракат, ҳаётини кураш ифодасини драманинг асосий қонуни деб ҳисоблайди. “Драмага соддалик, мураккаб соддалик, томошабинга нисбатан

хурмат, болаларча қизиқишни эмас, балки жиддий фикрлар ва ҳиссиётлар изтиробини асосий талаб қилиб қўяди. Муаллиф томошабин юрагига кириб бориши мумкин бўлган калит қани деган саволни қўяди. Бу калит томошабинлар қалбида ўзига ўхшаганларга нисбатан кўрқув ва трагедия қаҳрамонларига нисбатан ҳамдардлик уйғотадиган трагедияда”, - дея жавоб қилади, Лессинг ва трагедияга ўзининг қуйидаги таърифини беради: “Трагедия ҳамдардлик уйғотадиган поэмадир”. Лессинг таъкидлашича, трагик қаҳрамон томошабинда ўзининг олижанобрoқ характерида кўпроқ таассурот қолдиради. У энг яхши инсоний хислатлар эгаси бўлиши керак. Лессинг француз драмасининг уч формал бирлигига ҳаракат, характер бирлиги ва драма ғояси сингари бошқа аниқ бирликларни қарши қўяди.

Лессингнинг комедия ҳақидаги фикрлари ҳам қизиқиш уйғотади. “Комедия” одамларни кулги ёрдамида тузатишга интилади, деб ёзади Лессинг. - Кулгининг ўзида унинг ҳақиқий фойдаси кўринади, кулгининг манбаси бўлиб эса нуқсон, инсоний камчилик, бидъатлар хизмат қилади. Зеро бунда буларнинг барчаси енгил, бемалол, гўёки беҳосдан бажарилиши керак”. Лессинг комедияни вазиятлар ва ҳаракатлар драмаси деб атади.

Комик характер типик хусусиятга эга бўлиши учун аниқ материал асосида бўрттириб тасвирланиши керак.

Лессингнинг фикрига кўра, комедияграфнинг асосий вазифалари қуйидагича белгиланади: у комик характерни бир ёқлама ва тор эмас, аниқ тасвирлаши керак, у ахлоқлигини “тушунадиган ахлоқни эмас, балки ўзининг чекланганлиги, пасткашлигини билмайдиган инсонни кўрсатиши лозим. Комедия ташқи нуқсон устидан эмас, комик характер моҳияти устидан кулиши зарур. Комик характер ташқаридан ҳар қандай драматик характер сингари жиддий бўлиши лозим. Фақат томошабин унинг ҳаракатларини жиддий эмаслигини, унинг калласи бўшлигини, ҳаракатлари маъносиз, мақсадсиз, муваффақиятсизликка доҳил эканлигини сезади, аммо комедия қаҳрамонининг ўзи буларни билмаслиги керак. “Букрилиқ, чўлоқлик, сўқирлик кулги объекти бўлиб хизмат қилмаслиги лозим. Томошабинлар фақат ахлоқий нуқсонлар устидан кулиши керак. Нуқсоннинг ҳаққонийлик билан ҳар қандай номутаносиблиги ҳар қандай иллат кулгилidir”. Яна Лессинг шундай ёзади: “Кулги - бу комедияда ўзига хос катарсисдир. (Катарсис –юн. сўз бўлиб, тозаланиш деган маънони англатади. Ҳиссий енгил тортиш; руҳнинг ҳиссий ва жисмоний нопокликлардан тозаланиши. Арасту “Поэтика” асарида бу атама (термин) ни ишлатиб, фожианинг мақсади сифатида “азобланиш ва ачиниш” ёрдамида руҳнинг тозаланишини тушинган. Умуман катарсис тушинчаси турлича талқин қилинган) Маънодорлик - комедия онасидир”.

Рейтинг топшириқлари

1. Лессинг фикрига кўра, драма нималарга таъсир кўрсатади?
2. Драма асоси “ҳаракат” ва “характер” деган фикрни изоҳланг.

3. Лессингнинг трагедияга берган таърифи.
4. Комедия ҳақида Лессинг таърифини айтинг.

Назорат саволлари

1. Характер сўзини шарҳлаб беринг.
2. “Трагедия ҳамдардлик уйғотадиган поэмадир” деган таъриф кимга тегишли?
3. Нималар кулги объекти бўлмаслиги керак?
4. Томошабин нималар устидан кулиши керак?

1. Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Умумий - услубий адабиётлар

1. И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Т.; Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари. Т.; “Ўзбекистон”, 1995.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Дидро Д. Танланган асарлар. М-Л.; 1951.
2. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. “Яни аср авлоди”, 2011.
3. Волькенштейн С. Драматургия. М.; “Наука”, 1974.
4. Лессинг ва драма. М-Л.: Искусство, 1939.

Қўшимча адабиётлар

1. И.А.Каримов. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. Т.; Ўзбекистон. 2011.
2. Тошпўлат Турсунов. Ўзбек театри тарихи. Т.; 2008.
3. Ҳақиқат манзаралари. Т.; “Янги аср авлоди”, 2011.

2.9. Драмада бадий образлар ва характерлар.

1. “Бадий образ” тушинчасига таъриф.
2. Бадий асарда образ.
3. “Характер – бу ироданинг йўналиши” деган фикр тафсили.

Бадий образ – бу воқеликни акс эттиришнинг махсус шакли ва санъаткорнинг фикрлари ва ҳиссиётлари ифодаси. Образ – бу санъаткорнинг оламга эмоционал ва интеллектуал муносабати узвий боғланиб кетган яхлит руҳоний мазмун.

Драматургияда образ – бу сўз билан очилган образ, бу ўзига хос хислатлар умумлашмаси ва индивидуал хусусиятларни сақлаб конкретлаштиришдир. Образ – бу воқеликни алоҳида, индивидуал шаклда умумлашма тарзида акс эттириш, образ – бу инсон ҳаётининг индивидуал хусусиятга эга бўлган аниқ ва айна пайтда умумлашма картинасидир.

Образ ҳам умумлаштиришни, ҳам индивидуаллаштиришни ўзида жамлаган салмоқли тушунча. Арастунинг таъкидлашига кўра, инсон ҳаёти, инсон тақдири санъатнинг ҳақиқий мазмуни ҳисобланади. Шунинг учун инсонни “умумий тарзда” тасвирлашнинг имконияти йўқ, инсон фақат аниқ индивид, шахс сифатида мавжуд бўлади. Инсон – бу ўзининг ҳаётга маълум муносабати, ўз дунёқараши, ўз тили бўлган маълум ижтимоий характер. Шунинг учун образ инсон ҳаёти картинаси сифатида энг аввало маълум ижтимоий инсоний характерни тасвирлашни назарда тутлади.

Характер (юн. сўз бўлиб, хусусият, хислатни англатади) – бу инсон хусусиятининг кўп қиррали тури, бу инсоннинг турли одамлар билан муносабати, унинг ижтимоий шахсий ҳаётдаги турли ҳодисаларга баҳо бериши сингари турли вазиятлардаги ҳаракатларида намоён бўладиган руҳий, психологик хусусиятлари мажмуидир. Масалан, Шекспирнинг “Ромео ва Жулетта” трагедиясидаги Ромео севгини ўзининг бош мақсади ҳисоблайди, аммо биз уни ўз ота-онаси, дўстлари, маҳрами кабилар турли муносабатларда бўлаётганлигини кўрамиз. У ўзининг номусини ҳимоя қилиш учун Тибальт билан тортишади ва уни дуэлга чақиради, у рақибига нисбатан ишонч ва ҳурмат билан муносабатда бўлади. Ҳатто қабр ёқасида туриб аптекачи билан гаплашади, ундан заҳар сотиб олади ва барча ҳолатларда у адолатли, олийҳиммат ва чуқур хис қилувчи одам бўлиб қолаверади.

Тўла маънода ва аниқ тасвирланган, ёрқин ифодаланган индивидуал хусусиятга эга бўлган инсон образи бадий асардаги характер деб аталади. Драмадаги характер ҳамиша фабула, драматик вазият, воқеалар билан боғлиқ бўлади. Характер доим ривожланишда, бошқа одамлар билан тўқнашув ҳолатида бўлади. Характерни аниқлашнинг ҳаётий вазият – драматик вазия - у ёки бу йўлни танлаш – ҳаракат сингари схемаси бўлиши

мумкин. Қатор ҳаракатлар шахснинг характеристикасини белгилайди. Пьеса жараёнида синаш, кечинма, ҳаяжон орқали характернинг маънавий образи ўзгаради. 5 актдаги Қирол Лир даҳшатли синовларда тобланган сезгир одамдир.

Агар Шекспирнинг Гамлетига эътибор бериладиган бўлса, у анчайин тез ҳаракат қилаётгани маълум бўлади. Унинг бир ўзи қирол, унинг саройига қарши узоқ муддат кураш олиб боради. Ҳақиқат ўрнатишга интилиб, у қиролга уч марта хужум қилади. Биринчи мартасида у Клавдий деб Полонийни ўлдиради, иккинчи ҳолатда қиролни ўлдиради. Гамлет шарпа кўрсатмасини текшириб “қопқон” кўяди, чакқонлик билан Розенкранц ва Гилденстернни бартараф этади. Гамлет характери унинг Горацио, Офелия, ўз онаси, Полоний, Лаэртга бўлган муносабатларида очилади, бунда унинг ҳақиқат ўрнатишга бўлган иродаси кўринади.

Ҳамзанинг “Бой ила хизматчи” драмасидаги экспозиция бу бойнинг Гофур ва Жамила тўйини ўтказиш, сўнгра унга кетган харажатларни ҳисоб-китоб қилиши билан боғлиқ воқеадир.

Шахсий хусусиятлари ёрқин ифодаланган, тўлақонли ва аниқ тасвирлаб берилган инсон образини бадий асардаги характер дейилади. Маълум ижтимоий муҳитда тарбияланган кўпгина кишиларнинг ёрқин ифодаланган хусусиятлари бадий умумлаштирилган характерни тип деб юритилади. Ижобий ва салбий қаҳрамонлар типлари маълум, лекин бу тасниф шартли ҳисобланади.

Драматик асарда характернинг тузилишининг ўзи маълум такомиллашган шаклга эга бўлади, унда шахс ўзининг хусусиятларини тўла намоён этади. Драматург қаҳрамон нутқи, турли ҳаётӣ вазиятлар, бошқа одамлар билан муносабатлар, унинг турли ҳаракатлари, фикри ва кечинмалари орқали унинг характерини очиб беради. Характер – бу ироданинг йўналиши - дейди Арасту. Лессинг унинг фикрини давом эттиргандек, шундай таъкилайди: “Характер” тушунчаси – бу инсондаги катъийлик талабидир. Драматик қаҳрамон аниқ мақсад сари интилиши керак, шундагина унинг характерни тўлалигича намоён бўлади.

Рейтинг топшириқлари

1. Бадий образ деган тушунчани шарҳлаб беринг.
2. Образ нималарни ўзида жамлайди?
3. Характерга изоҳ беринг.
4. Шекспирнинг “Ромео ва Жулетта” трагедиясидаги Ромео образини шарҳлаб беринг.

Назорат саволлари

1. Образ ҳақидаги таърифларни эсланг.
2. Бадий асарда характер.
3. Арасту характер ҳақида нима дейди?

4. Лессингнинг “характер - бу инсондаги қатъийлик талабидир” деган фикрига муносабат билдиринг.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Умумий - услубий адабиётлар

1. И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Т.; Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари. Т.; “Ўзбекистон”, 1995.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Эстетика. Луғат. Политиздат, М.; 1989.
2. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. “Яни аср авлоди”, 2011.
3. Волькенштейн С. Драматургия. М.; “Наука”, 1974.
4. Лессинг ва драма. М-Л.: Искусство, 1939.

Қўшимча адабиётлар

1. И.А.Каримов. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. Т.; Ўзбекистон. 2011.
2. Тошпўлат Турсунов. Ўзбек театри тарихи. Т.; 2008.
3. Ҳақиқат манзаралари. Т.; “Янги аср авлоди”, 2011.

2.10. Драматургик конфликт

1-қисм

1. Гегелнинг “Эстетика бўйича маъруза”ларида характер ва конфликт муаммолари.

2. Драматик асарда “конфликт” тушунчаси.

Характер ва конфликт масалалари ва муаммолари XV111 аср охири ва XIX аср бошларида немис классик фалсафаси вакили Гегелнинг “Эстетика бўйича маърузалар” асарида ҳал қилиб берилган.

Агар Лессинг доим ё “идеал”, ёки “салбий” характер муқобили доирасида қолиб келган бўлса, бунда Гегелнинг хизматлари шундаки, у драматик хатти-ҳаракатни ўз мазмуни ва ўз натижаларига кўра объектив қарама-қарши эканлигини кўрди. Арасту учун мавжуд бўлмаган муаммоларни Гегел “Эстетика бўйича маърузалар” асарида ёритади. Бу биринчи навбатда драматик конфликт муаммосидир (диалектика – бу нималарнингдир шакл хилма-хиллиги ва қарама-қаршилигида ривожланиши жараёни). Ривожланиш, унинг ички манбаси зиддият эканлиги бу назариянинг марказий тушунчаси ҳисобланади. Гегел фикрича, зиддият тоифаси - тафовутлар бирлиги ва курашидир.

Гегел учун драматик поэзия предмети “ҳаракатни ҳаракат, муносабат ва улар ўртасидаги курашни ҳал қилишни ўзида жамлаган яхлит, бир бутун сифатида тасвирлаш”дан иборат. Бу барча атама (термин) лар Гегел учун шахсий ҳаракат таркиби ҳақидаги тасаввур билан боғлиқ асосий тушунчалардир. Гегел шундай ёзади: “фақат хоҳлашнинг ўзи ҳеч қачон яхшилик кўрмаган куруқ баргларга ўхшайди. Ҳаёт, тарихда ҳаракатга айлана оладиган хоҳиш бўлиши керак. Субъект ҳаракатлари қатори эса унинг ўзидир. Турли даврлар драматургияси нафақат қаҳрамон хоҳишлари, балки уларни ҳаракатда амалга оширилишини кўрсатгандагина ўз вазифасини бажарган бўлади. Драма қаҳрамони кескин ҳаракатлар қила олиши керак”.

Ҳаракат ва кураш Гегелда синоним (синоним – юн.сўз бўлиб, бир хил номли деган маъноларни англатади. Шакли ҳар хил ёки бир оз фарқли бўлган тил бирликлари қаторидаги ҳар бир тил бирлиги) бўлиб қолди. Драматик ҳаракат курашни ўсиб бориши ва уни ҳал қилинишидир. Ҳаракат бу олға қараб ҳалокат сари юришдир. Конфликтни ҳалокатда очиб ва кучайтирган драма курашни муроса орқали ҳал қилади. Шундай қилиб кураш, ҳалокат, муроса – драматик ҳаракатнинг, унинг хусусиятини белгиловчи ва лирика, эпослардаги ҳаракатдан фарқлаб турувчи жиҳатлар экан.

Гегелнинг таърифича, ҳалокат – бу шахснинг ўз ҳақлигини исботлаш учун кураш жараёнида ҳалок бўлишидир. Гегелнинг кураш концепцияси (концепция – лот. сўз бўлиб, тўплаш, бирлаштириш; тизим; ибора деган маъноларни англатади. Қарашлар, фикрлар йўналиши тизими; фикр юритиш, дунёни тушуниш, англаш усули) “ижобий” ва “салбий”, “эскилик”,

“янгиликни” “эскилик” устидан ғалабаси кабиларнинг ўртасидаги кураш тасвиридан йироқ. Бундай ечимни Гегел, юзаки деб атади. Конфликтга тортилган кучларнинг ҳар бири мазмундор бўлгандагина Гегел учун конфликт самарали ҳисобланган.

Янгиликни пайдо бўлиш жараёни – бу “эскиликдаги” бутун ўз умрини ўтаганларни инкор ва уни енгиб ўтиш ва айна пайтда ундаги фойдали ва мазмундорликни сақлаб қолиш жараёнидир. Драмада курашувчи кучлар, ундаги тўқнашувчи мақсадларни, Гегел, гарчи иштирокчи шахслар бу қарама-қаршиликлар ҳақида хабар бўлмаса ҳам, уларни объектив қарама-қаршилик сифатида кўрди. Улар пафос интилишларига бой. Томошабин қарама-қаршиликларни англаши ва фаҳмлаши зарур бўлади. Драманинг мазмуний моҳияти ана шунда. У бизни ўзгаришлар, персонажлар (персонаж – лот. сўз бўлиб, шахс маъносини англатади. Санъат ва бадиий адабиётда муаллиф томонидан тасвир этилган ҳар бир шахс) ўртасида вужудга келадиган кескин муносабатлар, дастлабки вазиятни коллизияга (коллизия – лот. сўз бўлиб, ўзаро тўқнашиш; шикастланиш деган маъноларни англатади. Қарама-қарши кучлар, қарашлар, интилишлар, қизиқишлар тўқнашуви; бадиий асарда: тасвирланаётган турли қаҳрамонларнинг характерлари ўртасидаги, ҳаракатлар билан шароит, ҳолат ўртасидаги зиддият, қарама-қаршилик), тўқнашувни ҳалокатга ва мурсага эътиборимизни қаратиб, драма бизни маиший қарама-қаршиликларни ҳал қилиш жараёнига тортади.

Гегел Арасту учун муҳим бўлган ўзгаришларга (ўзгариш – перепития яъни тасодифийлик бор кучи билан намоён бўладиган вазиятдир) бефарқ қолди.

Драмада тасодифийлик ва зарурийлик ниҳоятда уйғунлашиб кетади. Турли драматик асарларда тасодифийлик баъзан кўпроқ, баъзан камроқ ўрин эгаллайди. Гегел тасодифийликни тан олмади, негаки, тасодифийликни у заруриятликнинг намоён бўлиш шакли деб ҳисоблади.

Рейтинг топшириқлари

1. Характер ва тўқнашув масалаларига Гегел қарашлари.
2. Гегел драматик тўқнашув муаммосини қандай ҳал қилди?
3. Драманинг мазмуний моҳияти нима?
4. Драматик ҳаракатни таърифлаб беринг.
5. Драмада “персонаж” ва “коллизия” сўзларининг ўрни нимадалигини шарҳланг.

Назорат саволлари

1. “Ҳаракат” нима?
2. Ҳалокат сўзи Гегелча нимани англатади?
3. Янгиликни пайдо бўлиш жараёнини изоҳланг.
4. Гегел нега тасодифийликни тан олмади?

**Фойдаланиладиган адабиётлар
рўйхати**

Умумий - услубий адабиётлар

1. И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Т.; Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари. Т.; “Ўзбекистон”, 1995.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. “Яни аср авлоди”, 2011.
2. Волькенштейн С. Драматургия. М.; “Наука”, 1974.
3. Костелянец Б. Лекция по теории драмы. Л.; Искусство, 1976.

Қўшимча адабиётлар

1. И.А.Каримов. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. Т.; Ўзбекистон. 2011.

2.11. Драматик конфликт 2-қисм.

1. Конфликт драматик асарни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида.
2. Конфликт турлари.

Конфликт— драма асоси ва руҳидир. Конфликт - драматик асарнинг етакчи кучи, унинг марказидир. Конфликт ҳаққоний ҳаётдаги турли хилдаги қарама-қаршиликларни ифодалайди. Айнан конфликтда диалогик шакл билан бир қаторда драма қонуни акс этади.

Драматургик конфликтни драматик характердан ажратиб бўлмайди, негаки фақат конфликтда умумийлик, ижтимоийликни ўз шахсиятида жамловчи қаҳрамон характери очиб берилади, фақат характер орқалигина конфликт реалистик пьесада ифодаланиши мумкин.

Конфликт кўп маъноли, у муросасиз синфий курашни ҳам, ахлоқий нуқтаи назарларнинг зиддиятлигини ҳам, инсон онги ва руҳий ҳаётидаги мураккаб ички жараёнларни ҳам ифодалайди. Конфликт сўнгигача очик бўлиши мумкин, аммо мураккаб идрок давомида билвосита очилиб бориши ҳам мумкин.

Драматик конфликтнинг мазмуний моҳияти ва воқеликка бўлган муносабати масаласи биринчи масала ҳисобланади. Драматургик конфликт ҳаққоний тўқнашувга ўхшаш эмас, аммо у умуман доим ҳаёт билан белгиланади. Конфликт - конкрет тарихий категория (категория – юн. сўз бўлиб, айблаш, таъна қилиш деган маънони англатади. Моддий дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг энг муҳим хусусиятлар ва алоқаларини ифодаловчи умумий тушунча) ҳисобланади, қарама-қаршиликларга тўла ҳаққоний ҳаётни бадийий, драматик ифодасидир.

Қадимги юнон трагедияси ўз ахлоқий бурчини бажариш учун одамларни ўзига бўйсиндирувчи номаълум сирли кучларга (тақдирга) қарши курашга отланган инсон ҳаракатлари ўртасидаги қарама-қаршилигини очиб берди. У билан тўқнашувда Софокл (Софокл – тах.мил. ав. 496 – 406. юнон драматурги) қаҳрамонларининг олижаноблик, виждонлик, демократик давлатнинг эркин фуқаросининг ахлоқий принципларига (принцип – лот. сўз бўлиб, асос, негиз; ибтидо деган маъноларни англатади. Хулқ-атвор, хатти-ҳаракат меъёрларини белгилайдиган, киши оғишмай амал қиладиган ички ишонч, нуқтаи назар, қараш, маслак) садоқат сингари энг яхши сифатлари намоён бўлди.

Уйғониш даврида Шекспир трагедияларида антогонистик конфликтлар, қарашлар, фикрларнинг муросасиз қарама-қаршилиги, севги ва нафрат, эзгулик ва ёвузлик кураши сингариларни ўзида жамлаган конфликтларни кўриш мумкин. Шекспир трагедиялари қаҳрамонлари доим бир бирига қарама – қарши қўйилади: Отелло ва Яго уйғониш даврининг ёрқин

гуманизми ва ноинсонийлик, ҳаёсизлик, ахлоқий меъёрларни менсимаслик сингари икки томонини ифодалайди.

Классицизм XV11 аср ўрталаригача турли ахлоқлар, характерлар, манфаатлар тўнашув сифатида намоён бўладиган курашни ҳаракатнинг асоси деб ҳисоблади.

XIX аср драмасида драматик таранглик ғоявий ва руҳий тангликни тасвирлаш билан яратилади. Шахс ва жамият тўқнашуви кўпинча тўқнашув шакли бўлиб қолди.

Бири умумий ҳаракат соҳиби бўлган (пьесанинг асосий мақсади, фикрлари), бошқаси бу ҳаракатга қарши бўлган 2 иштирокчи шахс кураши рўй берганда драматик ҳаракат ўзига хос мураккаб шаклга эга бўлади. А.С. Пушкиннинг “Моцарт ва Сальери” пьесаси бунга мисол бўлиши мумкин.

Драма – бу конфликтлар, қарши ҳаракатларга ундовчи конфликтлар, ҳаракатлар тасвиридир. Драматург умумий ҳаракатни бу драматик курашнинг марказий, бош линиясини ривожлантириш учун драматик курашни вужудга келтиришга зарур бўлган вазиятни танлайди. Инсон драмани бошидан кечириши учун унинг хоҳишини аланга олдирувчи, ғавқулотда вазиятлар зарур бўлади. Қаҳрамон иродаси умумий интилиш кўринишини оладиган бундай ғавқулотда вазият ва воқеалар “драматик тугун” дейилади.

Қаҳрамон ёки шахслар гуруҳига қарши бўлган “драматик тугун” вазият ва воқеалари қарама-қарши манфаатлар тўқнашуви, коллизияси ёки конфликтини (конфликт – лот.сўз бўлиб, тўқнашиш; қарама-қаршилиқ деган маъноларни англатади. Қарама-қарши томонлар фикр, куч ва шу кабиларнинг тўқнашуви; жиддий келишмовчилик, кескин низо) яратади. Драма бошланиши асосий тўқнашув, манфаатлар қарама-қаршилигида вужудга келадиган персонажлар кураши, дастлабки вазиятни бузувчи дастлабки воқеа асосий тўқнашув боши ҳисобланади. 1- акти маърифатга бағишланган – “драматик тугунни” тортишга бағишланган пьесалар бор. Гогол (Гоголь Николай Васильевич, 1809-1852й, рус ёзувчиси, рус адабиётида танқидий реализмга асос солган)нинг “Ревизор”ининг 1-акти шундайдир, унда порахўр амалдорларнинг саросимаси қуруқ сафсатабоз Хлестаковга ўзининг манманлигини бўрттириб юборишга имкон беради. Шундай драмалар борки, уларда 1-актида нафақат “драматик тугун” ҳосил бўлиши, балки умумий ҳаракатни вужудга келиши ҳам тасвирланади. Шекспирнинг “Қирол Лир” асари худди шундай, унда қиролнинг ахлоқлиги ўз мулкани бўлиб бериб, шавқатсиз қизларининг азалий кўрнамаклигига учрайди.

Рейтинг топшириқлари

1. Конфликт ҳақидаги фикрларингизни айтинг.
2. Характер ва конфликт.
3. Конфликт турларини санаб беринг.

4. Драматик тугуннинг пайдо бўлиши.

Назорат саволлари

1. Драматик конфликтни нега драматик характердан ажратиб бўлмайди?
2. Драматик конфликт ҳаққоний тўқнашувга ўхшашми?
3. Шекспир трагедиялари қаҳрамонлари мисолидаги конфликтни изоҳланг.
3. “Драматик тугун” нима?

**Фойдаланиладиган адабиётлар
рўйхати**

Умумий - услубий адабиётлар

1. И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Т.; Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари. Т.; “Ўзбекистон”, 1995.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Гегел. Эстетика. 3-жилд. М.; 1971.
2. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. “Яни аср авлоди”, 2011.
3. Волькенштейн С. Драматургия. М.; “Наука”, 1974.
4. Сановский-Панкеев В. Драма. Л.; Искусство, 1969.

Қўшимча адабиётлар

1. И.А.Каримов. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. Т.; Ўзбекистон. 2011.
2. Тошпўлат Турсунов. Ўзбек театри тарихи. Т.; 2008.
3. Ҳақиқат манзаралари. Т.; “Янги аср авлоди”, 2011.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2-жилд, 2006.

2.12. Драматик конфликт

3-қисм.

1. XX аср драмасида драматургик конфликт шакллари.
2. А.П.Чехов пьесаларида драматургик конфликт таркибини мураккаблашуви.
3. Б.Брехт пьесаларида конфликт.

Конфликт статик эмас, динамик хусусиятга эга бўлади, у драманинг ҳаракат манбаси ҳисобланади. У орқали қаҳрамонлар шахсий муносабати мантики кўринади, улар унинг “драматик майдони”да яшайди ва ҳаракат қилади. Персонажларнинг ташқи, бевосита муносабатлари билан якун топмай, у сюжет тўқнашувига боғлаб қўйилмаслиги керак, у бошқачароқ, чуқурроқ ва кенгроқ тушунчани ифодалайди. Бу илгариги, анъанавий тасаввур доирасига сиғмайдиган Чехов (Чехов Антон Павлович, 1860-1904й, рус ёзгиси) драматургиясида намоён бўлади. Чеховнинг номи одатда нафақат анъаналарни бузилиши, балки замонавий театрда драматик шакл эркинлиги ғоясини вужудга келиши билан ҳам боғланади. Гўё оддий одамларнинг арзимас ҳаракатларида, ташқи содда ҳаётини вазиятларда кўриш мумкин бўлган воқеликнинг муҳим драматик мазмуни Чехов драматургиясининг муҳим ютуқларидан бири бўлиб қолди ва бу унинг чуқур “шаффофлигида” кўринади. XX аср санъатидан мустаҳкам ўрин олган “тагматн” тушунчаси айнан унинг санъати билан боғлиқ.

М.Горкий унинг санъатини “янги турдаги реализм”, рамзийликка қадар жилвирланган реализм” деб атади. Бу истелоҳнинг маъноси биринчи марта айнан театрда намоён бўлган, бу ерда у “иккинчи план”, “сув тагидаги оқим”, “муҳит” тушунчаларида ўз аксини топади, замондошлар эса уни “кайфият” деб номлашади. Чехов асарларида рўй бераётган воқеалар доим кўпроқ маънини жамлайди, улар гўёки маълум ижтимоий коллизия фонида ривожланади. Шу билан бирга тўқнашув персонажларнинг тўғридан-тўғри ўзаро алоқалари доирасида чекланиб қолмайди. У пьеса воқеаларининг ижтимоий омиллар, бевосита тасвирланмаган ҳодисалар билан ўзаро муносабатида кенгроқ маъно касб этади. Шу аснода “инсон ва муҳит” тўқнашуви вужудга келади. Муҳитнинг шавқатсизлиги ва бефарқлиги Чеховнинг “Чайка”си қаҳрамони Треплевни ҳалок қилади. Қаҳрамонларни фақат ўз муаммоларига ўралиб қолиши, бошқаларни тушунмаслик, ўз кечинмалари атрофида “айланавериш”, буларнинг барчаси қаҳрамон эзилиб қоладиган қандайдир вакуумни ҳосил қилади. Натижада “Алчазор” пьеса қаҳрамонлари бутун бир одамни унутиб қўяди, яъни кекса бемажол хизматкор Фирсни яқка, бўш уйга беркитиб ҳалок этади.

Чеховнинг драматургик конфликт таркибини мураккаблаштириш ва унинг доирасини кенгайтиришга интилиши санъатдаги муҳим кашфиёт бўлиб қолди. XX асрдаги унинг драмалари шакли хилма-хилдир.

Бошқа йўналиш – бу Б.Брехт (Брехт Бертольт, 1898-1956й, немис драматурги, режиссёр, театр назариётчиси) нинг эпик театри. У, драматургнинг сўзига қараганда, “замонавий дунёни театр воситалари билан акс эттириш мумкинми”, деган саволга амалий жавоб беришга интилиш натижасида вужудга келди. Брехтнинг Чеховдан фарқи шундаки, бу ҳолатда “иккинчи план” ҳам, тагматн ҳам керак бўлмайди, бир пайтнинг ўзидаги шарҳ театрнинг воқеликка “нигоҳини” кенгайтирувчи восита бўлиб қолади, унинг кўриш кўламини кенгайтиради. Эпик жанрнинг роли унинг асосий баён қилиши, сюжет вазифаси билангина очилмайди, балки томошабинни “реализмдан фалсафий умумлаштиришгача” ўсишини таъминлайди, уни кенгрок ижтимоий тажрибага ошно қилади. Таъкидлаш жоизки, Чехов тагматнида яширин бўлган мазмун Брехтда ҳаракат рўй берадиган ва унда тўқнашув намоён бўладиган “матн устига” чиқарилган бўлади.

Ҳаёт чексиз хилма-хилдир ва драматургик конфликтлари ҳам шунчалик хилма-хил. Уларнинг таъсирчанлиги ҳаққоний воқелик, ёзувчининг ҳаётий тажрибаси, эстетик принциплари билан белгиланади. Ҳар бир пьеса ғоя ва образларнинг ўзига хос дунёсидир.

Рейтинг топшириқлари

1. Конфликт қандай хусусиятга эга?
2. Чехов драматургиясининг асосий ютуғи нимада?
3. М.Горкий Чехов санъатига қандай баҳо берди?
4. Б.Брехт йўналишини шарҳланг.

Назорат саволлари

1. Чеховнинг санъатдаги муҳим кашфиёти нимадан иборат?
2. Брехтнинг Чеховдан фарқи нимада?
3. Конфликтлар нега хилма-хил бўлишини изоҳлаб беринг.
4. Нега “ҳар бир пьеса ғоя ва образларнинг ўзига хос дунёси”, деймиз?

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Умумий - услубий адабиётлар

1. И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Т.; Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари. Т.; “Ўзбекистон”, 1995.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Гегел. Эстетика. 3-жилд. М.; 1971.
2. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. “Яни аср авлоди”, 2011.
3. Волькенштейн С. Драматургия. М.; “Наука”, 1974.
4. Сановский-Панкеев В. Драма. Л.; Искусство, 1969.

Қўшимча адабиётлар

1. И.А.Каримов. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. Т.; Ўзбекистон. 2011.
2. Тошпўлат Турсунов. Ўзбек театри тарихи. Т.; 2008.
3. Ҳақиқат манзаралари. Т.; “Янги аср авлоди”, 2011.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2-жилд, 2006.

2.13. Драма композицияси

1. Драматик асар “композицияси” тушунчаси.
2. Композиция драматик ҳолат конфликтини амалга оширувчи сифатида.
3. Драма композицион тузилмасининг асосий қисмлари.

Агар конфликт характерлар қарама-қаршилиги яънизиддияти сифатида қараладиган бўлса, композиция – бу конфликтни драматик ҳаракатда амалга оширилишидир, у ўз навбатида тил (монолог, диалог) ёрдамида амалга оширилади. Драма композициясини драматик ҳаракатни вақт ва маконда ташкил қилиш сифатида белгилаш мумкин. “Композиция” сўзининг ўзи алоқа, улаш, тузиш маъносини англатади. Композиция асарнинг ҳаётий материали ва ғоявий мазмунини билан белгиланади, у тўқнашувни очиш, ривожлантириш ва ечимини топиш, характерларни ҳаракатда маълум қилиш вазифасига бўйсиндирилиши керак.

“Композиция” сўзи санъатшуносликка, театршуносликка фақат XIX – асрда кириб келди. Арасту бу атама (термин) ни қўлламади, драматик ҳаракатни қисмларга ажратиш ҳақида гапирди. У драматик ҳаракатни қуйидаги уч қисмга бўлди: а) тугун, ҳаракатбоши; б) ўзгаришни ўзида жамлаган ўрта, ёмонлик ёки яхшиликка томон бурилиш ёки перипетия; в) хотима ёки ҳалокат, яъни қаҳрамоннинг ўлими ёки мақсадга эришиши билан боғлиқ ечим.

1863 йили немис назариётчиси Гюстав Фрейтаг “Драма техникаси” китобида драматик ҳаракатни беш қисмга бўлиб, Арасту қоидаларига тузатиш киритишни таклиф этди: 1) экспозиция ёки кириш, 2) ҳаракатни мураккаблашуви ёки тугун, 3) кульминация, 4) ҳаракатнинг тўхташи, яхшилик ёки ёмонлик томонга қайтиш ёки бурилиш, 5) ечим. Фрейтаг таъкидлаганидек, драматик ҳаракат юқорига кўтарилиб, кульминациягача етади ва финалга қараб тушиб боради. Ҳозирги пайтда драматик ҳаракат қуйидагига бўлинади: 1) экспозиция, 2) тугун, 3) ҳаракат ривож, 4) кульминация, 5) ечим.

Экспозиция –драматик асар қисми бўлиб, унда аввалги вазиятга тавсиф берилади, иштирокчи шахсларнинг кейинги ҳаракат ва ҳолатлари изоҳланади. Драматик экспозиция ҳақида гапирилганда, томошабинни бўлажак воқеадан огоҳ қилиш, бош воқеалар бошлангунига қадар вазият билан таништириш назарда тутилади. Островскийнинг “Сепсиз қиз” пьесаси экспозициясини оладиган бўлсак, Кнуров ва Вожеватий суҳбатидан дастлабки тавсия этилаётган вазиятни билиб оламиз. Аммо экспозициянинг ўзида Лариса учун кураш билан боғлиқ муфассал ҳаракат бошланади. Айнан шу ердан Ларисанинг “Мен буюммана” деган фожиавий ҳайқириғигача тўғри ип тортилади. Моҳият мана шунда, ҳақиқий экспозиция санъати шунинг ўзидир. Экспозиция ҳаракатчан бўлиши ва ўзида тугунни тайёрлаши лозим.

Биринчи акт нафақат ўтмиш ва ҳозирни, балки ҳозир ва келажакни ҳам боғлаши керак, негаки ҳаракат ривожини билан характер ҳам ривожланиб боради. Характерни ҳаракатда тасвирлаш шуни назарда тутадик, бунда характер охириги ҳаракатда бошидагидақа эмас. Ҳаракатни боғлай ва жипслай олиш муаллиф томонидан характерни очиб беришга ҳам хизмат қилади. Ҳамзанинг “Бой ила хизматчи” драмасидаги экспозиция бу бойнинг Гофур ва Жамила тўйини ўтказиш, сўнгра унга кетган харажатларни ҳисоб-китоб қилиши билан боғлиқ воқеадир.

Тугун – асарда воқеалар ривожини бошловчи вужудга келган қарама-қаршиликларни тасвирлашдир. Вужудга келган зиддиятларни очиб берар экан, тугун асар мавзусини тушунишга олиб келади. (“Бой ила хизматчи”).

Ҳаракат ривожини – тугундан бошланади. Ҳаракат ривожига одамлар орасидаги қарама-қаршилиқ маълум бўлади, инсоний характер хусусиятлари очилади. Агар тугун муаллиф томонидан қўйилган муаммони тушунишга олиб келса, унда ҳаракат ривожини уни ҳал қилишнинг мумкин бўлган йўллари ҳақида тасаввур беради.

Кульминация - ҳаракат ривожига юқори кескинлик ҳолати. Кульминациянинг мазмуний вазифаси асар муаммосини юқори даражада кескинлашувида кўринади.

Шекспир “Гамлет”идаги “қопқон” сахнасини кульминация дейиш мумкин.

Ечим – тўқнашувларнинг яъни конфликтнинг ҳал қилиниши, уни ҳал қилишнинг у ёки бу имкониятларини тушунишга олиб келади.

Драматик асарларда пролог ва эпилог учрайди. **Пролог** – бу асосий сюжет ривожига ўзига хос муқаддима ҳисобланади. Бу ривожни изоҳлаб пролог асарда тасвирланаётган воқеаларнинг дастлабки сабабини очади. **Эпилог** – бу асарда кўрсатилган воқеалардан келиб чиқадиган якуний оқибатларни тасвирланишидир.

Рейтинг топшириқлари

1. Композиция сўзига изоҳ беринг.
2. Композиция театршуносликка қачон кириб келди?
3. Г.Фрейтаг драматик ҳаракатни неча бўлимга бўлди?
4. Ҳозирда олимлар драматик ҳаракатни неча қисмга бўлишади?
5. Пролог ва эпилог ҳақида сўзлаб беринг.

Назорат саволлари

1. Арасту драматик ҳаракатни қайси бўлимларга бўлган эди?
2. Экспозиция атамасини изоҳланг.
3. Тугун ва тугундан бошланувчи ҳаракат ривожини ҳақида тўхталинг.
4. Кульминация деган сўзни шарҳлаб беринг.
5. Ечим драмада нимага керак?

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Умумий - услубий адабиётлар

1. И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Т.; Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари. Т.; “Ўзбекистон”, 1995.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Гегел. Эстетика. 3-жилд. М.; 1971.
2. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. “Яни аср авлоди”, 2011.
3. Холодов Е. Драма композицияси. М.; Искусство, 1957.
4. Сановский-Панкеев В. Драма. Л.; Искусство, 1969.

Қўшимча адабиётлар

1. И.А.Каримов. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. Т.; Ўзбекистон. 2011.
2. Тошпўлат Турсунов. Ўзбек театри тарихи. Т.; 2008.
3. Ҳақиқат манзаралари. Т.; “Янги аср авлоди”, 2011.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2-жилд, 2006.

2.14. Драматургия жанрлари

1. Жанр драматик асарни сюжетли тузиш тизими сифатида.
2. Драматик асарни жанрларга ажратиш тамойиллари.

Жанр (фр. сўз бўлиб, тур, усул деган маъноларни англатади) Санъат ва адабиётда маълум тур бўлинмаси. Адабиётнинг эпос, лирика, драма сингари турлари бор. Мана шу 3 асосий тур яна қуйидагиларга бўлинади: Эпосда (роман, масал, ҳикоя – насрий асарлар), лирикада (бағишлов, шеър – шеърый асарлар), драмада (трагедия, драманинг ўзи, комедия - драматик асарлар). Бундай тақсимлашдан кейин биз ҳар бир турнинг жанрларга бўлинишини ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, трагедия – оптимистик, фалсафий, романтик, драма – психологик, маиший, лирик, комедия - сатирик, гротеск, фарс сингариларни ўз ичига олади.

Шундай қилиб, турлар жанрларга бўлинади. Шекспирнинг “Отелло” драматик асари шажара “драма”сига мансуб, турига кўра трагедия, жанрига кўра романтик трагедиядир.

Жанрларга мавзуй, таркибий, вазифавий сингари турли принциплар асосида тақсимланади. Жанрий тақсимлаш бадиий маданият тарихида турлича талқин қилинди ва баҳоланди. Классицизм эстетикасида у қатъий тизим сифатида намоён бўлади, бунда ҳар бир жанр “юқори” – трагедия ёки “тубан” – комедия сифатида баҳоланди. Жанрлар қоришмаси танқид қилинди.

Романтизм эстетикаси босқичли нуктаи назарни рад этди ва санъаткорга турли жанрларни бир асарга жамлаш имконини берди, масалан, трагик ва кулгили спектакл ўйнаш мумкин.

Реализм эстетикаси жанрни кўпқиррали ҳаётий воқеаларни ҳаққоний тасвирлаш ва уларни баҳолашнинг бутун бойлиги билан қабул қилади, босқичма-босқичсиз вужудга келган таркибларни ўтмишдагиси ва янгиларининг барчасидан фойдаланишни тавсия этади. Негаки, у инсон ҳаёти, унинг қилмишлари, ички руҳий ҳаёти бутун борида бадиий тасвирлашга қаратилган.

Жанр – бу бадиий усул, бадиий усуллар мажмуи ҳамдир, бу ифодавий воситаларни маълум мажмуини сюжетли ташкил этишнинг алоҳида тизимидир. Тасвирий-ифодавий воситалар, усуллар ўзига хослиги маъносида жанрларни чеклаш бир қатор йўналишлар бўйича ўтиши мумкин – булар тўқнашув тури, характер тури, ҳаётий алоқалар тури кабилардан иборат, айнан шулар жанрнинг мазмуний моҳияти ҳисобланади. Жанрнинг айрим элементлари асосан мазмунга (мавзу, ғоя – “нима” саволи), бошқаси шаклга (композиция, лисоний воситалар, тасвирлар – “қандай” саволи) тегишли бўлади. Шундай қилиб, асар жанрини аниқ белгилаш учун инсонни бадиий очишнинг ўзига хос хусусиятларини тақоза этувчи драматик қахрамон ва

воқелик ўртасидаги алоқа асосида ётувчи тўқнашув турини аниқлаш лозим бўлади.

Рейтинг топшириқлари

1. Жанр сўзи нимани англатади?
2. Драма турларини сананг.
3. Драма турлари яна нималарга бўлинади?
4. Жанрий тақсимланишни тушинтириб беринг.

Назорат саволлари

1. Трагик ва кулгили спектакл яратиш мумкинми?
2. Жанр атамасини изоҳланг.
3. Жанрнинг мазмуний-моҳияти ҳақида айтинг.
4. Жанрнинг қайси элементлар мазмунга, қайсилари шаклга тегишли бўлишини тушунтириб беринг.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Умумий - услубий адабиётлар

1. И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Т.; Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари. Т.; “Ўзбекистон”, 1995.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Эстетика. Луғат. М.; 1989.
2. Васильковский А. Вопросы русской литературы. Львов, 1970.
3. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. “Яни аср авлоди”, 2011.
4. Холодов Е. Драма композицияси. М.; Искусство, 1957.
5. Сановский-Панкеев В. Драма. Л.; Искусство, 1969.

Қўшимча адабиётлар

1. И.А.Каримов. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. Т.; Ўзбекистон. 2011.
2. Тошпўлат Турсунов. Ўзбек театри тарихи. Т.; 2008.
3. Ҳақиқат манзаралари. Т.; “Янги аср авлоди”, 2011.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2-жилд, 2006.

2.15. Драма ва театрнинг ўзаро алоқаси

1. Драматик асарни сахналаштириш муаммолари.
2. Режиссёр ғоясини амалга ошириш жараёнида жанрнинг аҳамияти.
3. Спектакл бадиий асар сифатида.

Режиссёр фикрини, унинг аниқ сахна талқинини топиш йўлида драматик асарнинг жанрий мансублигига эришиш зарур. Бу ҳолатда биз “нима” ва “қандай” саволларига жавоб беришимиз зарур бўлади. “Нима” – бу ҳаётий картиналар, асар сюжети мавзуси, “қандай” эса – бу воқелик инъикоси усули. Бу саволларга жавоб топиб, драматик асарнинг аниқ сахнавий ифодасини ҳам топиш мумкин. Жанр ҳақидаги масала икки қисмдан иборат: 1) услубий тушуниш ва 2) бу хусусиятни актёрда амалга ошиши.

Жанр - бу воқеликни турлича акси, бадиий образда ўз аксини топган воқеликни муаллиф нуктаи назаридан акс эттириш усулидир.

Ҳар бир ёзувчи, драматургнинг воқеликни акс эттириш усули турлича, буни тушуниш ва белгилаб олиш зарур. Шундай пьесалар борки, уларда тарихий материал, муҳит, тавсия этилаётган вазият битта, лекин ҳар бир санъаткор уни ўзича акс эттиради. Бу ерда “ҳаёт ҳақиқати” ва “театр ҳақиқати” билан боғлиқ масала вужудга келади. Бадиий ҳақиқат турлича бўлади, ҳаёт ҳақиқати битта. Хусусан, психологик драмада ҳақиқат битта бўлади, водевилда эса бошқа Чехов олами бор. Унинг “Юбилей” ва “Чайка” асарлари да ҳақиқат турлича, воқелик инъикоси турлича, акс эттириш усуллари турлича. Ҳар бир пьеса ўзининг оламига, маълум хислар табиатига, актёр қалбининг маълум йўналишига эга.

Асарнинг жанрий табиати қандай аниқланади, деган савол туғилади. Г.Товстоногов тавсия этилаётган вазиятни танлаш усулини тавсия этади. Чеховни Островскийдан нима фарқлаб туради? Ҳар бир услубга муаллиф фикрига мос сахнавий тўхтам қандай топилади? Мольер (Мольер-тахаллуси, асл исми – шарифи Жан Батист Поклен, 1622-1673й, француз драматурги, актёри, театр арбоби, сахна санъати ислохатчиси)нинг “Мажбурий табиб” пьесасини психологик театр қонунига бўйсиндириб бўлмайди. Бунда майдон, халқ театрлари қонунлари зарур.

Тасвирий, мусиқий, пластик, ритмик, актёр ижроси сингари барча таркибий қисмларда воқеликни акс эттиришни қандай ва қайси усул билан акс эттирилиши аниқланади, муаллиф фикри оқимини ифодаловчи муаллиф тафаккури руҳига кириб борилади. Шунинг учун асарнинг мавзуси ва ғоясини аниқлаб олиш муҳимдир. Аммо режиссёр иллюстратор яъни тасвирловчи эмас. Муаллифни, унинг ниятини тушуниш ва унга мос бадиий образ яратиш зарур.

Асарнинг мазмуни ва шаклига ўз калитини танлаш, муаллиф услубини топиш, хис қилиш ва сахнага олиб чиқиш, сахна тилига ўтказиш лозим.

Режиссёр драматинг композицион усуллари белгилаши ва уларни сахнавий ифода воситалари билан бойитиши керак. Бунинг учун эса муаллиф услуби ва жанрига яқин бўлган маълум кайфиятни топиш зарур бўлади. Шекспирнинг “Ёзги тун уйқуси” асари М. Рейнхардтда - бу ўрмон жодуси, у сахнага пулвизатор билан арча сувини сепиб чиқади, бу мусиқа, чигирткалар чириллаши ва тиллақўнғизлар рақси, туман ичида кўринаётган йилтироқ жонзотлар...

Минглаб йиллар давомида инсониятни ҳаяжонга солиб келган пьеса театрга келгач, сахна материалига айланиб қолади. Театр драматург ғоясини бериши лозим, аммо шу билан бирга у ўз асарини яратаяпти, ғоя ва образлар янгира жаранглаши мумкин.

Асарни сахналаштираётиб театр муаллиф билан мураккаб ўзаро алоқага, тортишувлар билан боғлиқ ўзаро ҳамкорликка киришади. Муаллиф услубини албатта билиш, эътиқодлар, характерларни тасвирлаш керак бўлади. Агар хатто театрда пьесани композицион қайта ишлаш ғояси вужудга келса, у режиссёр томонидан асосланган ҳолда аниқлик киритиш керак.

Пьесани (у классик ёки замонавий бўлса ҳам) ўзига хос талқин қилишга эътироз билдириш мумкин эмас. Бу театрнинг тўғридан - тўғри вазифаси ҳисобланади. Бу ҳолатда театр янги асар - спектаклни яратаётган бўлади. Муаллиф фикридан чекиниш ва уни кескин ўзгартириш чегарасини аниқлаб бўлмайди. Аммо, шуни назарда тутиш керакки, театр, яъни режиссёр пьеса материали асосида муаллиф нуқтаи назарини бера олдими, деган саволларга жавоб бериши керак бўлади. Агар буларнинг барчаси бўлса кўз олдимизда ҳақиқий бадиий асар – спектакл намоён бўлади.

Рейтинг топшириқлари

1. Жанр ҳақидаги масала қисмларини сўзлаб беринг.
2. Драматургларнинг воқеликни акс эттириш усуллари нега ҳархил?
3. “Ҳаёт ҳақиқати” билан “театр ҳақиқати”нинг фарқи нимада?
4. Чеховни Островскийдан нима фарқлаб туради?

Назорат саволлари

1. Мольернинг “Мажбурий табиб” пьесасига шарҳ беринг.
2. Театр режиссёрининг асосий иши нималардан иборат?
3. Театр пьесани композицион қайта ишлашига қандай қарайсиз?
4. Театрнинг тўғридан-тўғри вазифаси нималигини айтинг?

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Умумий - услубий адабиётлар

1. И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Т.; Ўзбекистон, 1998.

2. Каримов И. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари. Т.; “Ўзбекистон”, 1995.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Эстетика. Луғат. М.; 1989.
2. Товстоногов Г. О профессии режиссёра. М.; ВТО, 1967.
3. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. “Яни аср авлоди”, 2011.
4. Холодов Е. Драма композицияси. М.; Искусство, 1957.
5. Сахновский-Панкеев В. Драма. Л.; Искусство, 1969.

Қўшимча адабиётлар

1. И.А.Каримов. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. Т.; Ўзбекистон. 2011.
2. Тошпўлат Турсунов. Ўзбек театри тарихи. Т.; 2008.
3. Ҳақиқат манзаралари. Т.; “Янги аср авлоди”, 2011.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2-жилд, 2006.

2.16. Ўзбек маърифатпарварлик реализми драматургияси ва жанрий шакллари

1. Жаҳидларнинг XX аср бошларидаги маърифатпарварлик фаолияти.
2. М.Бехбудийнинг “Падаркуш” асари биринчи ўзбек адабий драмаси.

Нодонликка қарши кураш, ижтимоий онгни тарбиялаш ва халқ маданиятини кўтариш, қолоқ қарашлар, урф-одатларни танқид қилиш пьесанинг ғоявий-мавзуий асосини ташкил этади. Маърифатпарварлик реализми принциплари намоён бўладиган драманинг жанрий хусусиятларини белгилаш. Характерларни очишда ижтимоий типиклаштириш, Абдулла Қодирийнинг “Бахтли куёв”, Ҳамзанинг “Заҳарли ҳаёт” пьесалари ижтимоий трагедия яратиш тажрибаларида кўринади. Абдулҳамид Сулаймон Чўлпоннинг матбуотдаги мақолалари диққатга сазовар. У Қаландар тахаллуси билан дастлабки мақолаларини чоп этди. Айнан унинг мақолаларида бундай мураккаб даврда ўзбек театри ривожининг объектив ифодасини топди. Чўлпоннинг мақолаларида репертуар масалаларига алоҳида эътибор берилди, таржима асарлари ва жаҳон классикасини репертуарга киритиш лозимлигини таъкидлади. Айни пайтда миллий театрни ривожлантириш йўллари ҳақида фикр юритиб, Чўлпон миллий анъаналарга, халқ томоша анъаналарига асраб-авайлаб муносабатда бўлиш, шунингдек ўзбек театри томонидан Ғарб ва Шарқ театрлари ютуқларидан фойдаланиш ҳақида ёзади.

XX асрнинг биринчи ўн йиллигида ўзбек драматургияси ва театрини профессионал шаклланиш жараёни 20-йиллар охирига келиб тўлалигича ривожланиш йўлига киради. Ёзма драма, драматургия миллий адабиётнинг алоҳида тури бўлиб қолди. Бу жараён Шарқ классик адабиёти, бой ўзбек фольклори, масҳарабоз ва қизиқчилар театрлари тажрибаларига таяниб тайёрланди. Халқ санъати жонли манба бўлди, ундан ёш ўзбек драматургиси ва театри бой материал, ёрқин бадиий образлар олди.

1929 йили ўзбек драматургияси ўз ривожига биринчи босқични босиб ўтди. Дастлаб улар маърифатпарварлик театри мақомида, сўнгра бир қатор ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар туфайли тарғибот театри мақомига эга бўлди. Бутун жаҳид драмаси моҳиятига кўра маърифатчилик йўналишида ривожланди ва Европа драматургиясининг реалистик принципларига таянди. Улар энг аввало қаҳрамонлар образларининг характерини очиш, сюжет ва композиция тузиш, шунингдек ижтимоий ва социал қарама – қаршиликларни аниқлаш кабиларда ўз ифодасини топди. М. Бехбудий, А. Авланий, Ҳамза, Ғ. Зафарий, Фитрат каби адибларнинг асарлари бунга мисол бўлади. Ўша пайтлардаёқ мавзуий ва услубий фарқ очилиб қолди. Тарихий мавзудаги ва замонавий муаммоларга бағишланган пьесалар пайдо бўлди. Драматурглар трагедия, драмалар ёздилар, улар дастлаб ҳавоскорлар жамоаларида, сўнгра профессионал театрлар сахналарида намоиш этилди.

Совет ҳакимияти ўрнатилаётган йилларда яратилган пьесаларнинг тарғиботчилик йўналиши инқилоб ғояларини тарғиб қилди, халқ ҳаракат марказида бўлиб қолди, буни давр сиёсий вазияти тақозо этди. Аммо кейинчалик инсон тақдири, унинг психологик ва руҳий қарама- қаршилилиги биринчи планга чиқди.

Ўзбек комедияси йўли ўзига ва миллатга хос бўлди. 20-йиллар сатирик комедияси диндорлар ва феодал ҳукмдорлар нуқсонларини очиш билан шуғулланди. Комедиялар характерлар ва тўқнашувларни тасвирлашда ижтимоий кескинлиги билан ажралиб турди. Ўзбек комедиялари бу тенденцияларни оғзаки халқ театридан мерос қилиб олди. Масқарабоз ва кизикчилар томошаларидан драматурглар усуллар ва ифодавий воситалар, характерларни тасвирлашда типиклаштириш, импровизацион енгиллик, жонли кизик диалоглар, буффон, фарс хислатларини олдилар.

Драматургияни вужудга келиши сахна санъати ривожини йўлларини излашга туртки берди. Янги ижтимоий-сиёсий воқеаларга жавоб тарзида труппа раҳбарлари ёзган пьесалар асосидаги спектакллар пайдо бўлди. 1918 йили М.Уйғур “Туркистонлик табиб” комедиясини, Ҳамза эса “Бой ила хизматчи” драмасини намоиш этди. Бирида эски замоннинг ахлоқи ва урф-одатлари сатирик очиб ташланган бўлса, бошқасида мулкдорлар ва хизматкорлар ўртасидаги ўзаро алоқалар очиб берилди.

Воқелик илгари сурган бадиий вазифаларни ҳал қилишда ўзбек театри 20-йиллар охирига келиб анчайин ютуқларга эришди. Маълумотлардан кўринадикки, театр билан ҳаётни яқинлаштириш масаласида Ҳамза ва Уйғун “мазмун ва шакл бирлигига қатъиян амал қилдилар”. Актёрлар фаолиятида эса “ҳаққонийлик ва соддалик сингари Европача сахна санъати тамойилларини яъни принципларини ўзлаштиришга интилиш” сезилди.

Фитратнинг тарихий пьесалари. Тарихий шахс образини яратиш муаммолари нуқтаи назаридан қараганда Ғ.Зафарийнинг “Ҳалима” асари шахс озодлиги ғоясини тарғиб қилувчи биринчи ўзбек мусиқали драмаси бўлиб тарих аҳиқасидан ўрин олди.

Рейтинг топшириқлари

1. “Падаркуш” драмасининг ғоявий-мавзуий асоси.
2. Характерларни очишда ижтимоий типиклаштириш.
3. Сатирик жанрдаги қайси асарларни биласиз?
4. Биринчи ўзбек мусиқали драмасини айтинг.

Назорат саволлари

1. Жадидларни маърифатпарварлик фаолияти.
2. Қайси муаллифлар ижтимоий трагедиялар яратишди?
3. Совет ҳоқимияти давридаги пьесалар ғоясини айтинг.
4. Ўзбек театри 20-йиллар охирларидаги фаолияти.
- 5.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Умумий - услубий адабиётлар

1. И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Т.; Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари. Т.; “Ўзбекистон”, 1995.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Эстетика. Луғат. М.; 1989.
2. Товстоногов Г. О профессии режиссёра. М.; ВТО, 1967.
3. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. “Яни аср авлоди”, 2011.
4. Холодов Е. Драма композицияси. М.; Искусство, 1957.
5. Сахновский-Панкеев В. Драма. Л.; Искусство, 1969.

Қўшимча адабиётлар

1. И.А.Каримов. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. Т.; Ўзбекистон. 2011.
2. Тошпўлат Турсунов. Ўзбек театри тарихи. Т.; 2008.
3. Ҳақиқат манзаралари. Т.; “Янги аср авлоди”, 2011.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2-жилд, 2006.

2.17. Ўзбек драматургиясида жанрий таркибларнинг шаклланиши ва ривож.

1. Тарихий драмалар яратилишининг янги қирралари
2. Ўзбек драматургиясида комедия жанри эволюцияси

Мавзуий ва жанрий жиҳатдан янгиланиш ўзбек драматургияси тараққиётининг асосий хусусиятлари белгилаган бўлса, қаҳрамон характерининг янги тури мураккаб, қарама-қарши, меъёрий схемалар доирасига сиғмайдиган бўлиб қолди. Асосий драматик зиддиятларда ташқи фабула вазиятлари воқеликнинг ички психологик моҳиятини ифодаловчи воқеалар билан алмашади. Пьеса таркиби, композицияси ўзгаради.

Тарихий драмаларни яратилиши. Тарихий ҳақиқатни бадиий ҳақиқат билан бирлаштириш, ижодий фантазияни тарихий маълумотлар билан синтезлашга интилиш. Тарихий шахснинг халқ оммаси билан ўзаро алоқаси муаммоларини очиш каби муҳим масалалар эътибор қаратайлик.

Ҳ.Олимжоннинг “Муқанна”, М.Шайхзоданинг “Жалолиддин”, Уйғун ва И.Султоннинг “Алишер Навоий” тарихий пьесаларида гуманистик ва прогрессив ғояларни мустаҳкамланишини кўрамиз. Бош қаҳрамонлар характерлари таҳлили ҳам қизиқарли.

М.Шайхзоданинг “Мирза Улуғбек” фалсафий-поэтик драмасида тарихий шахснинг ижтимоий, ахлоқий, дунёқараш мотивлари билан мураккаб ўзаро алоқада ривожланиши кўрилади. Улуғбекнинг ички қарама-қаршиликлари мафкуралар курашини ифодаловчи ижтимоий - психологик тўқнашувнинг мураккаблигини кучайтиради.

Уйғуннинг “Ибн Сино”, “Зебунисо” асарлари инсон психологияси таҳлили орқали тарих, тарихий шахсларни англашга интилиш, қаҳрамонлик, романтика, поэтиклик-драматургик шакл хусусиятларини кўрамиз. Поэтик драма яратиш изланишлари Туроб Тўланинг “Нодирабегим” пьесасида поэтик ва фалсафий муаммолар соҳаларидаги драматургик жанрлар ҳаракатини акс этишига ажойиб мисол бўлади.

Ў.Умарбеков драматургиясида янги ижтимоий-психологик жанрлар мотивларини, ахлоқий муаммоларга мурожаат, ахлоқий-этик тўқнашув, маиший драмадан чиқишга, давр тамойилларини чуқур психологик ва кескин публицистик шаклда ифодалашга интилиш кучли.

М.Бобоевнинг “Тошкентлик меҳмон” психологик драмаси, И.Султоновнинг “Тилла занжирлар” мелодрамасининг жанрий хусусиятларининг ўзига хослиги, “Тиконсиз кирпичлар”, “Оқ отлар учун вальс” пьесаларида лирик, драматик хусусиятларнинг уйғунлиги. Ш.Холмирзаев драматургияси – “Зиёфат” пьесасидаги ижтимоий ва психологик мотивларининг кучлилигини кўрамиз.

Ўзбек драматургиясида комедия жанри эволюциясини, ўзбек комедографияси анъаналарини англаш Абдулла Қаҳҳорнинг “Тобутдан

товуш” пьесанинг кескин сатирик йўналиши, Э. Воҳидовнинг “Олтин девор” майишй комедияси ва унинг хусусиятлари, Саид Аҳмаднинг “Келинлар кўзғолони” фарс элементли майишй ҳазил комедия, А.Иброҳимовнинг “Доира бўйлаб югуриш” фарс, пародия комедияси, Ш.Бошбековнинг “Темир хотин” жиддий комедияси билан изоҳлаш мумкин.

Рейтинг топшириқлари

1. Ўзбек драмаси тараққиётининг асосий хусусиятларини айтинг.
2. Пьеса таркиби, композицияси қачон ўзгаради?
3. Тарихий драмаларга мисоллар келтиринг.
4. Тарихий шахсларга бағишланган пьесаларни санаб беринг.

Назорат саволлари

1. М.Бобоевнинг “Тошкентлик меҳмон” пьесасининг жанрини айтинг.
2. Фарс элементли майишй ҳазил комедияга мисол келтиринг.
3. Лирик, драматик хусусиятлар уйғунлашган “Зиёфат” пьесасининг муаллифи ким?
4. Жиддий комедияга мисол айтинг.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Умумий - услубий адабиётлар

1. И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Т.; Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари. Т.; “Ўзбекистон”, 1995.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Эстетика. Луғат. М.; 1989.
2. Товстоногов Г. О профессии режиссёра. М.; ВТО, 1967.
3. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. “Яни аср авлоди”, 2011.
4. Холодов Е. Драма композицияси. М.; Искусство, 1957.
5. Сахновский-Панкеев В. Драма. Л.; Искусство, 1969.
6. Э.Каримов “Развитие реализма в узбекской литературе”, Т.; изд.”Фан”, 1975.
7. С.Алиев “Литературные связи и узбекская драматургия”, Т.; изд. “Фан”, 1975.
8. Х.Абдусаматов “Драма назарияси”, Т.; 2000.

Қўшимча адабиётлар

1. И.А.Каримов. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. Т.; Ўзбекистон. 2011.
2. Тошпўлат Турсунов. Ўзбек театри тарихи. Т.; 2008.

2.18. Мустақиллик даври ўзбек драматургиясида янги услубий ва жанрий шаклларнинг пайдо бўлиши.

1. Мустақиллик даврида замонавий мавзуларга мурожаат.
2. Драматик асарларимизда Ватанга мухаббат мавзуси.
3. Театрнинг миллий онғни уйғотишдаги фаолияти.
4. Президентимизнинг театр санъати ходимлари зиммасига юклаган талаб истаклари.

Мустақиллик ўзбек миллий драматургиямизга нима берди?

Биринчидан, тузум ўзгариши билан миллий драматургия ўзининг янги тарихини яратишга ўтди; иккинчидан, драматургия ғайри ижодий мажбурий ижод усулларида халос бўлди; учинчидан, барча асарлар ўзбек тилида, миллий урф-одат ва маросимлар талаблари асосида яратила бошланди; тўртинчидан, асоссиз қораланган шахслар оқланди ва улар ҳақида асарлар яратиш мумкин бўлди, асарлар ёзилабошланди, бешинчидан, ўзбек тили давлат тили мақомига эришди ва барча ёзувлар ўз она тилимизда баён этила бошланди; олтинчидан, эркин ижод қилиш ҳуқуқига тўла эга бўлинди.

Драматургиямиз ҳеч қандай қолипга солинмайдиган ҳолда исталган мавзуда асар яратиш ҳуқуқини қўлга киритгани натижасида сон жиҳатидан кўп, сифат жиҳатидан яхши драматик асарлар яратила бошланди. Жанрий хусусиятларида ҳам янгиланиш сезила бошлади. Театрларимиздаги ўзгаришлар, хусусан, янги сахна қошоналарининг бунёд бўлиши, эскиларини замон талаблари асосида янгилаш ва жиҳозлаш, кадрларни ёшартириш ишлари билан бир қаторда театр ходимларининг янгиликка ўчлиги, драматург, режиссёр ва актёрларнинг фаоллиги ва уларнинг бирлиги сезила бошланди. Натижа шундай бўлдики, энди театр ўзигигина хос бўлган бир табаррук жойга айланди, унда олим ҳам, олимликка давогар бўлмаганлар ҳам, бойваччаю кам таъминланганлар ҳам, жинсидан ва баъзида ёшидан катъий назар кўзи очик, қулоғи эшитадиган барча тоифа ва барча миллатга мансуб одамлар учун ҳам хизмат қиладиган, уларнинг барига тенг ҳолда эстетик таъсир кўрсатиб, уларни янги замон руҳида тарбиялайдиган, покиза маскан ролини тўла бажариш имкониятига эга бўлди. Бу даргоҳда на фақат драматург, режиссёр, композитор, расом, актёр иштирок қилади, унда чирок устаси ҳам, пардозловчи ҳам, декорация устаси ҳам, тикувчию овоз режиссёри ҳам ва бошқа касб эгалари қатнашади. Бу синтез санъат ҳосиласи спектакл туғилади ва у ўз навбатида олиму савдогарга, шоиру ҳаммолга, фаррошу учувчига, қўйингки турли касб эгаларига хизмат қилади, уларнинг руҳини кўтаради, уларга сахнада туриб, ўғит айтишади, маслаҳат беришади, қисқаси амру маъриф ўқишади.

Табиийки **мустақиллик даври барча соҳалардагидек, театр санъати ривожига катта таъсир этди. Мустақиллик ғоясидан руҳланган ижодкорлар**

замонавий руҳда асарлар ижод қилабошлашди. Драматик асарларимизда эндиликда Ватанга муҳаббат туйғуларидек покиза ғоя асарларимизга бош ғоя қилиб олинаётгани, мавзуларнинг қамроғи кенглиги қувонарли ҳолга айланди.

Ўзбек театр санъати замон билан ҳамнафас ривожланиб, яшаб келмоқда. Унинг бугунги муҳим вазифаси, энг аввало, театрнинг ўз фаолларида, кейин томошабинларда миллий онгни уйғотишга таъсир этишдан иборат бўлмоқда. Бунинг заминида барчада ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, халқи ва ватани учун ҳеч қандай қийинчиликлардан қўрқмаслик, адолатли, ҳалол, пок инсон бўлишга ундаш каби тарбиявий ишларга қамарбаста бўлиш мавжуд. Фалсафий фикрлаш қобилиятини шакллантиришда ҳам театрларимизнинг роли сезиларли даражада ўзгарди.

Мустақилликнинг биринчи ўн йиллиги даври театр санъатида қандай ўзгаришлар содир бўлганига назар ташлайлик. Унинг таъсири борасида драматик асарларимиз таҳлилини кўриб ўтайлик. Бу давр драматик асарларга бой бўлди. Хусусан, Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон”, Ҳайитмат Расулнинг “Пири коинот” драмаларида шахс ва шахс муаммолари “Бобиршоҳ” (Хуршид Даврон), “Жалолиддин Мангуберди” (Эркин Самандаров), “Авесто-эл фарзанди”, “Феруз” (Комил Аваз), “Собир Термизий” (Низом Парда), “Ал-Фарғоний” (Йўлдош Сулаймон), “Кундузсиз кечалар” (Усмон Азим), “Занжирбанд шер” (Зиё Нажмий), “Усмон Носир” (Нодира Рашидова), “Беҳбудий” (Б.Исмоилов), “Ҳасан Кайфий” ва “Адибнинг умри” (Азим Усмон) каби анча бақувват асарлар ёзилди ва бу драмаларда шахс ва шахс муаммолари ифода этилиб, фожиавий тўқнашувлар бойлиги, кучли поэзия ва трагизм юқори пафос билан қуйлангани, романтик ва фалсафий умумлашмалар мавжудлиги, қаҳрамонлар характерлари тасвирида ижтимоий ва психологик мавзулар синтез ифода этилгани билан ажралиб туради.

Драматургия буюк аждодларимиз меросига меҳр билан ёндошилгани, режиссёрларимиз бундай асарларни талаб даражасида саҳналаштиришгани, рассомларимиз ўз асарларида ўша давр руҳини бера олишгани, композиторларимиз ўша давр мусиқаси орқали пьеса мазмунини бойитишгани, кийим-кечак овоз ва чироқ усталаримиз, гримёрларимиз ва бошқа театр заҳматкашларининг ҳалол меҳнати эвазига саҳна асарлари ўз томошабинини топгани, драматург, режиссёр, актёр иттифоқи вужудга келабошлагани қувонарлидир. Саҳна ижодкорлари кадрийтларимиз орқали томошабинларга руҳий тарбия беришга бел боғлаганликларини сеза бошладик.

Мустақиллик даврида замонавий ўзбек драматургиясининг тараққиётини тарих ва замонавийлик сингари икки асосий мавзуий йўналиш белгилайди.

Албатта янги ижтимоий-сиёсий вазиятни тушуниш, янги, баъзан қарама-карши ва мураккаб ҳаётий ҳодисаларни англаш учун вақт зарур бўлади.

Аммо драматурглардан бошқа яна ким театрларнинг репертуар очлигини таъминлаши мумкин?

“Миллий ўз-ўзини англашни тиклашни жаҳон гуманистик маданияти идеаллари ва умуминсоний қадриятлар, бизнинг кўп миллатли жамиятимиз анъаналаридан айрича тасаввур қилиб бўлмайди”, - деб ёзади, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон: янгиланиш ва юксалиш йўли” китобида. Шунингдек, “ўз тарихи маънавий меъросини мафкурадан холи равишда англаш ва ўрганиш” таъминланади.

Шу муносабат билан ҳақли равишда **бугунги кун томошабинига нима керак, уни қайси мавзу, конфликтлар, характерлар ҳаяжонга солиши мумкин, деган савол туғилади. Бу барча саволлар муҳим ҳисобланади ва эътиборни талаб қилади. Халқ тарихи, унинг маданий хотирасида яна қанча ўрганилмаган жиҳатлар бор. Аммо муаммолар, қарама-қаршиликларга тўла замонавий ҳаётдан ҳам кўплаб қизиқарли мавзу, тўқнашувли вазиятлар, инсонлар тақдирини топиш мумкин. Бу ҳақда одамларни хабардор қилиш, уларни огоҳлантириш драматургларнинг вазифасидир. Шу билан бирга ўзбек драматурглари романтик анъаналарни қайта тиклашга ва реалистик йўналиш тамойилларига эргашишга интиладилар.**

Кейинги йилларда Ўзбекистон театрлари сахналарида қандай ўзига хос пьесалар қўйилди? Бу соҳада Абдулла Ориповнинг “Амир Темури”, Ҳайитмат Расулнинг “Пири коинот”, Усмон Азимнинг “Кундузсиз кечалар” сингари тарихий драмалари, замонавий мавзуларга бағишланган Эркин Хушвақтовнинг “Чимилдиқ”, Санжар Имомовнинг “Фаришта ва Шайтон”, Усмон Азимнинг “Бир қадам йўл” пьесаларини эслаб ўтиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, бу барча асарлар ўзбек Миллий Академик драма театрида ҳаётга йўлланма олди.

Тарихий хотира муаммоларига эътибор, маданий меросга халқнинг маънавий дурдоналарига қизиқиш тарихий драмаларни биринчи планга олиб чиқиб қўйди. ва улар мамлакат театрлари репертуаридан мустаҳкам ўрин олди.

Абдулла Орипов “Соҳибқирон Темури” пьесасини фалсафий-романтик драма шаклида ёзди. Муаллиф уни ички драматизм, қаҳрамонларга нозик психологик ишлов бериш билан бойитди. Драматург мақсади аниқ, яъни ҳукмдорнинг кўпқирралик образини ривожланишда кўрсатиш, фақат кудратли давлат қуриш йўлида ҳаракат қилаётган инсон моҳиятини очиб беришдан иборат бўлди.

Ҳайитмат Расулнинг “Пири коинот” пьесаси асосини 1X асрда яшаган Шарқнинг буюк астроном олими ал-Фарғонийнинг тақдири ташкил этди. Унинг “Осмон жисмлари ҳаракати ҳақидаги китоби” ўша даврлар астрономик билимлар қомуси бўлиб қолди. Ал-Фарғонийнинг Бағдодда яшаган йиллари пьеса сюжети асосини ташкил этди. Олим шахсини мунофиқлик ахлоқи ва қотиб қолган қарашлар оламига қарши қўйиш бош ғоя бўлиб қолди. Олим образи одатдаги ҳаётдан ўзгачароқ ҳаёт кечиради, унинг

ўз дунёси бор, пьесада жўшқин, қизгин ҳиссиётли инсон кўз олдимизда намоён бўлади. Усмон Азимнинг “Кундузсиз кечалар” пьесаси ўзбек адабиётининг ёрқин вакилларида бири, шоир, носир, драматург, таржимон Чўлпонга бағишланди. XX асрнинг 20-30 йилларидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар гирдобига тушиб қолган бу ижодкорнинг тақдири билан кизиқиб, пьеса муаллифи унинг ҳаётидаги драматизмни қидиради. Пьеса шоир таржимаи ҳолига оид ҳужжатли маълумотларга асосланиб, унинг фожиавий ўлимига олиб борилиши воқеалари асосида тузилади. Асар воқеалари қаторига шоирнинг ажойиб шеърларидан парчалар киритилади, уларда унинг ҳаяжонга солувчи ва жўшқин лирикаси акс этади. Шу туфайли шоирнинг маънавий олами ишонарли очиб берилади, унинг иқтидори, қарашлари замонга фожиавий тарзда мос эмаслиги таъкидланади.

Ўзбек драматурглари замонавий мавзуларга ҳам мурожаат қиладилар. Эркин Хушвақтовнинг “Чимилдиқ”, Санжар Имомовнинг “Фаришта ва Шайтон”, Усмон Азимнинг “Бир қадам йўл” асарлари шулар жумласидандир. Гарчи бу асарлар жанри, мавзуси, услуби жиҳатидан бир-биридан фарқ қилса ҳам, уларни замонавий миллий пьеса яратишга бўлган интилиш бирлаштириб туради.

“Чимилдиқ” асари халқ анъаналари, унинг урф-одатлари, маросимларига эътибор билан асраб-авайлаб муносабатда бўлиш ғоясини тарғиб этади. Пьеса тўй маросими шакллари ва қоидалари асосига қурилган ўзига хос тузилиши билан ажралиб туради. Унда ўзбек халқининг миллий ўзига хослиги, соддалиги ва очиқ қалблилиги каби хусусиятлари ёрқин ифодасини топган. Драматургик материалдан юмшоқ ва ёрқин юмор иси анқиб, мелодрама жанрини эслатиб туради.

Драматург Санжар Имомовнинг “Фаришта ва Шайтон” пьесаси ўзгача услубда ёзилган, унда фарс ва гротеск элементларини жалб қилган ҳолда сатирик комедия характерлари анъаналарига мурожаатни сезиш мумкин. Пьеса воқеалари шу кунларда Тошкент туманларидан бирида рўй беради. Фақат гувала девор билан ажратиб қўйилган икки уй, икки оила ёнма-ён яшайди. Айнан ўшалар билан антиқа воқеалар рўй беради, Шайтон уларни ҳар хил куйга солади. У кишиларни йўлдан оздириб турли хилдаги носоз ишлар қилишга ундайди.

Саҳна воқеаларининг таранглиги эзгулик ва ёвузликнинг абадий тўқнашуви – Фаришта ва Шайтоннинг тортишувидан келтириб чиқарилган, унинг моҳияти инсон пул ҳукмронлигига дош бера оладими, деган саволга жавоб излашдан иборат бўлди. Агарда мол-давлат олдида ўзини йўқотиб қўймаса, Фаришта ғолиб бўлади, агар пулга қул бўлиб қолса, Шайтон ғолиб бўлади. Муаллиф бадиий воситалар билан ҳаётий воқеликни ўзлаштиради ва бу воқеликдан инсонни излайди.

Усмон Азимнинг “Бир қадам йўл” пьесасидаги воқеалар ривожини инсон қалбини қийнаб келаётган қарама-қаршилиқлар моҳиятини ангалаш

юзасидан драматургнинг интилишидан келиб чиқади. Бу пьеса чил-парчин бўлган умидлар, йўқотилган орзулар ҳақида дейиш мумкин. Шунга қарамай, унда юксак орзуга интилиш, инсонни ахлоқий жиҳатдан қайта туғилишига ишонч сезилиб туради.

Театр сахналарида драматург Ҳолик Хурсандовнинг пьесалари пайдо бўлди, уларда муаллифнинг мустаҳкам нуқтаи назари сезилади. “Ота, кампир топиб берайми?”, “Ўлдинг, азиз бўлдинг” сингари асарларда муаллиф замонамизнинг ахлоқий-этик муаммоларни кўтаради, маънавийтни ахлоқсизлик билан тўқнашувини ифодалайди. Пьесаларда ишонарли, яхлит инсоний характерларни кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам республикамиздаги кўпгина театрлар бу асарларга мурожаат қилиб, ажойиб сахна асарлари яратмоқдалар.

Мустақилликнинг иккинчи ўн йиллиги орасида эса драматургиямиз тез ривожлана бошлади. Ҳам драматургларимиз, ҳам режиссёрларимиз ижодида катта ўзгаришлар содир бўлди. Асарларимиз ҳам тарихий, ҳам замонавий мавзуларда ёзиларкан, кўпчилигида инсонни улуғлаш ғояси, Ватанга меҳр ва садоқат, қадриятларимизга ҳурмат, эртанги кунимизга ишонч тараннум этилгани, маиший мавзулардаги асарлар сон жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам кўп бўладими йўқми барибир улар ҳам томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинаётгани қувонарли бўлди. Тўғри, ижтимоий мавзулардаги асарлар ҳам кам эмас, уларда ҳам ғоя устиворлиги сезилади. Жамият тараққиётига хизмат қиладиган, инсонлар онгига салбий таъсир этадиган воқеаларга, ҳодисаларга қарши кураш воқеаси кўрсатилаётган асарлар кўплиги ҳам сезилади. Ёзилаётган асарларнинг кўпчилиги сахна юзини кўраётгани, томошабинга ҳавола этилаётгани яхши, аммо муҳокамалар яъни асарларга тақризлар жуда кам эълон қилинаётгани эса афсуски, бугунги кун муаммоларидан бирига айланиб қолди.

Бевосита руҳиятимизга таъсир кўрсатадиган, бизни тарбияладиган воситалар орасида театр санъатининг муҳимлигини эътироф этган Президентимиз Ислом Каримов театр санъати ходимларига ҳам ишонч, ҳам масъулият юкладилар. “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”, “Ўзбек давлат академик драма театрига “Миллий театр” мақоми бериш тўғрисида”, “Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот ва ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги фармон ва қарорлари шулар жумласидандир.

Драматургия доим инсонга мурожаат қилади, унинг қалб сирларини очишга интилади, инсоний ўзаро муносабатлар моҳиятини англашга ҳаракат қилади, бу инсон тарихий ёки замонавий бўлишининг аҳамияти йўқ. Бу замонавий драматургия ва театрларнинг изланишлари йўналтирилган бадиий маёқ бўлиб қолади.

Рейтинг топшириқлари

1. Мустақиллик ўзбек миллий драматургиямизга нима берди?
2. Мунаввар қори Абдурашидхонов театрни нимага қиёс қилган эди?
3. Мустақилликнинг биринчи ўн йиллигида қандай ўзгаришлар содир бўлди?
4. Мустақиллик даврининг иккинчи ўн йиллиги нималари билан фарқланади?
5. Театр фаолиятидаги ютуқ- камчиликлар ва уларнинг ечими.

Назорат саволлари

1. Драматик асарларимизнинг бош ғоясини айтинг.
2. Мустақиллик шарофати билан қайси вилоятларда қўғирчоқ театрлари иш бошлади?
3. Мустақиллик даврида яратилган замонавий ва маиший спектакллардан бир ҳақида ўз қарашларингизни сўзлаб беринг.
4. Президентимиз театр соҳасини ривожлантириш бўйича қандай фармон ва қарорларга имзо чекдилар?
5. Театр актёрларимизнинг баъзилари тил масаласида қандай нуқсонларга йўл қўйишмоқда?

Фойдаланадиган адабиётлар рўйхати

Умумий-услубий адабиётлар

1. И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Т.; Ўзбекистон, 1998.
2. Ислом Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. “Маънавият”, Т.; 2008 й.
3. “Театр” журнали, 2006 йил, 4-сон, 2007 йил, 1-сон, 2008 йил, 4-сон, 2009 йил, 4-сон.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Эстетика. Луғат. М.; 1989.
2. Товстоногов Г. О профессии режиссёра. М.; ВТО, 1967.

Қўшимча адабиётлар

1. И.А.Каримов. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. Т.; Ўзбекистон. 2011.
2. Тошпўлат Турсунов. Ўзбек театри тарихи. Т.; 2008.

111. Хотима

Муаллифлар қўлингиздаги ўқув қўлланмани яратиш мобайнида драматургия назариясига оид бўлган барча масалаларни имкон даражасида аниқ, ихчам ва қисқа қилиб ёритишга ўз эътиборларини қаратдилар. Қўлланмада драматургияда тасвирлашнинг турли усул ва воситалари, фабула ва унинг муҳимлиги, ҳаракат ва характерларнинг изчиллиги ва ҳаётийлиги, тугун ва ечим, кульминация, воқеалар ривож, перипетия, трагедия ва комедия ва албаттаки драмага қўйилган талаблар ва уларнинг ечими ва бошқа драматургия назарияси ўрганадиган масалаларга қисман жавоб беришга ҳаракат қилинди. Қўлланмада ўзбекчада қўлланиб, баъзилари қўлланилмай келаётган сўзларга изоҳ берилди. Файласуфларнинг исмларининг ўзбекча ва русча муқобилларини, туғилган йиллари ва қанча яшаганликларини, қайси мамлакат фуқароси эканликлари ва бошқа маълумотларни ёритдик.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда “Драматургия назарияси” деб аталишга номзод ўқув қўлланмаси вужудга келди. Драматургия санъати билан шуғулланадиган ёки шунга яқин бўлган, шу соҳада ўқиётган талабалар, театрда фаолият кўрсатаётган санъаткорлар ва шу соҳага қизиққанлар учун яқин ёрдамчи бўлиб қолса, яқин келажакда бу қўлланмани дарслик даражасига етказиш учун муаллифларни руҳлантирган бўларди.

Драматургик атамаларнинг изоҳли луғати

Муаллифлардан

Драматургия фани ўқувчилари, талабалари учун мўлжалланган бу драматик атамаларнинг изоҳли луғати драматургия асослари ҳамда драма назарияси билан шуғулланувчиларгагина эмас, балки шу соҳага яқин ходимлар учун ҳам фойдали бўлади, деган ният билан яратилди. Луғат театр санъатига қизиққанлар учун ҳам фойдадан холи эмас.

Драматургик атамаларнинг изоҳли луғати илк маротаба яратилаётгани боис Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Ўзбек тилининг изоҳли луғати ва бошқа манбалардан фойдаланиб яратилди.

Табиийки, бу луғат баъзи камчиликлардан холи эмас. Шу боис фикр ва мулоҳазалар учун фақат ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз ва кейинги нашрида шуларни эътиборга оламиз.

Абстракция – (лот. сўз бўлиб, мавҳумлик, номаълумлик деган тушунчаларни англатади). Билишда нарсa, ҳодисаларнинг муҳим ва муайян белги ва қонуниятларини ажратиш, бўрттириб кўрсатиш мақсадида уларнинг жузъий, иккинчи даражали томонлари ёки боғланишларидан ҳаёлан узоқлашиб, фикр юритишга ҳамда абстракциялаш йўли билан ҳосил қилинган мавҳум тушинча, назарий умумлаштирма, назарий хулосаларни чиқаришга айтилади.

Автограф - (юн. сўз бўлиб, ёзаман деган маънони англатади). Асар муаллифининг қўли билан ёзилган нусха, асл қўлёзма ёки ўз қўли билан ёзган ёзув ва имзоси, дастхатига айтилади.

Автопортрет – (фр. сўз бўлиб, тасвир деган маънони англатади). Рассом ёки ҳайкалтарошнинг ўз қўли билан ишлаган ўз тасвири, портрети.

Адабиёт – (а. сўз) Бир халқнинг, даврнинг бадиий, илмий, фалсафий ва бошқа асарлари мажмуига айтилади. Санъатнинг сўз воситасида бадиий образлар яратувчи тури.

Акт – (лот. сўз бўлиб, амал, ҳаракат деган маъноларни англатади). Бирон-бир содир этилган иш, хатти-ҳаракат. Драматик асара ҳамда театр томошасининг тугалланган қисми; парда.

Актёр – (фр. ва лот. сўз бўлиб, ижро этувчи деган маънони англатади). Спектакл ва кинофильмларда роль ижро этувчи артистга актёр дейилади.

Акустика – (юн. сўз бўлиб, эшитиш, қулоқ солиш деган маъноларни англатади). Театр биноси ичида товушларнинг яхши эшитилиши ёки эшитилмаслик ҳолатига акустика деймиз.

Акцент – (лот. сўз бўлиб, оҳанг, урғу деган маъноларни англатади). Она тилидан бошқа тилда сўзлаганда, товушларни ўша тилдагидан бошқача ҳолда, ўз тили товушлари каби ёки унга яқин талаффуз этиш акцентдир.

Аллегория – (юн. сўз бўлиб, ўзгача ифодалаш деган маънони англатади). Мавҳум тушинча ёки ғояларни аниқ бир образ воситаси билан ифодалашга айтилади. Масалан, бўри сўзининг ёмонлик (ёвузлик), тулки сўзининг айёрлик ифодаси учун қўлланиши бунга мисол бўлади.

Альманах - альманах, турли муаллифларнинг асарлари йиғилган тўпламга айтилади.

Амплуа – (фр. сўз бўлиб, фойдаланиш; лавозим деган маъноларни англатади). Актёр имкониятларига мос тушадиган роллар туркими амплуа деган сўз билан ифодаланади.

Амфитеатр – (юн. сўз) Оммавий томошалар, театр спектакллари кўрсатилган бино; томоша зали (театр, цирк)даги ёки аудиториядаги ярим доира шаклида қия кўтарилиб боровчи ўриндиқлар шу номда ифода этилади.

Анекдот – анекдот, латифа, афанди. Кулгили иш, воқеа, ҳодиса, кулгидан бошқага арзимайдиган кулгили ҳикоя.

Аноним – аноним, номини яширган муаллиф ёки муаллифи номаълум асар ҳақида гапирилганда шу ибора ишлатилади.

Анонс – (фр. сўз бўлиб, оммавий ахборот, эълон деган маъноларни англатади). Гастроль, спектакль, концерт ва шу кабилар ҳақидаги олдиндан тарқатилган эълонни анонс деймиз.

Ансамбль – (фр. сўз бўлиб, бирга, биргаликда; бирлик, уйғунлик, оҳангдошлик деган маъноларни англатади). Театр санъатида: драматург, режиссёр, рассом, бастакор ва актёрлар ижодининг уйғунлигига ансамбль сўз мос келади.

Антоним – антоним, бошқа сўз маъносига зид маъно берувчи сўз.

Антракт – (фр. сўз бўлиб, иш, ҳаракат деган маъноларни англатади) Спектакл пардалари орасидаги танаффус. Опера ёки драматик спектакль пардалари, кўринишларига муқаддима ҳисобланадиган мусиқа асари.

Аншлак – нем. сўз бўлиб, афиша, оммавий эълон маъноларини англатади. Театр, кино кассаларида чипталар сотилиб бўлганлиги ҳақидаги махсус эълонга аншлак сўзи қўлланилади. Театр залининг тўлалиги ҳам шу сўз билан ифода этилади.

Арасту (Аристотель) – (мил.ав. 384/383 – 322/321) Юнонистонинг буюк файласуфи, мантиқ илмининг асосчиси, ахлоқ фани – этикага асос солган, барча замонлар олимларининг устози бўлган буюк аллома. У ягона битта асари “Поэтика” (Нафис санъат”) китоби билан санъат илмини яратиб, тарихдан муносиб ўрин олди. Бу китоб жаҳонда юзага келган энг биринчи адабиёт назариясидир. У барча санъат турларини поэзия деб атаб, уни эпос, лирика, драмага бўлган. Бу асар бугунгача ижодий-илмий назарий тафаккурнинг қимматли қарашларини ифода этган буюк ёдгорлик сифатида нодир асар ҳисобланади.

Ария – (ит. сўз бўлиб, қўшиқ деган маънони англатади). Оркестр ёки бошқа мусиқа асбоблари жўрлигида бир киши ижро этадиган (айтадиган) вокал асар, ашула (кўпинча опера, оратория ва шу кабиларнинг таркибий қисмини) ташкил этади.

Артист – (лот. сўз бўлиб, касб, ҳунар деган маъноларни англатади). Санъат асарларини томошабинлар учун намойиш қилувчи ижрочига артист дейилади.

Асар – (а. сўз бўлиб, аломат, белги, нишон маъноларини англатади). Ижодий меҳнат маҳсулига асар дейиш одат тусига кирган. Нашр этилиши мумкин бўлган, якуний маҳсулот туридаги ижодий тавсиф муаллиф ишининг натижаси.

Афиша – афиша, томоша ҳақидаги эълон.

Афоризм – афоризм, ҳикматли сўз, ибора.

Аффе́кт – (лот. сўз бўлиб, руҳий ҳаяжон, эҳтирос деган маъноларни англатади). Ташқи ёки ички таъсирлар туфайли тез пайдо бўлиб, қисқа муддатли, аксарият ҳолларда “портлаш” тарзида содир бўладиган кучли ҳиссий ҳолатни аффе́кт деймиз.

Бадий – (а. сўз бўлиб, бадиатга, нафис санъатга оид; гўзал, ажойиб деган маъноларни англатади) Воқеликни нафис санъат воситалари, усуллари, образлари орқали ифода этувчи, тасвирловчи бадий ижод билан боғлиқ бўлган фаолият турига оид сўз.

Балет – (ит. ва лот. сўз бўлиб, ўйнамоқ, рақсга тушмоқ деган маъноларни англатади). Асар мазмуни мусиқали хореографик образлар воситасида ифодалнадиган сахна асари ва шундай асар учун ёзилган мусиқа. Балет мусиқали театр санъатининг қийин тури, у ҳам мусиқа, ҳам хореография, ҳам рақс дегани. Рақс орқали балет мазмуни ифода этилади. Балетда декорацияга, кийимларга, чироқларга катта аҳамият қаратилади.

Балетмейстр – (нем. сўз бўлиб, балет устаси маъносини англатади). Балет, опера, оперетта ва бошқа сахна асарларидаги рақслар, хореографик кўринишларни сахналаштирувчи ижодкор шахс.

Балкон – (фр. ва лот. сўз) Театрнинг иккинчи ва ундан юқори қаватларида осма ҳолда қурилган томоша ўринлари.

Бастакор – иш, машғулот деган маънони англатади. Мусиқа асарлар ижодчиси; композитор.

Бельэтаж – (фр. сўз бўлиб, чиройли, қават, ярус деган маъноларни англатади). Томоша залида партер ва амфитеатр устига қурилган, ўриндиқлар қўйилган айлана пешайвон, биринчи ярус.

Беллетристика – беллетристика, прозаик бадий асарлар, ўқилиши осон енгил-елпи асарлар шу сўзда ўз ифодасини топган.

Библиография – библиография, китоб ва бошқа нашрларнинг системали илмий тавсифи, рўйхати.

Биография – биография, таржимаи ҳол.

Бурлеска – бўрттирилган (муболағали) ҳажвий тасвир (бадий асарда, сахнада)

Бутафория – (ит. сўз бўлиб, ташқарига чиқариб ташла, улоқтир деган маънони англатади). Театр сахнасида ҳақиқий буюмлар, жиҳозлар (масалан, хайкал, мебель, идиш, тақинчоқ каби) ўрнида қўлланадиган ясама нарсалар, воситалар.

Буффонада – театрда, кулгили (қизик) театр томошаси; масҳарабозлик, майнабозлик.

Вертеп – диний ва дунёвий мазмундаги томошалар кўрсатган қадимги сайёр кўғирчоқ театри.

Вестибюль – (лот. сўз бўлиб, уйга кираверишдаги майдонча, дахлиз деган маъноларни англатади). Кино, театр, метро ва ш.к. бошқа жамоат иншоотларининг ичкари қисмига кириш жойидаги катта, кенг сахна, майдон.

Видеофильм - Видеофильм тасмасига ёзилган фильм.

Водевиль – (фр. сўз бўлиб, Вир дарёси водийси – водивирь” халқ ашулалари тарқалган жой маъносини англатади). Водевиль куплетли кўшиқ, романс, ракс, мусиқа жўрлигида ижро этиладиган, латифасимон мазмунга асосланган енгил комедия. Водевиль охирида унинг ижрочилари томонидан томошабинларга қарата айтиладиган сўнги кўшиқ.

Вокал – (лот. сўз бўлиб, овозли, хушовоз; унли деган маънони англатади). Ашулага, ашулачиликка оид; ашула қилиб айтиш учун мўлжалланган.

Воқеалар ривож. Бу ибора бош мақсадни белгилайди, у кураш тарихи ва мантиғини гавдалантиради. Шу билан бир вақтда сюжет ва характерларни узвий боғлиқлиги воқеа ривожига олиб келади. Воқеалар ривож – бу тугун бўлиб қолган муаммоларни ҳал бўлиши йўлидаги хатти-ҳаракат ва курашлардир. Конфликтнинг ечими ҳам воқеаларни ривожига боғлиқ. (Қаранг: Ҳайдар Муҳаммад. Сценарийнавислик асослари. (дарслик), “Musiq” нашриёти, Т.; 2009).

Гипербола – гипербола, муболаға.

Грим – (фр. сўз бўлиб, юзни бўямоқ деган маънони англатади). 1. Махсус бўёқлар, ясама соч, соқол ва шу кабилар ёрдамида актёр қиёфасини ўзгартириш санъати. 2. Актёрни муайян қиёфада кўрсатиш учун ишлатиладиган махсус бўёқ, ясама соч, соқол ва шу кабилар.

Гротеск – (фр. сўз бўлиб, ғалати; кулгили деган маънони англатади). Воқеа ва ҳодисаларни атайлаб кучайтириш ёки кичрайтиришдан, кулгили тарзда бузиб кўрсатишдан иборат бадий усул.

Дастур – грекча сўз бўлиб, асосий кўрсатув ва эшиттиришларнинг, томошаларнинг мундарижаси.

Декаденство – декадентлик XIX аср охири XX аср бошларидаги буржуа адабиёти ва санъатида тушкун антиреалистик оқим.

Детектив – детектив, махфий.

Декорация – сахна безаги, безаш деган маъноларни англатади. У турлича бўлади. Асар моҳиятидан келиб чиқиб, рассом асар мазмунини, ғоясини очиб беришга мўлжалланган ҳолда фаолият юритади. У баъзида оддий, баъзида жуда мураккаб яратилиши мумкин. Спектаклларнинг деярли ҳаммасига сахна декорацияси ишлатилади. Воқеалар кечадиган жой ёки маконнинг суний яратилиши. Шекспир театрида баъзида актёрлар декорациясиз роль ўйнашган.

Диалог – (юн. сўз бўлиб, икки сўз; нутқ; тушунча маъноларини англатади). 1. Икки киши ўртасидаги оғзаки мулоқот, суҳбат. 2. Адабий асарда икки ёки бир неча персонаж ўртасидаги гаплашув, суҳбат. 3. Икки ёки бир неча киши ўртасидаги узлуксиз суҳбат, гаплашув шаклида ёзилган адабий асар.

Дилетантлик – (итал. ва лот. сўз бўлиб, томоша кўрсатмоқ, соҳани чуқур ўзлаштирмай ўзини кўрсатишга ҳаракат).

Дифирамб – дифирамб, мадҳия, ортик мақтов, қасида тарзидаги асар.

Драма – (юн. сўз бўлиб, ҳаракат деган маънони англатади). 1. Бадий адабиётнинг 3 асосий туридан бири (эпос, лирика билан бир қаторда). Драма театрга ҳам тааллуқли. Сюжетлилиқ, ҳаракатларнинг зиддиятга асосланиши ва уларнинг сахна, эпизодларга бўлиниши, баённинг йўқлиги, персонажлар муносабатларининг ўзаро сўзлашувга асосланиши драманинг ўзига хос хусусиятидир. Ижтимоий (конкрет тарихий ва умуминсоний) муаммоларни акс эттирувчи драматик зиддиятлар қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларида, аввало **диалог** ва **монолог**ларда ифодаланади. Драма матни кўришга (имо-ишора, ҳаракат), шунингдек, эшитишга мўлжалланади; у сахнавий макон, замон ва театр техникаси (мизансценалар қурилиши) имкониятларига ҳам мувофиқ келади. Драма адабий асар сифатида актёр, режиссёр томонидан сахнада ўз талқинини топади. Драма туфайли театр санъати юзага келган ва у кино санъати учун ҳам асос бўлган. Драма жанрлари **трагедия, комедия, драма** (жанр сифатида) ва **трагикомедия**. 2. **Драматургия** жанрларидан бири... (Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати, Т., 2006, 370-бет). Драма юн. сўз бўлиб ҳаракат маносини билдиради. Бадий адабиётнинг уч асосий тури (лирика ва эпос билан бирга) дан бири: асосан диалог-персонажларнинг ўзаро сўзлашуви шаклида, муаллиф нутқи аралаштирилмай ёзилган сахна асарларидан иборат. (Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати, Т., 2006, 653-бет).

Драматик асар – Сахна санъати қонунлари бўйича яратилган ва сахнада ижро этишга мўлжалланган адабий-бадий асар. Драматик асар матнига алоҳида элементлар тизими киради; иштирок этувчи персонажнинг репликаси, шарҳи (ремаркаси).

Драматург – театр учун сахна асарлари, драмалар ёзувчи адиб.

Драматизм - Сахна асарида воқеа ва ҳолатларнинг ўзига хос кескинлиги, жиддийлиги, ҳаяжонлиги.

Драматургия – (юн. сўз) Муайян санъаткор, давр ва халққа мансуб драматик асарлар мажмуи. (Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006, 3-жилд, 370-бет). 1. Драматик санъат; сахна асарларининг тузилиш тамойиллари ва усуллари ҳақидаги назария. 2. Бирор ёзувчининг, халқ ёки даврнинг драматик асарлари мажмуи. (Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т., 2006, 1-жилд, 653-бет).

Драматургиянинг мақсади – театр санъати атамалари моҳиятини очишдан иборат.

Драматургиянинг вазифаси – сахна санъати асосларини ҳатти-ҳаракатли таҳлилига ўргатиш.

Драматургик маҳорат – драматургнинг санъат даражасидаги моҳирлиги, усталиги ва эпчиллигидир.

Драматик тасвир – драма сюжетидаги кескин ўзгариш. Тўсатдан билиш ва бошқа унсурлардан иборат тасвирлар.

Драма тили – драма учун асосий бадиий восита. Фикр ифодалашдир. “Сўз санъатнинг классик энг мукамал нусхасидир” (Шухрат). Сахнада англаш қийин бўлган сўзлардан қочиш, шеваларни ўринсиз ишлатиш, аксари ҳолда адабий тилдан фойдаланиш талаб этилади. (Қаранг: Ҳафиз Абдусаматов, Драма назарияси. Т.; Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр.; 2000)

Драма мавзуси – бу бадиий тасвир объекти, ҳаётда юз берадиган ўзгаришлар йиғиндиси.

Драма ғояси – бу асарнинг асосий концептуал (тушунча, тасаввур) фикри.

Драма фабуласи – бу асосий воқеалар доираси.

Драма сюжети – бу зиддиятлар ривожланиши.

Драма композицияси – бу унинг қурилмаси. Унинг вақт, маконда ҳатти-ҳаракатнинг эпизод (пъесада маълум даражада тугал мазмунга эга бўлган парча, воқеа) ва сахналар қатори.

Драма экспозицияси – бу бадиий асар сюжетининг таркибий қисми бўлиб, унда воқеалар юз берадиган макон ва замон, асар қаҳрамонлари ҳақидаги муаллиф маълумотларининг баён қилиниши.

Драмада тугун – бу сюжетнинг микро модели (шакли).

Драмада ҳатти-ҳаракат – бу қарама-қарши томонларнинг зиддиятли тўқнашувлари натижасида юзага келган ҳатти-ҳаракат.

Драмада драматик зиддият – бу турл-ижтимоий, синфий, маънавий маконда қаҳрамонларнинг нимани ҳимоя қилиши ёки тарафдори бўлиши билан боғлиқ зиддият.

Драмада ташқи зиддият – бу бошқалар билан тўқнашув натижасида юзага келадиган зиддият.

Драмада ички зиддият – бу қаҳрамоннинг ички иккиланиши, қалбидаги кечаётган қарама-қарши туйғуларни енгизишига қаратилган зиддият.

Драмада образ ва характер – бу персонаж ва қаҳрамоннинг кайтарилмас қиёфаси.

Драмада перипетия – бу ҳаракатлар ривожидан марказига етаклайдиган кескин бурилиш.

Драмада кульминация – бу энг юқори нуқта. Зиддиятлар интиқоси.

Драмада ечим – бу кульминациядан сўнг келиб, асар тугашига олиб келадиган давр.

Дублёр – (фр. сўз бўлиб, иккилантирувчи деган маънони англатади). Театрда ролни ижро этувчи актёрни алмаштирувчи актёр ёки бир ролни навбатлашиб бажарувчи икки актёрдан бири.

Дуэт – (ит. ва лот. сўз бўлиб, икки деган маънони англатади). Икки ижрочидан иборат ансамбль. Икки хил овоз билан ижро этиладиган, асосан вокал асар. Шундай асарни ижро этувчи икки созанда. Дуэт мустақил жанр сифатида ҳамда мусикий-саҳнавий ва вокал-симфоник асарлар таркибига киради.

Ечим. Ечиш; ечилиш деган маъноларни англатади. Асарда воқеалар ривожидан, қаҳрамонлар ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг ҳал бўлиши, тамомланиши. Муаллифнинг ижодий мақсадини яқунга етказадиган восита.

Тугундаги ўтиш бошланган жойдан асарнинг охиригача бўлган қисм ечимдир. Ечимда сохта, ёлғон фикрлардан қочмоқ керак.

Жанр – (фр. сўз бўлиб, жинс, тур деган маъноларни англатади). Санъат асарларининг сюжет ва услуб жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳар бир тури. Драматик жанр мавжуд уч жанрнинг бири бўлиб, мазкур жанр асар мавзусига кўра янада майдалароқ қисмларга, жумладан ҳажвий, лирик комедиялар ва водевилъ ва бошқаларга бўлинади.

Ибтидо – (а. сўз бўлиб, бошлаш, бошланғич нуқта деган маъноларни англатади). Бошқа нарсанинг кетидан келиши зарур бўлмаган, аксинча, табиат қонунига кўра орқасидан нимадир келувчи ёхуд содир бўлувчи нарсадир.

Идеал – идеал, олий мақсад, юксак орзу; намуна, тимсол.

Импровизация – (итал. ва лот. сўз бўлиб, олдиндан кутилмаган, кўрилмаган; тўсатдан, бирдан деган маъноларни англатади). 1. Олдиндан тайёрланмасдан, лозим бўлган пайтнинг ўзида шеър, куй, мусикий пьеса ижод этиш, ижро жараёнининг ўзида яратилган бадиий асар (шеър, мусикий пьеса ва ш.к.)

Инсценировка – лот. саҳна деган маънони англатади. Бирор асарни саҳнабоп қилиб ўзгартириш, саҳнада қўйиш ва саҳналаштирилган асарнинг ўзи. Ёки телевидение, радиога мослаш.

Интермедия – интермедия, драма ёки опера асарларининг икки пардаси ўртасида ўйналадиган, одатда кулгили кичик саҳна асари.

Интонация – интонация, гап, нутқ оҳанги; товушларни баландлик жиҳатидан аниқ ижро этиш.

Интиҳо – (а. сўз бўлиб, охир, ниҳоя деган маъноларни англатади). Зарурат туфайли ёхуд одатга кўра, албатта, бошқа нарса кетидан келувчи нарсадир, ундан кейин эса ҳеч нарса бўлмайди.

Интрига – (фр. ва лот. сўз бўлиб, адаштирмоқ; йўлдан урмоқ деган маъноларни англатади.) Драматик асарларда иштирок этувчиларнинг ўзаро курашини очувчи воқеалар ривожини схемаси.

Иқтибос – цитата. Муайян асар матнининг қисмини ва бошқа матнда ўзгартирилмай қўлланган матн қисми, одатда қаердан олинган манбаи кўрсатилади.

Карикаатура - кариакатура, ҳажвий расм; кулгили тасвир. Ҳажвий асар.

Катарсис – (юн. сўз бўлиб, тозаланиш деган маънони англатади. Ҳиссий енгил тортиш; руҳнинг ҳиссий ва жисмоний нопокликлардан тозаланиши. “Арасту “Поэтика” асарида бу атамани ишлатиб, фожианинг мақсади сифатида “азобланиш ва ачиниш” ёрдамида руҳнинг тозаланишини тушунган.

Клип – (инг. сўз бўлиб, узиб, юлиб олмоқ деган маъноларни англатади). Узук-узук бадиий лавҳалар, декорация, пейзаж манзаралари билан қўшган ҳолда тасвирга тушириш ва шу тасвирнинг ўзи; қисқа видеотасвир. Ёки қисқача реклама фильми.

Кино – (юн. сўз бўлиб, ҳаракатга келтираман, деган маънони англатади). Ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, кинематографияга, кинофильмга алоқадорликни билдиради. Кино XIX асрнинг охирида предметлар, одамлар, ҳайвонлар ҳаракатларини тасмага туширувчи аппарат ихтиро қилиниши билан кино санъати вужудга келди, уни аввалига киноматограф, кейинчалик кинокамера деб атаётган эди. Кино яратиш қийин ва анча вақтни оладиган санъат соҳаси бўлиб, уни сценарий ёзишдан бошламоқ керак бўлади. Кейин фильм қаҳрамонлари образини яратувчи актёрлар танланади, рассомлар қаҳрамонларнинг кийим-кечакларини тайёрлашади, бастакорлар кинофильм мусиқасини ёзишади. Операторлар кинони тасмага туширишади. Барча ижодкорларга режиссёр бошчилик қилади.

Кинофильм тайёр бўлгандан кейин уни монтаж қилинади. Натижада намойиш қилиш учун тайёр бўлади.

Киноматограф – (эск. сўз) Кино, кино санъати деган маъноларни англатади.

Киноматография – (юн. сўз бўлиб, ҳаракат ва ёзаман деган маъноларни англатади). Маданият ва санъатнинг кинофильмлар ишлаб чиқариш ва уларни томошабинларга намойиш қилиш соҳаси.

Киноактёр – кино артисти, киноартист.

Кинодраматургия – киносценарийлар мажмуи, киносценарийлар тузиш, яратиш иши, назарияси.

Кинокомедия – характер, конфликт ва вазиятлар тасвири томошабинда кулги қўзғатадиган, юмористик ва ҳажвий жиҳатлар бир-бирига боғлиқ ҳолда кўрсатилган кинофильм.

Кинорежиссёр – кинофильмни қўювчи режиссёр.

Киносценарий – кинофильм яратиш учун асос бўладиган бадиий асар.

Концепция – тўплаш, бирлаштириш, тизим; ибора. Қарашлар, фикрлар йўналиши тизими, фикр юритиш, дунёни тушиниш, англаш усули.

Конфликт – (лот. сўз бўлиб, тўқнашиш; қарама-қаршилик маъносини билдиради). Қарама-қарши томонлар, фикр, куч ва шу кабиларнинг тўқнашуви; жиддий келишмовчилик, кескин низо; халқаро муносабатларда баъзан қуролли тўқнашувларгача олиб келадиган жанжал, можаро. (Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, Т.; 2006, 2-жилд, 404-бет). Конфликт – ихтилоф, тўқнашиш. 1. қарши томонлар, фикрлар, кучлар тўқнашуви; 2. **адабиёт ва санъатда** – бадиий асар моҳиятида ётган зиддият, персонажларнинг ўзаро тўқнашиши, ихтилофи. Конфликт эпик асарларга нисбатан қўлланади, лирик асарларда эса у **коллизия**, кечинма, фикр оқими тарзида намоён бўлади. Конфликтнинг 3 хил кўриниши мавжуд: асар қаҳрамонларининг бир-бирлари билан тўқнашуви, кураши; шарт-шароит, муҳит билан тўвнашув; ўз-ўзи билан ички кураш. **Драмада** конфликт ҳаракатни ривожлантирувчи, кескинлантирувчи хусусиятга эга. Конфликтда ёзувчининг дунёқараши, воқеликни, ҳаётни, дунёни ва инсонни қандай идрок этиши ва тушиниши намоён бўлади. **Драматургияда** “ташқи” конфликтга кенг ўрин берилади, бунда қаҳрамонлар ўзаро бир-бири билан ихтилофда, курашда бўлади, “ички” конфликтда эса қаҳрамоннинг ўз бурчини ҳис этиши билан ожиз руҳий томони, ҳиссий изтироблари, ҳолати ўртасидаги зиддият тарзида кўринади. Мазмуни, йўналиши нуқтаи назаридан конфликтнинг маиший, ахлоқий, ижтимоий, сиёсий, фалсафий ва бошқа турлари мавжуд. Воқеалар ривожидан давомидан ижтимоий конфликт сиёсий конфликтга, сиёсий конфликт фалсафий конфликтга айланиши мумкин. Катта ўткир ғоялар учун кескин курашга асосланган тўқнашувда фожиавий руҳ устун бўлиб, фожиавий конфликтни туғдиради ёки кулгили, ўткир ҳажвий йўналишдаги вазият, ҳолат, воқеалар кулгили руҳни ҳосил қилади. Конфликтнинг моҳияти замон, макон билан жипс боғлиқ. Шундай конфликтлар бўладигани, давр ўтиши билан улар барҳам топади. Мас., қадимги дунёда яратилган асарлар конфликтлари заминидан тақдир тақозаси турган бўлса, ўрта асрлардаги асарларда илоҳий куч билан инсондаги шайтоний ҳирс конфликтнинг асосини ташкил этган. **Романтизм** даврида воқелик, муҳит, шарт-шароит билан идеал ўртасида, яхшилик билан ёмонлик, руҳий эркинлик билан турмуш ташвишлари ўртасидаги зиддият ҳукмронлик қилган, **реализм** тантана қилган даврда инсон моҳияти, унинг истаги, имконияти билан ижтимоий-тарихий шарт-шароит заминидан конфликт юзага келган. Шундай боқий мавзулар борки (мас., саҳийлик ва ҳасислик, вафодорлик ва бевафолик, тириклик ва ўлим), буларда конфликт ҳар бир даврнинг маънавий, руҳий

талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб талқин қилинади. Шўролар даврида – социалистик реализм методи ҳукмронлик қилган ва конфликт заминига ижтимоий-синфий антогонизм қўйилган ва бу зиддиятнинг инқилобий йўл билан ечилиши талаб қилинган, индивидуал ахлоқ билан жамоа онги ўртасидаги, хусусий мулкчилик руҳияти билан жамоат, халқ манфаати ўртасидаги кураш тарзида қўйилган. Шўро тузимини танқид қилиш ман этилган ва шу туфайли адабиётда, айниқса драматургияда конфликтсизлик “назария”си келиб чиққан.

Ҳаётдаги кескин зиддиятларни четлаб ўтиш, воқеликни, ҳаётни бўяб кўрсатиш, инсонни шунчаки бир қўғирчоқ, робот тарзида кўрсатиш ўша давр адабиётининг бош белгиси бўлган. Миллий мустақиллик туфайли ўзбек адабиёти ва санъатининг ижодий усули реалистик метод бўлиб қолди, ҳаёт ва инсонни ҳаққоний тасвирлаш, воқеликдаги зиддиятлар кўлами ва моҳиятини теран очиш, инсон ва жамиятнинг камол топишидаги қийинчиликларни, мураккаб жараёнларни оқилона тасвирлаш ягона мезонга айланди. Аммо ёзувчи, санъаткор воқеликдаги зиддиятларни қандай бўлса, шундайлигича бадиий асарга кўчирмайди, аксинча, уларни танлаб олади, умумлаштиради, янада кескинлаштиради, улар маъноси, моҳиятини очади, тушинтиради. (Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 5-жилд, Т.; 2003, 20-21-бетлар).

Классика – (лот. сўз бўлиб, намунали деган маънони англатади). Адабиёт ва санъатга оид мумтоз, оламшумул аҳамиятга эга бўлган мукаммал асарлар.

Классицизм – (нем. сўз бўлиб, намунали деган маънони англатади). 17 аср – 19 аср бошларида Европа адабиёти ва санъатида антик адабиёт ва санъат намуналари ва шаклларига мурожаат ва тақлид қилиш асосида шаклланадиган бадиий услуб ва оқим.

Коллизия – (лот. сўз бўлиб, ўзаро тўқнашиш; шикастланиш деган маъноларни англатади). Қарама-қарши кучлар, қарашлар, интилишлар, кизиқишлар тўқнашуви; бадиий асарда: тасвирланаётган турли қаҳрамонларнинг характерлари ўртасидаги, ҳаракатлар билан шароит, ҳолат ўртасидаги зиддият, қарама-қаршилиқ.

Комедия – (юн. сўз бўлиб, хушчақчақ олмон деган маънони англатади.) Ҳодиса, воқеа ва хусусиятлар кулгили кўрсатилган драма тури. Кулгили асар.

Композиция - тузиш, ижод қилиш, деган маънони англатади. У адабий асар ёки санъат асари қисмларининг тузилиши, жойлашиши ва ўзаро муносабатларида уларнинг қўшилиб кетиши ва уларнинг қўшилгандаги яхлитлиги тушинилади. (Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.; 2007, 2-жилд, 396-бет.) Композиция бадиий асарнинг мазмуни, характери ва мақсади жиҳатидан боғланган қисмларининг жойлашиши. (Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 4-жилд, Т.; 2002, 684-бет.) Композиция –энг аввало драма тузилишини ташкил этади, қаҳрамонлар композицияни камраб олади. Сюжет композицияси - бу сюжет элементларининг жойлашиши. (Қаранг:

Ҳафиз Абдусаматов, Драма назарияси. Т.; Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2000)

Композиция элементлари - монолог, персонаж хатлари, муаллиф ремаркаси, лирик чекинишлар ва бошқалар.

Костюмер – (фр. сўз) Спектакль учун костюмлар, кийим-бошлар тайёрловчи театр хизматчиси.

Кульминация – (лот. сўз бўлиб, тепа, чўққи деган маъноларни англатади). Адабиёт ва санъатда: воқеа-ҳодисалар, конфликтлар ривожининг энг муҳим, энг кескинлашган пайти, қаҳрамонларнинг тўқнашуви ҳал қилинадиган, тугуннинг ечими бошланадиган лаҳза.

Легенда - афсона, ривоят.

Лейтмотив - асосий фикр, ғоя. Мусиқа асарида бошдан-охир такрорланувчи асосий куй.

Либретто – (ит. сўз бўлиб, китобча деган маънони англатади). Опера, оперетта, оратория каби мусикали-драматик асарларинг сўз матни; опера, балет мазмунининг қисқача баёни. Кинофильмнинг сюжет режаси ёки сценарий схемаси.

Лирика - (юн. сўз бўлиб, лира жўрлигида куйловчи, ижро этувчи) адабиёт. Бадиий адабиётнинг уч асосий турларидан (эпос ва драма билан) бири бўлиб, унда борлиқ муаллифнинг чуқур, жўшқин ички кечинмалари, хис-туйғулари, фикр-мулоҳазаларига йўғрилган ҳолда, ички шеърый монолог тарзида акс эттирилади. 2. Шу турга мансуб асарлар иажмуи. (Қаранг: Ўзбек тилининг изохли луғати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, давлат илмий нашриёти, 2007, 2-жилд, 500-бет.) Лирикада, эпосдан фарқли ўлароқ, муайян эпик сюжет бўлмайди. Драматик турдан ажралиб турадиган жиҳати эса, логикада субъективлик кучли. Айни пайтда логика эмоционаллиги, ўқувчи қалбини ҳаяжонга солиши билан фарқланади... “Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси , 5-жилд, Т.; 2003, 285-бет.)

Мавзу – (а. сўз бўлиб, жойлаштирилган; тўқиб чиқарилган; тема, сюжет деган маъноларни англатади) Бадиий асар учун танлаб олинган объект.

Маданият – (а. сўз бўлиб, цивилизация деган маънони англатади.) Жамиятнинг маънавий-маърифий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуи.

Мантиқ – (а. сўз бўлиб, нутқ, тил; сўзлаш; логика деган маъноларни англатади). Тўғри тафаккур юритишнинг асосий қонунлари ва шакллари ҳақидаги фан.

Мелодрама – (юн. сўз бўлиб, кўшиқ плюс ҳаракат, фаолият деган маънони англатади) Воқеаларни ниҳоятда бўрттириб, таъсирчан қилиб тасвирлайдиган, насихатомуз театр учун ёзиладиган драма жанри ва шу жанрдаги асар.

Метафора – (юн. сўз бўлиб, кўчириш, кўчим деган маънони англатади). Нарсага хос бўлмаган жинсдан турга ёки турдан турга ёки турдан жинсга, ёхуд турдан турга кўчирилган ёинки ўхшатиш сўз. Сўз ёки иборани ўхшашлик ёки ўхшатишга асосланган кўчма маънода ишлатиш ва шундай

маънода ишлатилган сўз ёки ибора; истиора, мажоз (мас., қулоқ сўзининг дуторнинг қулоғи бирикмасидаги маъноси метафора асосида юзага келган).

Мизансцена – (фр. сўз блиб, сахнада жойлашиш деган маънони англатади). Спектакл давомида актёрларнинг спектаклнинг айрим кўринишларига мос жойлашуви.

Мим – мим (сўзсиз театр ва унинг актёри).

Мимика – мимика (юз мушакларининг маъноли ҳаракатлари, имо-ишоралари) Мимика билан бирор маъно ифодаламак.

Миниатюра – (фр. ва лот сўз бўлиб, қадимги қўл ёзма ва китоблараги нафис, бежирим сурат, нақш, тасвир). Кичик ҳажмдаги санъат асари.

Мистерия – мистерия (ўрта асрда: диний мавзулардаги драма)

Миф – миф, афсона, уйдурма, ёлғон-яшиқ.

Монолог – (юн. сўз бўлиб, сўз, нутқ деган маъноларни англатади). Саҳна ёки бошқа адабий асар иштирокчиларининг ўз-ўзига ёки ўзгаларга қаратилган, жавоб талаб қилмайдиган нутқи.

Мотив – мотив, тема, мавзу.

Муסיқа – (а. ва юн. сўз бўлиб, музалар санъати деган маънони англатади). Инсон ҳиссий кечинмалари, фикрлари, тасаввур доирасини муסיкий товуш (тон, нағма)лар изчиллиги ёки мажмуа воситасида акс эттирувчи санъат тури. Шу санъатнинг чолғу билан ижро этиладиган асари;

Муסיкий асар – Куйлаш ёки мусиқа асбобларида ижро этиш учун мўлжалланган ва нота белгилари ёрдамида ифодаланган асар, куй. Ёқимли, оҳангдор овоз(лар) орқали инсонлар юраги-қалбига кириб бориб, таъсир этувчи нозик санъат тури.

Муқаддима – (а. сўз бўлиб, олд қисм; кириш жойи, қисми; нутқ, асарнинг бошланмаси деган маъноларни англатади) Адабий-бадий, муסיкий асарлар ва б. нинг бошланиш қисми; кириш, дебоча. Асарнинг мақсади, мазмунининг хусусияти ва тузилишини тушунтирадиган, нашр аввалида бериладиган илова мақола.

Муқаллид – (а. сўз бўлиб, тақлидчи деган маънони англатади.) Ўзбек анъанавий театрининг жанри; шу жанр ижрочиси (муқаллид шаклидаги томошаларда қуш ва ҳайвонларга тақлид қилинган, ҳаётдаги баъзи кишилар ҳулқ-атвори, қизиқ воқеалар қулгили тарзда акс эттирилган).

Мюзикл – (инг. сўз бўлиб, мусиқали деган маънони англатади). У асосан, комедия характеридаги мусиқали саҳна асари. XIX асрнинг 2-ярмида АҚШда юзага келган XX асрда кенг ривож топди. Ўзбекистонда асосан болалар театри саҳнасида ривожланган.

Назария – (а. сўз бўлиб, таълимот; қоидалар мажмуи; умумлашма фикр маъносини англатади). Санъат ва бошқа соҳаларнинг мантикий абстракт фикрлаш йўли билан ишлаб чиқилган асослари.

Наср – (а. сўз бўлиб, сочиб, тўкиб ташлаш; проза деган маъноларни англатади) Прозаик асар.

Натура – (лот. сўз бўлиб, хосса, хусусият. Кишининг хулқ-атвори; табиий майл; табиат деган маъноларни англатади) Расмга, кинога олиш сурат чизиш ва шу кабилар учун объект бўлган табиий манзара.

Натурализм – натурализм (XIX асрнинг 60-йилларида Европа ва АҚШ адабиёти ва санъатида юзага келган ва реализмга қарама-қарши ўлароқ, воқеликни фақат ташқи томондан аниқ акс эттиришга аҳамият берган оқим).

Новелла – (итал. сўз бўлиб, янгилик деган маънони англатади). Насрнинг кичик жанри, кичик ҳикоя.

Новеллист – (итал. сўз бўлиб, новелла ёзувчи ижодкор деган маънони англатади). Новелла муаллифи.

Нутқ – (а. сўз бўлиб, сўзлаш, нутқ; гапириш қобилияти деган маъноларни англатади) Сўз воситасида мулоҳаза юритиш.

Нутқ майллари – буйруқ, илтижо, ҳикоя, дўқ-пўписа, савол, жавоб ва ҳ.к.

Образ – (р. сўз бўлиб, образ юз, ёноқ; тасвир тимсол деган маъноларни англатади) Бадий асарларда яратилган тип, характер. Санъатнинг ўзига хос бир категорияси: санъаткорнинг воқелик ҳақидаги тасаввурининг аниқ ҳис этиладиган бир тарзда гавдаланиши.

Опера – (ит. ва лот. сўз бўлиб, ижод маҳсули, асарга айтилади). Опера мусикали-драматик санъат жанри ва шу руҳдаги сахна асари. Опера оркестрсиз бунёд бўлмайди. Опера артистлари ўз фикр ва эътиросларини сўз билан эмас, мусиқа орқали ашулада, ўзаро суҳбатлар, дуэтларда ифода этишади. Опера санъати XV1-XV11асрларда Флоренция шаҳрида туғилди. Опера поэзия ва мусиқа, драма ва живопись санъатлари бирлашган ҳолда яратилади.

Оперетта – (ит. сўз бўлиб, кичик опера маъносини ифодалайди). Бунда ашула, рақс ва сўзлашув (диалог) аралаш бўлади. Комедия характеридаги мусикали сахна асари.

Оркестр – (фр. ва юн. сўз бўлиб, театрдаги ўтириш жойи, рақс майдончаси; юнон театрида сахнанинг олд майдончаси деган маъноларни англатади). Мусиқа асарини биргаликда ижро этадиган турли хил чолғу асбоблари йиғиндиси ва шу асбобларни чалувчи мусиқачилар жамоаси. Театр сахнаси олдида мусиқачилар учун қилинган махсус жой.

Пантомима – (юн. сўз бўлиб, барча нарсани таклид билан ифодаловчи маъносини англатади). Кишининг кечинмаси, фикрлари, ҳаёт лавҳалари, инсон характерлари фақат тана ҳаракати, мимика ва имо-ишоралар билан ифода этиладиган сўзсиз театр томошаси.

Парда – драматик асар танафуслар билан кўрсатилганлиги сабабли, ҳар қайси қисми парда яъни сахна асарининг ёхуд фильмнинг мустақил воқеликдан иборат тугал бир қисми.

Парадокс – парадокс (умум томонидан қабул қилинган фикрларга, илмий қоидаларга мос келмайдиган, шунингдек соғлом, соғлом ақлга зид фикр).

Пардоз – (ф. сўз бўлиб, безатувчи, оро берувчи деган маъноларни англатади) Хусни очиш ёки сунъий гўзаллик ҳосил қилиш учун ўсма, хина, упа-элик суртиш, бўяш, ўзига оро, зеб бериш ва шу жараён натижаси.

Пафос – пафос, шавқ - завқ, жўшқинлик.

Пародия – (юн. сўз бўлиб, зид қўшиқ деган маънони англатади). У адабиёт театр, мусиқа ва эстрада жанри, кулги санъати, ҳажв ва ҳазил турларидан бири. Онгли тақлид. Ҳазил ёки ҳажвий тарзда бошқа асарга тақлид қилиб ёзилган асар.

Партер – театр ва бошқа томоша залларининг томошабинлар ўтирадиган, сахнага нисбатан пастроқ бўлган қисми ва унда жойлашган ўринлар.

Перипетия – кескин бурилиш, воқеанинг қарама-қарши томонга ўзгариши. Бу эҳтимоли кузатилган ёки зарурий ўзгаришдир.

Персонаж - (лот. сўз бўлиб, шахс, қаҳрамон деган маънони англатади). Санъат ва бадиий адабиётда муаллиф томонидан тасвир этилган шахс.

Пьеса – (фр. сўз) 1). Театр (шунингдек, радио ва телевидение)да қўйиш учун мўлжалланган драматик асар. (... “Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси , 7-жилд, Т.; 2004, 209-бет.) Пьеса – ад. сахнага қўйиш учун мўлжалланган драматик асар. (Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.; 2007, 3-жилд, 326-бет.) Пьеса - театр учун мўлжалланган ҳарқандай драматик асар: Трагедия, драма, комедия, водевиль пьеса дейилади. Агар роман ёки қисса асосидаги асарни сахнада қўйиш учун аввало шу асар бўйича сценарий ёзилади ва у пьесага айлантирилади. Пьесалар аксари ҳолда диалогдан бошланади. Бу унинг хусусияти. Аммо бу унчалик муҳим эмас. Қаҳрамонлар тилида ўтган замон феъли қўлланилмайди. Пьесада энг муҳими ҳаракат.

Пьеса персонажи ҳозир, шу дақиқада ҳаракат қилаётган одам. Бу деган югураётган ёки сакраётган бўлиши керак, дегани эмас, у ўтириб суҳбат кураётганда: ниманидир ҳал қилиши, изтироби, азобланиши, хурсанд бўлиши ҳам ҳаракатга киради. Ҳар бир реплика шу аснода ҳаракатни ифода этади. Шу билан муаллиф фикри томошабинга етказилади. Буларнинг бари томошабин театрдан яхшилик ва адолат учун курашга тайёр бўлиб чиқиб кетиши учун қилинади.

Порнография – (юн. сўз бўлиб, бузук, ахлоқсиз, фоҳишабоз ёзаман деган маъноларни англатади) Адабиёт, тасвирий санъат, театр, кино, телекўрсатув, радиоэшиттириш ва шу қабиладарда жинсий ҳаётни қўпол-ялонғоч ҳолда, беҳаёларча тасвирлаш, намоиш қилиш; шундай тасвирга асосланган асарларнинг ўзи.

Портрет – (фр. сўз бўлиб, тасвир деган маънони англатади) Реал ҳаётда мавжуд бўлган қиёфалар тасвири. Адабий асарда персонажлар қиёфасининг тавсифи, тасвири.

Постановка – (р.сўз бўлиб, қўймоқ маъносини англатади.) Томошабинларга кўрсатиш учун тайёрланган сахна асари, спектакль.

Постановкачи – пьеса, фильм кабиларни постановка қилишга, спектаклни сахнага қўйишга раҳбарлик қилувчи мутахассис; режиссёр.

Поэзия – (юн. сўз бўлиб, яратаман маъносини англатади). Бадиий ижоднинг асосий турларидан бири. Поэзия - асар, ижод; ижод маҳсули).

Бадиий ижоднинг шеърий шакли, шеърият, назм. (Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси , 7-жилд, Т.; 2004, 162-бет.)

Поэтика – (юн. сўз бўлиб, поэтик санъат деган маънони англатади). Бадиий асарларда ифода воситалари тизими ҳақидаги фан, энг қадимги адабиётшунослик фани. Кенг маънода поэтика **адабиёт назарияси** тушунчасига тўғри келади... (“Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси , 7-жилд, Т.; 2004, 162-бет.) Поэтика - поэтик санъат маъносини англатади.

1.Адабиёт назариясининг сўз санъати асарлари тузилишини унинг изчил ва тарихий қонуниятлари асосида ўрганадиган бўлими; бадиий асарларда қўлланивчи ифода воситалари тизими. (Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.; 2007, 3-жилд, 304-бет.)

Премьера – (фр. сўз бўлиб, биринчи деган маънони англатади). Янги спектакл, эстрада, цирк томошалари, янги фильм кабиларнинг биринчи бор оммавий намоёиш қилиниши.

Пролог – (юн. сўз бўлиб, муқаддима деган маънони англатади). 1.театрда спектакль (пьеса, опера, балет, мусиқали драма ва б.) бошланиши олдидан ижро этиладиган кўриниш, сахна (баъзида парда); 2. адабий асарларда муқаддиманинг бир тури. Прологда муаллиф нияти, асарнинг ёки бевосита асарда акс этган воқеалардан олдинги воқеаларнинг қисқача мазмуни берилади; драматик асарларда қатнашувчилар билан таништирилади. Мас., Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асаридаги пролог характерлидир; 3. мусиқада кантата, оратория (баъзан симфоник асар)ларнинг кириш қисми. (“Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси , 7-жилд, Т.; 2004, 177-бет.) Пролог – трагедиянинг хор пайдо бўлгунгача даврдаги яхлит бир қисми ҳамдир.

Психологик жараён – инсон фаолияти ҳайвонлар хатти-ҳаракати жараёнида воқеликнинг психик акс этиши, руҳий жараёнлар, ҳолатлар, ҳодисалар, ҳислатлар тўғрисида фанни психология фани ўрганишини инобатга олиб, унинг тадқиқот предметига сезгилар ва идрок образлари, тафаккур ва ҳиссиёт, фаолият ва муомала каби психологик жараёнларни киритиш керак. Бу жараён санъатда айниқса драмада инсоннинг психик, руҳий кечинмаларини теран тасвирлаш натижасида намоён бўлади.

Прототип – прототип, тимсол (ёзувчига бадиий образ яратиш учун манба бўлган шахс.

Публицист - долзарб, мунозарали ижтимоий-сиёсий мавзуларда асар ёзувчи адиб.

Публицистика - (от. сўз бўлиб, жамоатчиликка оид, ижтимоий деган маъноларни англатади). Даврнинг долзарб ижтимоий-сиёсий масалалари

хамда жамиятнинг кундалик ҳаётига бағишланган адабиёт тури. Шу жанрга хос асарлар мажмуи.

Радиоспектакл – радио орқали эшиттиришга мослаштирилган, шу мақсадда ёзиб олинган спектакль.

Рампа – (фр. сўз бўлиб, тўр панжара деган маъноларни англатади) Театр сахнаси полига унинг олд қирраси бўйлаб ўрнатилган, сахнани олдиндан ва пасдан ёритиш учун мўлжалланган ёритиш асбоблари. Театрда сахнага қаратилган ёритувчи асбобларни томошабинлар кўзидан паналаш учун авансцена бўйлаб ясалган узун тўсиқ ва шу тўсиқ ортига ўрнатилган ёритиш асбоблари.

Ракс – (а. сўз бўлиб, ўйин, ўйинга тушиш ва унга мослаб ёзилган мусиқа деган маънони англатади). Раккос(а)-нинг гармоник ҳаракати ва ҳолатлари, пластик ифодавийлиги, юз имо-ишоралари ва б. орқали образ яратишдан иборат санъат тури. Турли мақомлар билан бажариладиган ритмик ҳаракат; оёқ ўйин ва шундай ўйин учун ёзилган мусиқа.

Реализм – реализм, амалийлик. (бирор нарсани амалга оширишда мавжуд шарт-шароитларни аниқ ҳисобга олиш. Воқеликни типик белгиларда ҳаққоний тасвирлаш, бадиий ўрганиш методи (усули); санъат ва адабиётдаги йўналиш.

Реквизит – (лот. сўз бўлиб, керакли, зарур деган маъноларни англатади) Театр томошаларида ёки кинофильм суратга олинаётганда фойдаланиладиган табиий ёки ясама буюмлар мажмуи.

Ремарка – (фр. сўз бўлиб, белги, изоҳ деган маъноларни англатади). Драматик асарда муаллиф томонидан бериладиган изоҳлар. Ремаркада асар иштирокчиларининг ташқи қиёфаси, ёши, хулқи, хатти-ҳаракати, қилиқлари, интонацияси, сахна манзараси ва ҳ.к. ёритилади. (“Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси , 5-жилд, Т.; 2003, 304-бет.)

Репертуар – фр. ва лот. сўз бўлиб, рўйхат, изоҳлаш деган маънони англатади. Драма театри, мусикали театр, эстрада концерти ёки айрим артист томонидан ижро этиладиган асарлар мажмуи.

Репетиция - лот. сўз бўлиб, қайтариш деган маънони англатади. Такрорлаш орқали тайёрлашнинг асосий шакли.

Реплика – жавоб, эътироз, луқма. Театрда. артистнинг бошқа артист гапиришидан олдин айтган охирги сўзи.

Ривоят – мифос-воқеалар оқими.

Риторика – нотиклик санъати назарияси; куруқ дабдабали нутқ; сафсата.

Роль – актёрнинг бутун пьеса, сценарий давомидаги нутқи.

Санъаткор – санъат билан шуғулланувчи, маълум бир санъат эгаси; санъат соҳиби , санъатнинг бирор соҳасини эгаллаган ижодкор; санъатчи.

Санъатшунослик – Санъат ва унинг турларини ўрганувчи фанлар мажмуи; санъат назарияси. Ижтимоий ва маданиятнинг бошқа жараёнлар билан алоқаси, бадиий асарнинг мазмун ва шакл билан боғлиқ барча

масалалари йиғиндисини ўрганади. Ўзбекистонда санъатшунослик фан сифатида XX асрнинг 20-йилларидан шаклланди.

Сатира – лот. сўз бўлиб, курама, ҳархил нарсa маъноларини англатадиган комиклик тури. Ҳажвий асар. Воқеликни бадиий акс эттиришнинг ўзига хос усули. Сатирик аъаналар Шарқ халқлари ижодида қадимдан мавжуд. Пародия.

Саҳна – (а. томоша кўрсатиладиган жойда, театр, кинотеатр, концерт зали ва ш.к. томошаларда спектакл, кино қўйиладиган баланд жой. Бадиий асардаги айрим қисм-воқеа, эпизод.

Саҳна нутқи – Театрда бадиий образ яратиш, қаҳрамон хатти-ҳаракатлари, ҳис-туйғуларини томошабинга етказишда асосий ифода воситаларидан бири.

Саҳна қонунлари – 1. Асарда баёнчилик бўлмаслиги; 2. диалогларнинг узундан-узун бўлмаслиги; 3. мавзуга алоқаси бўлмаган монолог ва матнларга берилмаслик; 4. асарнинг томошабинлигини; 5. узликсиз хатти-ҳаракатга ва кучли интригага қурилиши кераклигини таъминлашдан иборат.

Сентиментализм – сентиментализм, XV111 аср охири –X1X аср бошларида Европа ва АҚШ адабиёти ва санъатида юзага келган оқим; унда ҳиссиёт инсоннинг қимматини, яхши ёки ёмонлигини белгиловчи асосий меъёр сифатида талқин қилинади. Ортиқ даражада ҳиссиётга берилиш, ҳассослик, таъсирланувчанлик; йиғлоқилик).

Сериал – (ингл. ва лот. сўз бўлиб, қатор деган маънони англатади) Кўп сериали, кўп қисмли давомли фильм.

Символизм – символизм, X1X – XX аср адабиёти ва санъатида: мистицизм (мистика, тасаввуф) ва индивидуализм (шахсиятпарастлик) руҳи билан суғорилган, борлиқни символлар – рамзий ишоралар орқали ифодаладиган тушкун нореалистик оқим).

Скетч – театрда, скетч (кичик ҳажвий пьеса тури).

Спектакль – (фр. ва лот. сўз бўлиб, томоша маъносини англатади). Театр санъати асари. Постановкачи - режиссёр бошчилигида театр жамоаси (актёрлар, рассом, композитор, балетмейстер ва ҳ.к.) томонидан яратилади.

Спектакль асосида пьеса (опера ва балет композитор партитураси, либретто, сценарий) мазмуни билан белгиланувчи ғоявий ният ётади. Танланган пьесанинг талқин режалари, декорация ва либосларнинг эскизлари, роллар тақсимооти, театр бадиий кенгашида муҳокама қилинади. Режиссёр пьеса ва образларнинг талқин воситаларини муайян ғоя ва бадиий шаклга бўйсиндиради, спектакльнинг кўринишлари, ечими ва рамзий ишораларини рассом билан ҳамкорликда ҳал қилади. Актёрлар билан ишлаш, мизан-саҳналарни белгилаш, саҳнавий образлар ва улар ўртасидаги муносабатларни шакллантириш спектакль яратиш жараёнининг ҳал қилувчи шартларидан биридир. Спектакль синтетик асар бўлгани учун ундаги безак, жиҳоз, либос, пардоз, мусиқа ва рақс воситалари, чироқлар ва турли эффе́ктлар уни янада бойитади. (“Қаранг: Ўзбекистон миллий

энциклопедияси, 8-жилд, Т.; 2004, 37-бет.) Спектакль саҳнага қўйилган драматик асар, театр томошаси.

Стилистика – стилистика, (адабиёт назарисининг тил ва бадиий асар услублари ҳақидаги бўлими; бадиий асар тилининг таъсирли воситалари).

Сценарий – (итал. ва лот. сўз бўлиб, саҳнага оид, алоқадор деган маънони англатади.) Пьеса, опера, балет спектакллари, оммавий тадбирлар ҳамда томошаларнинг режаси, сюжет тузилиши. Бадиий адабиётнинг муҳим тури.

Сюжет – (фр. ва лот. сўз бўлиб, предмет, мазмун, моҳият, нарс деган маъноларни англатади). 1. Бадиий асарда, фильмда воқеа-ҳодисалар тасвири, баёнидаги изчиллик ва ўзаро алоқа; бадиий асар мазмуни. 2. Тасвирий санъатда: тасвир объекти, предмети. (Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати, Т.; 2007, 3-жилд, 608-бет.) Сюжет –бадиий асар мазмунини ташкил этадиган, бир-бири билан ўзаро боғлиқликда кечадиган, қаҳрамонлар ўртасидаги алоқалардан таркиб топган воқеалар тизими. Барча эпик, драматик ва лиро-эпик турдаги бадиий асарларда сюжет мавжуд бўлади. Ҳар бир адабий турда сюжет ўзига хос характерга эга. Кўпгина лирик асарларда кўзга яққол ташланиб турадиган сюжет тизими йўқ. Улардаги ҳис-туйғу, ўй-кечинмалар ривож қайсидир маънода лирик асар сюжети ташкил этади. Айрим адабиётшунослар сюжетлилиқ умуман лирик турга хос хусусият эмас, деб ҳисоблайди. Чунки лирик асарда воқеалар тизими бўлмаслиги ҳам мумкин. Айни чоғда, сюжет фақат воқеалар тизимидан ҳам иборат эмас...

Бадиий асар сюжети экспозиция, тугун, воқеа ривож, кульминация, ечим сингари бир қатор унсурлардан таркиб топади. Масалан, Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидаги Худоёрхон билан Анварнинг тўқнашуви эпизоди асарнинг кульминацион нуқтаси саналади. Сўнгра воқеалар ечими келади. Бадиий асарда сюжет унсурлари баъзан турлича ҳажм ва турлича тартибда келиши мумкин. Шунингдек, айрим асарларда экспозиция ёки ечим сингари сюжет унсурлари бўлмаслиги ҳам мумкин. Бу асло камчилиқ эмас, аксинча, ўқувчини бадиий тафаккурга чорлайди, тасаввурини кенгайтиради. Баъзи адабиётшунослар пролог (муқаддима) ва эпилог(хотима)-ларни ҳам сюжет элементи сифатида кўрсатадилар. (А.Қодирий романларида бу унсурлар мавжуд). Сюжет **композиция, конфликт, фабула** каби адабий тушунчалар билан ҳам мустаҳкам боғланган. (Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 8-жилд, Т.; 2004, 192-бет.)

Сюжет элементлари - пролог (муқаддима), экспозиция, тугун, воқеалар ривож, кульминация, ечим ва эпилог.

Таҳлил – (а. сўз бўлиб, тарқалиш, (куртак) ёзиш; текшириш, суриштириш; ҳал қилиш, очиш деган маъноларни англатади). 1. Нарса, ҳодиса ва ш.к.ларни моҳият, қонуният ва бошқа жиҳатлардан текшириш, ўрганиш иши. 2. Бирор нарс, маълумот ва шу кабиларни маълум нуқтаи назардан ўрганиш, баҳолаш. 3. Бирор нарсанинг таркибини белгилаш ва унинг моҳиятини тадқиқ этиш. 4. **дин**. Дафн маросими олдида марҳум

тепасида давра олиб, тиловат қилиш. (Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т., 2008, 4-жилд, 41-42-бет.)

Театр – (юн. сўз бўлиб, томошагоҳ деган маънони англатади). Санъат тури; унинг ўзига хос ифода воситаси актёрнинг омма олдидаги ўйини жараёнида юзага келадиган сахнавий воқеадир. Театр санъатида ҳам бошқа санъатларда бўлганидек, халқ ҳаёти, тарихи, дунёқараши акс этиб, жамият тараққиёти, маънавияти, маданияти билан боғлиқ ҳолда ўзгариб, такомиллашиб боради. Театр асосида оғзаки ёки ёзма драматургия ётади.

Театр синтетик санъат бўлиб, жамият ҳаётида, томошабинларнинг маънавий-эстетик тарбиясида муҳим ўрин тутати. Унда драматургия, муסיқа, тасвирий санъат, рақс, меморлик ажралмас бирликни ташкил этади. (“Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 8-жилд, Т.; 2004, 320-323-бетлар.)
Театр – санъатнинг муҳим бир хили бўлиб, у қадимги Грецияда туғилди.

Театр декорацияси санъати, сценография – тасвирий санъатнинг театр санъати билан боғлиқ соҳаси; декорация, либослар ёруғлик, сахна техникаси воситасида спектаклнинг томоша образи (кўриниши)ни яратиш санъати.

Театр муסיқаси – 1.кенг маънода - барча мусиқали (опера, балет, оперетта, мусиқали драма, мусиқали комедия, водевиль, мюзикл ва б.) ҳамда драматик спектакллар учун ёзилган мусиқа. 2.тор маънода – драматик театр спектакл (драма, комедия, трагедия)лари мусиқаси.

Театршунослик – театр тарихи ва назариясини ўрганувчи фан. Мустақил илмий йўналиш сифатида театр санъатининг умумий тараққиёти билан боғлиқ ҳолда XX асрда шаклланган. Театршунослик дастлаб, асосан драма театрлари фаолияти билан боғланган бўлса, кейинчалик опера ва балет, оперетта, мусиқали драма, болалар театри, кўғирчоқ театри, театр таълими, сахна нутқи, декорация санъати, театр либоси ва пардози, сахна ҳаракати, хаваскорлик театри соҳалари ва йўналишларини ўз ичига олади.

Тенденция – тенденция, майл, рағбат, мойиллик, интилиш, ғоя, фикр, бирёқлама фикр.

Тил – сўзлаш, гапириш, фикр ифодалаш қобилияти, ифода воситаси.

Тип – (юн. сўз бўлиб, кўриниш, шакл, нусха образ деган маъноларни англатади) Бир турдаги кишиларнинг характерли, умумлашма белги – хусусиятларини акс эттирадиган, мужассамлаштирадиган образ.

Типик - маълум бир типга хос бўлган; маълум типдаги нарса ва ходисаларнинг характерли белги –хусусиятларини ўзида акс эттирадиган, мужассамлантирадиган образ.

Типаж – типаж. (бирор образ яратиш учун андоза ёки бўлиб хизмат қиладиган киши).

Тирада – тирада,(кўтаринки руҳда айтиладиган, баландпарвоз –узун ибора, гап ёки монолог).

Трагедия – (юн. сўз бўлиб, эчки кўшиғи, наботот, вино ва хурсандчилик маъбуди Дионис шарафига эчки қурбонлик қилинаётган пайтда айтиладиган

биринчи қўшиқ). 1.ад. Ўта кескин, ўткир ёки келиштириб бўлмайдиган ҳаётий зиддиятларни тасвирловчи ва кўпинча қаҳрамоннинг ўлими билан тугалланувчи драматик асар. 2.Даҳшатли воқеа, ҳодиса; мудҳиш аҳвол; фожиа. (“Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси , 8-жилд, Т.; 2004, 578).

Трагедия муайян ҳажмга эга бўлган , тугал ва бир бутун воқеанинг тасвири. Трагик конфликт, трагик ҳолат ва трагик қаҳрамон тушинчалари билан белгиланиши унинг жанр хусусиятларидир. Унинг асосий мақсади-фабула, яъни воқеадир.

Трагикомедия – трагедия ва комедияга хос хусусиятларни ўзида мужассамлантирган драматик жанр. Трагикомедия ўзаро зид бўлган жанрларнинг диалектик бирлигидан юзага келадиган, кулдириб йиғлатиш ва йиғлатиб кулдириш ҳолатлари асосида пайдо бўладиган асар. Бошқача қилиб айтганда, трагикомедия, “ечими кулгили бўлган, беўхшов ёпишмаган ҳолатлар билан боғлиқ фожиавий (трагедиявий) зиддият асосига қурилган, қаҳрамоннинг ўлими тақозо этилмайдиган драматик асар”. (Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.; 2008, 4-жилд, 166-бет.)

Трагедия таркиби – 6 унсур (элемент)га бўлинади. Биринчиси - томошавийлик, иккинчиси - мусиқа қисми, учинчиси - асар тили-қаҳрамонлар нутқи, тўртинчиси - фикр (ғоя), бешинчиси - характер, олтинчиси - ривоят, воқеа.

Триллёр – (ингл. сўз бўлиб, асабий титроқ, ҳаяжон(ланиш) деган маъноарни англатади). Саргузашт фильмлар, бадий асарларнинг томошабинлар ёки ўқувчиларда ташвиш, ваҳима, безовталиқ, қўрқув уйғотувчи ўзига хос воқеа, эпизодлари бўлган алоҳида тури.

Трилогия – (юн. сўз бўлиб, уч сўз деган маънони англатади). Бир муаллифнинг умумий мавзу, етакчи ғояси, сюжет алоқадорлиги билан бир бутунликни ташкил этувчи уч (бадий, мусикий ёки сахнавий) асари.

Тугун. Умуман, ҳал этилмай, очилмай, ечилмай, “тугун” ҳолда бўлган нарсa. Бадий асарда воқеанинг ривожлана бошлашига сабаб бўлган воқеа, ҳодиса, яъни асар қаҳрамонлари ўртасида конфликтнинг пайдо бўлиши ёки бошланишини ифодаладиган воқеа, ҳодиса. Трагедиянинг бошланишидан то қаҳрамоннинг бахтсизликдан бахтиёрликка ёки бахтиёрликдан бахтсизликка томон ўтиш ҳаракати бошланган чегарагача бўлган қисм тугундир.

Увертюра – (вр. ва лот сўз бўлиб, очилиш, бошланиш деган маъноларни англатади.) Опера, балет, кинофильм ва ш.к.га ёзилган, ана шу асарнинг асосий мавзуларини ифодаловчи мусиқали муқаддима. Оркестр учун ёзилган, бир қисмдан иборат мустақил мусикий асар.

Услуб – (а. сўз бўлиб, тартиб, усул, йўсин деган маъноларни англатади.) Тил воситаларидан фойдаланишнинг маълум бир ёзувчи, асар, жанр учун характерли бўлган усуллари мажмуи.

Фабула – (лот. сўз бўлиб, ҳикоя қилиш, айтиб бериш деган маъноларни англатади). Бадиий асарда, фабула, тасвирланган воқеа-ҳодисаларнинг баёни, уларнинг ҳикоя қилиниш усули, ўзаро боғлиқ бўлган сюжет тизимидир.

Фарс – театрда фарс (кичик ҳажвий пьеса)

Фикр – (а. сўз бўлиб, тафаккур, ғоя; ақл, ўйлаш, ўй хаёл, мулоҳаза деган маъноларни англатади). 1. Бирор нарса, ҳодиса ёки нима ҳақида ўй, хаёл... 2. Бирор нарсага нисбатан муносабатни, уни баҳолашни ифодаладиган ҳукм, ҳулоса. (“Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2008, 4-жилд, 344-бет.)

Фольклор – халқ оғзаки ижоди, халқларнинг урф-одати, маросимлари, расм-русуми, қўшиқ ва бошқа турмуш ҳодисалари мажмуи.

Фундус – деворлар, дераза, зинапоялар, йиғма-ечилма безаклар.

Характер – (юн. сўз бўлиб, фарқланувчи хусусият, ўзига хослик деган маъноларни англатади). Адабиёт ва санъат асарларида хусусий белгилари мукамал тасвирланган ва ўзида феъл-атвор (хатти-ҳаракат, кечинма, фикрий ва нутқий фаолият) нинг тарихан аниқ типини мужассамлантирган, шунингдек, муаллифнинг маънавий-эстетик концепциясини ифодалаган инсон образи. (“Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 9-жилд, Т.; 2005, 391-бет.) Характер деган тушунча, шахснинг агар ўзининг гаплари ва ишларида қандайдир мақсадга амал қилишига айтилади. Одамдаги ҳалоллик, саҳийлик, синчковлик, эътиборлилик ва бошқа шу кабилар инсон характериини белгиловчи чизмалардир. Бир гуруҳ одамларнинг типик, умумий хусусиятларини ўзида мужассамлантирган образ.

Ҳаракат – юриш. қимирлаш, тебраниш; фаолият; жараён.

Цензура – цензура, саҳнага қўйиладиган асарни назорат қилиш.

Чолғу – мусиқа асбоби. Мусиқа асбобларида ижро этилган куй, оҳанг; мусиқа. Чолғули асар.

Экспозиция – (лот. сўз бўлиб, томоша учун қўйиш; баён қилиш, тафсифлаш; тушунтириш деган маъноларни англатади). Экспозиция бадиий сюжетининг таркибий қисми бўлиб, унда воқеалар юз берадиган макон ва замон, асар қаҳрамонлари ҳақидаги муаллиф маълумотлари баён қилинади. Экспромт – экспромт, бадиҳа, олдиндан тайёргарлик кўрмасдан, бирданига ёзилган асар.

Эмоционал – эмоция жихатдан бўлган, эмоцияга оид; ҳис-туйғу ифодаловчи.

Эмоция – (фр. сўз бўлиб, ҳаяжонга солмоқ, тўлқинлантирмоқ деган маъноларни англатади) Ташқи ва ички қўзғатувчилар таъсири натижасида одам ва ҳайвонларда пайдо бўладиган руҳий кечинма; ҳис-туйғу; ҳис-ҳаяжон; қўзғалиш.

Эпиграф – эпиграф, адабий асарнинг тепасига ёзилган бирор иктибос, жумла, ибора.

Эпопея – (юн. сўз бўлиб, эпик шеърят; қўшиқлар, ривоятлар тўплами деган маъноларни англатади). Тарихий воқеалар тасвир этилган, эпик

жанрдаги йирик асар. Мардонавор, жасуруна ишлар билан боғлиқ давомли воқеа-ҳодисалар.

Эпизод – эпизод, воқеа, ҳодиса, кўриниш (адабий асарнинг маълум даражада мустақил бўлган қисми).

Эпилог – хотима, сўз, нутқ, асар хотимаси.

Эпитет – (юн. сўз бўлиб, қўшилган, илова қилинган деган маънони англатади) Нарса, воқеа, ҳодиса ва шу кабиларнинг сифат фазилатларини яққол, жонли тасвирлаш, сифатли сўз.

Эстетика – эстетика, санъат ва бадий ижодиётдаги нафосат, табиат ва ҳаётдаги гўзалликлар ҳақидаги фалсафий таълимот.

Юмореска – юморека, юмор ҳазил, мутойиба) билан суғорилган кичикроқ адабий-бадий ёки мусиқали асар.

**“Драма назарияси” фани бўйича
тест саволлари**

1. Арасту (Аристотель) қайси асрда яшаган?

- а) Эрамиздан аввалги 5-асрда
- б) Эрамиздан аввалги 7-асрда
- в). Эрамиздан аввалги 4-асрда
- г) Эрамиздан аввалги 10-асрда

2. “Поэтика” (Нафис санъатлар ҳақида”) асарининг муаллифи ким?

- а) Афлотун (Платон)
- б) Аристофан
- в). Арасту
- г) Сукрот (Сократ)

3. Арасту фикрига кўра “ҳаракат” тушунчаси нима?

- а) Сюжет
- б) Фабула
- в) Қаҳрамонлар ҳаракати
- г). Фабула ва индивидуал ҳаракати

4. Арасту фикрига кўра “драма” нима?

- а) Диалог
- б) Ҳикоя қилиш
- в). Ҳаракат
- г) Пьеса

5. Арасту фикрига кўра “ҳаракат”нинг асосий элементи ?

- а) Диалог
- б) Монолог
- в). Перипетия (хабардор бўлиш. азобланиш, воқеалар кетма-кетлиги)
- г) Қилмиш

6. “Драма назарияси”фани нимани ўрганади?

- а) Театр тарихини
- б) Адабиёт тарихини
- в). Драматик ижод қонунларини.
- г) Драма тарихини

7. “Поэтик санъат”дидактик поэмасининг муаллифи ким?

- а) Н.Буало
- б). Д.Дидро

- в) В.Шекспир
- г) Софокл

8. Бадий ижодга В.Шекспир қайси асарида тафсиф берган?

- а) “Қирол Лир”да
- б) “Ҳамлет”да
- в). “Отелло”да
- г) “Макбет”да

9. Драманинг асосий предмети?

- а) Персонаж
- б). Инсон
- в) Образ
- г) Иштирок этувчи персонаж

10. Драматик асарни Арасту қандай бўлакларга бўлади?

- а). Ибтидо, ўрта, интиҳо
- б) Сюжет, характерлар, композиция
- в) Тил, диалог, монолог
- г) Фабула, сахна жиҳозлари, мусиқий безаш

11. Арасту таъкидича, трагедиянинг олти унсури қайсилар?

- а) Диалог, характерлар, тил, фикр, матн, фабула
- б) Ҳикоя қилиш, фабула, диалог, характерлар, тил, фикр-ғоя
- в). Фабула, характерлар, фикр-ғоя, томоша, матн, мусиқий қисмлар
- г) Мазмун, сюжет, тил, матн, мусиқий композиция, томоша

12. Арасту фикрига кўра, драматик асарда перипетия (кескин бурилиш) қачон содир бўлади?

- а) Диалогларда
- б) Монологларда
- в). Драматик асарнинг ўртасида
- г) Драматик асарнинг финал (хотима қисми)да

13. Драма назарияси илмини XV111-асрда қайси философлар ривожлантирди ва чуқурлаштирди?

- а) Н.Буало
- б). Д.Дидро, Лессинг
- в) Корнел, Расин
- г) Волтер

14. “Актёр ҳақида парадокс” асарининг муаллифи ким?

- а) Н.Буало

- б) Д.Дидро
- в) Корнел
- г) Вольтер

15. Д.Дидро театрни қандай изоҳлади?

- а) Сиёсий минбар
- б) Тарбия мактаби
- в). Сиёсий минбар ва тарбия мактаби
- г) Томошагоҳ

16. Трагедия билан комедия ўртасидаги оралиқ жанр қандай аталган?

- а) Драма
- б). Мешчанлик драмаси
- в) Мелодрама
- г) Мистерия (диний мавзулардаги драма)

17. Ким биринчилардан бўлиб классицизм жанрини табақаларга бўлинишига қарши чиқди?

- а) Н.Буало
- б). Д.Дидро
- в) Корнел
- г) Вольтер

18. “Гамбург драматургияси” мақолалар тўпламининг муаллифи

- а) Н.Буало
- б) Д.Дидро
- в) Шиллер
- г). Лессинг

19. Лессинг фикрига кўра комедия энг аввало нимага қодир?

- а) Овунтиришга
- б). Одамларни кулги ёрдамида тузатишга
- в) Ўргатишга
- г) Тарбиялашга

20. “Эстетика бўйича маърузалар” асарининг муаллифи ким?

- а) Дидро
- б) Лессинг
- в). Гегел
- г) Вольтер

21. Г.Фрейтаг драма композициясини неча қисмга бўлади?

- а) 4
- б) 5.
- в) 3
- г) 2

22. “Драма техникаси” китобининг муаллифи ким?

- а) Вольтер
- б) Лессинг
- в). Фрейтаг
- г) Белинский

23. Қайси назариётчи драматик ҳаракатни беш қисмга бўлиб, Арасту қоидаларига тузатиш киритишни таклиф этди?

- а) Лессинг
- б). Фрейтаг
- в) Вольтер
- г) Дидро

24. Шекспирнинг “Отелло” трагедияси қайси жанрга мансуб?

- а) Фалсафий
- б) Романтик
- в) Лирик
- г) Сатирик (ҳажвий)

25. Ҳамзанинг “Бой ва батрак” драмаси қайси жанрга хос?

- а) Ижтимоий-руҳий
- б) Романтик
- в) Лирик
- г) Ижтимоий

26. Мольернинг “Тартюф” комедияси қайси жанрни ифодалайди?

- а) Лирик
- б) Публицистик
- в). Сатирик
- г) Маиший

27. Ш. Бошбековнинг “Темир хотин” комедияси қайси жанрда ёзилган?

- а) Сатирик
- б). Трагикомедия
- в) Мулоҳазали
- г) Маиший

28. М.Шайхзоданинг “Миро Улуғбек” трагедиясининг жанри.

- а). Қаҳрамонлик
- б) Фалсафий
- в) Рухий
- г) Романтик

29. Ф.Шиллернинг “Макр ва муҳаббат” пьесасининг жанрини аниқланг.

- а) Ижтимоий драма
- б). Мешчанлик трагедияси
- в) Рухий драма
- г) Маиший драма

30. “Трагедия муайян ҳажмли, турли қисмлари турлича сайқалланган тил ёрдамида, баён воситасида эмас, балки хатти-ҳаракат орқали кўрсатиладиган ва изтироб билан инсон руҳини покловчи муҳим ва тугал воқеа тасвиридир” деган жумла кимга тегишли?

- а) Эсхилга
- б) Софоклга
- в). Арастуға
- г) Ҳомирга

31. Драматик асарнинг жанри қандай белгиланади?

- а) Образ конфликтга қараб
- б) Образ характериға қараб
- в) Образнинг композицион қурилишиға қараб
- г). Образ конфликтга ва образ характериға қараб

32. “Драматик санъат, санъатлар ичида энг такомиллашгани ҳисобланган поэзиянинг гултожи ҳисобланади” деган жумла муаллифи ким?

- а) Гоголь
- б). Арасту
- в) Лессинг
- г) Дидро

33. Арасту фикрича, драматик асарнинг қайси жойида “перипетия” жойлашган?

- а) Диалогларда
- б) Монологларда
- в). Драматик асарнинг ўртасида
- г) Драматик асарнинг якунида

34. Драматик асарда “мавзу” тушунчаси қандай маънони билдиради?

- а) Ҳаётий материал
- б) Ҳодисавий тартиб
- в) Жамоа муаммоси
- г). Асосий фикр

35. Арасту бўйича “ҳаракат”нинг асосий элементлари?

- а) Диалог
- б) Монолог
- в). Хабардор бўлиш, азобланиш, воқеалар кетма-кетлиги (перипетия)
- г) Қилмиш

36. Драмада ҳар бир образ ўз характериға хос хислатларни - (орқали очади)?

- а). Ўз тили ва хатти-ҳаракати
- б) Жўшқинлиги ва жозибаси
- в) Самимийлиги
- г) Босиқлиги

37. Драманинг асосий предмети.

- а) Персонаж
- б). Инсон
- в) Образ
- г) Иштирок этувчи

38. Драматизм манбаи нимада?

- а). Қарама-қарши дунёқарашларнинг тўқнашувида
- б) Мураккаб вазиятда
- в) Ижтимоий ҳодисада
- г) Реал ҳаётда

39. Пьесани ўқиётган киши ёки уни сахнада кўраётган томошабин драмада содир бўлаётган воқеаларни (билиб пайқаб олади)

- а). Қаҳрамонларни ўзидан
- б) Тасвир услубидан
- в) Жанр хислатидан
- г) Муаллиф баёнидан

40. Драматург ўз қаҳрамонлари ҳаётини қаерда кўрсатади?

- а) Эҳтиросли ҳикояда
- б) Чуқур таҳлилий баёнда
- в). Ҳаракатда

г) Самимийликда

41. Мольернинг “Тартюф” комедияси қандай жанрга оид?

- а) Лирик
- б) Публицистик
- в). Сатирик
- г) Маиший

42. Драма назариясига зид назариянинг дастлабки асосчиси ким?

- а) Европид
- б) Софокл
- в). Арасту
- г) Эсхил

43. Адабий тур ва жанрлардан театр санъатига алоқадори

- а) Эпос
- б) Лирика
- в). Драма
- г) Роман

44. Арасту бўйича драматик асарда тасвир объекти бўлиб нима хизмат қилади?

- а) Ҳодиса
- б). Одамлар ҳаракати
- в) Тасодифийлик
- г) Ҳиссиёт

45. Арасту таъбирича “ажойибликнинг” асосий шакллари нима?

- а) Гўзаллик ва меҳрибонлик
- б) Гўзаллик ва гармония
- в) Аниқлик ва гармония
- г). Муҳитдаги тартиб, бир маромлик ва аниқлик

46. Арастуда “ҳаракат” нима?

- а) Сюжет
- б) Фабула
- в) Қаҳрамонлар ҳаракатлари
- г). Фабула ва индивидуал ҳаракат

47. Арасту бўйича характер қандай хислатга эга бўлиши керак?

- а) Ҳаракатчан
- б) Равон нутқли
- в) Темпераментли

г). Ҳаракат ва нутқда ироданинг йўналтирилган бўлиши

48. Лессинг бўйича характерларни очишнинг асосий шарти?

- а). Аниқ мақсад билан ҳаракат қилишда
- б) Ўз позициясини ҳис-туйғу билан ифода қилишда
- в) Фикр юритишда
- г) Жамиятнинг идеалларини тасдиқлаш

49. Лессинг драма мақсадини нимада кўради?

- а). Ҳаётни унинг қарама-қаршиликлари билан бирга очишда ифодалашда
- б) Муаллифлик позициясини ҳис-туйғу билан кўрсатишда
- в) Давр муаммолари бўйича фикр юритишда
- г) Жамиятнинг идеалларини тасдиқлашда

50. Лессингнинг фикрича комедия...

- а) Кўнгилхушлик
- б). Кулги билан инсонлар хатти-ҳаракатини очиб бериш
- г) Ўргатиш
- г) Тарбиялаш

51. “Драма фақат сахнада яшайди” деган ибора кимга тегишли?

- а) Р.Тагорга
- б) М.Уйғурга
- в) В.Белинскийга
- г). Н.Гоголга

52. “Сюжет” тушунчасининг тавсифини аниқланг.

- а). Асардаги воқеаларнинг аниқ (конкрет) системаси
- б) Характерларнинг очилиши
- в) Одамлар ўртасидаги тўқнашув
- г) Воқеа ривож

53. Қайси драмада “Инсоннинг тақдир билан кураши” асосий конфликт?

- а) “Отелло”да
- б) “Мария Стюарт”да
- в). “Шоҳ Эдип”да
- г) “Тартюф”да

54. Драматик асарда “тугун” нима?

- а). Пьеса ҳаракатини бошлаб берувчи воқеа
- б) Пролог

- в) Экспозиция
- г) Пьесанинг боши

55. “Интрига” деганда нимани тушинасиз?

- а) Одамлар ўртасидаги тушунмовчиликни
- б). Яширин ҳаракатни
- в) Одамлар ўртасидаги қарама-қаршилики
- г) Воқеа ривожини

56 “Саҳнаси драматик танасиз жон” деган ибора кимга тегишли?

- а) Н.Шукшинга
- б). Н.Погодинга
- в) К.Яшинга
- г) М.Уйғурга

57. “Эстетика бўйича маърузалар” мақоласининг муаллифи ким?

- а). Гегель
- б) Дидро
- в) Лессинг
- г) Вольтер

58. Драматик асарда “қарама-қаршилиқ” тушунчаси нимани англатади?

- а) Ижтимоий келишмовчиликларни
- б) Диспутни
- в). Турли хил фикрлар, манфаатлар, ҳаётий қарама-қаршилиқлар тўқнашувини
- г) Ҳаёт позициясининг у ёки бу тарзидан норозиликни

59. Конфликт нима дегани?

- а) Ижтимоий ўзгаришлар
- б) Қалбий сиқилиш
- в) Тушунмовчилик
- г). Реал ҳаёт қарама-қаршилиқларини драматик ифода этилиши

60. А.П.Чехов драматургиясига хос конфликтни айтинг!

- а). Инсон ва муҳит
- б) Одамлар ўртасидаги тўқнашув
- в) Инсон ва тақдир ўртасидаги тўқнашув
- г) Шахс ва жамият

Эслатма. Бошланғич ҳарфларнинг сўнгига қўйилган нукта тўғри жавобдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Умумий-услубий адабиётлар

1. **Каримов И.** Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари. Т.; “Ўзбекистон”, 1995.
2. **И.А.Каримов.** Маънавий юксалиш йўлида. Т.; Ўзбекистон, 1998.
3. **Ислом Каримов.** Ўзбекистон буюк келажак сари. Ўзбекистон, 1998.
4. **Ислом Каримов.** Юксак маънавият – енгилмас куч. “Маънавият”, 2008.
5. **Ислом Каримов.** Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.; “Ўзбекистон” НМИУ, 2010.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. **Арасту.** Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. “Янги аср авлоди”, 2011.
2. **Ҳ.Абдусаматов.** Драма назарияси. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т.; 2000.
3. **Волькенштейн С.** Драматургия. М.; “Наука”, 1974.
4. **Костелянец Б.** Лекция по теории драмы. Л.; Искусство, 1976.
5. **Гегел.** Эстетика. 3-жилд. М.; 1971.
6. **Сановский-Панкеев В.** Драма. Л.; Искусство, 1969.
7. **Эстетика.** Луғат. М.; 1989.
8. **Холодов Е.** Драма композицияси. М.; Искусство, 1957.
9. **Товстоногов Г.** О профессии режиссёра. М.; ВТО, 1967.
10. **Дидро Д.** Танланган асарлар. М-Л.; 1951.
11. **Сотибой Турсунбоев.** Хорижий театр тарихи (хрестоматия).Т; 2001.
12. **М.Туляходжаева, Т.Юлдашев** “Узбекская драматургия на сцене театра” изд. “Фан”, Т.; 1990.
13. **Э.Каримов** “Развитие реализма в узбекской литературе”, Т.; изд. “Фан”, 1975.
14. **С.Алиев** “Литературные связи и узбекская драматургия”, Т.; изд. “Фан”, 1975.
15. **Sotimboy Tursunboyev** “XORIJY TEATR TARIXI”, “Чўлпон НМИУ Т.; 2006.
16. **Тохир Исломов.** Тарих ва сахна. Т.; 1998.
17. **А.Абдуғафуров.** “Ўзбек демократик адабиётида сатира”, т.; 1961.
18. **Haydar Muhamedaliyev.** Ssenariynayislik mahorati. “Муסיқа” нашриёти, Т.; 2009.
19. **Русча – ўзбекча ўқув луғати.** М.; “Рус тили” нашр., 1982.
20. **Эстетика.** Луғат, М.; 1989.
21. **Товстоногов Г.** “О профессии режиссёра. М.; ВТО, 1967.

Қўшимча адабиётлар

- 1. И.А.Каримов.** “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. Т.; Ўзбекистон. 2011.
- 2. Тошпўлат Турсунов.** Ўзбек театри тарихи. Т.; 2008.
- 3. Ҳақиқат манзаралари.** Т.; “Янги аср авлоди”, 2011.
- 4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати,** 2-жилд, 2006.
- 5. Русча-ўзбекча луғат. Руско-узбекский словарь.** Т.; 1983-1984.
- 6. Тошпўлат Турсунов.** Саҳна ва замон. Т.; “Янги аср авлоди”, 2007.
- 7. Сотимбой Турсунбоев.** Хорижий театр тарихи. (хрeтоматия) Т.; 2001.
- 8. Тешабой Баяндиев.** Санъат масалалари – театршунос нигоҳида. Т.; 2009.
- 9. Тешабой Баяндиев.** Театр и время. Т.; 2010.
- 10. Haydar Muhamedaliyev.** SSENARIYNAVISLIK MAHORATI. Мусиқа, Т.; 2009
- 11. Тоҳир Исломов.** Тарих ва саҳна. Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Т.; 1998.

Мундарижа

1. Кириш-----	4-бет.
---------------	--------

1.1. “Драматургия назарияси” фанининг асосий йўналишлари ва вазифалари-----	5-бет.
--	--------

11. Асосий қисм

2.1. Арастунинг “Поэтика” (“Нафис санъатлар ҳақида”) асарида драма назариясининг асосий қоидалари-----	8-бет.
2.2. Арасту фикрига кўра “ҳаракат” тушунчаси -----	13-бет.
2.3. Ҳаракатнинг асосий унсурлари бирлиги”-----	13-бет.
2.4. Драматик асарда мазмун, сюжет, фабула-----	15-бет.
2.5. Драматик асар мавзуси ва ғояси-----	18-бет.
2.6. Драма назариясини Арастудан кейинги ривож-----	21-бет.
2.7. Лессингнинг “Гамбург драматургияси”-----	25-бет.
2.8. Лессинг ва драма-----	23-бет.
2.9. Драмада бадиий образлар ва характерлар-----	30-бет.
2.10. Драматургик конфликт. 1-қисм-----	32-бет
2.11. Драматургик конфликт. 2-қисм-----	36-бет.
2.12. Драматургик конфликт. 3-қисм-----	39-бет.
2.13. Драма композицияси-----	42-бет.
2.14. Драматургия жанрлари-----	44-бет.
2.15. Драма ва театрнинг ўзаро алоқаси-----	46-бет.
2.16. Ўзбек маърифатпарварлик реализми драматургияси ва жанри шакллари-----	49-бет.
2.17. Ўзбек драматургиясида жанрий таркибни шаклланиши ва ривож-----	53-бет.
2.18. Мустақиллик даври ўзбек драматургисидан янги услубий ва жанрий шаклларнинг пайдо бўлиши-----	54-бет.

111. Хотима-----	60-бет.
------------------	---------

IV. Драматургик атамаларнинг қисқача изоҳли луғати-----	61-бет.
---	---------

V. “Драматургия асослари” дарслиги бўйича тест саволлари-----	83-бет.
---	---------

V1. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати-----	92-бет.
---	---------

V11. Мундарижа-----	94-бет.
---------------------	---------